

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

АБДУМУРОД КЎЧИБОВ

**ЧЕТ ТИЛЛАР ЎҚИТИШНИНГ АМАЛИЙ
МЕТОДИКАСИ**

САМАРҚАНД-2012

Кўчибоев А.К.Чет тиллар ўқитишнинг амалий методикаси (Ўқув-услубий қўлланма).Самарқанд, 2012, 91 бет.

Ўқув –услубий қўлланма хорижий тилларни ўрганаётган талабалар, касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ва умумтаълим мактаблари ўқитувчилари, малака ошириш факултетлари тингловчилари учун мўлжалланган.

Биринчи қисмда ҳозирги босқичда хорижий тиллар ўқитишга қўйилаётган замонавий талаблар ва чет тили дарсларини мулоқотни ўргатишга йўналтирилган технологияларнинг асосий тамойиллари, иккинчи қисмда - дарс жараёнида қўлланиладиган замонавий таълим усуллари ва улардан фойдаланиш мезонлари баён қилинган.

Учинчи қисмда “Чет тили ўқитиш методикаси” курсида чет тили ўқитувчиси касбини эгаллашда амалий машғулотларни янги педагогик технологиялар асосида режалаштиришнинг замонавий методик асослари: хорижий тилда талаффузни, янги лексикани, грамматик материални, тинглаб ва ўқиб тушунишни, фикрни ёзма баён қилиш ва ўқувчилар билимларини назорат қилиш машғулотларининг ва мустақил ишларни ташкил қилишнинг коммуникатив технологиялари ёритилган.

Ўқув-услубий қўлланмага киритилган маъруза матнлари ва уларни ўқитиш технологиялари, мавзулар бўйича тузилган дарс ташкил қилишнинг янги педагогик технологиялари чет тили ўқитиш методикасини ўрганаётган талабалар ва чет тили ўқитувчилари учун назарий ва амалий машғулотларни режалаштиришда амалий қўлланма вазифасини бажариши мумкин.

Филология фанлари доктори, профессор И.К.МИРЗАЕВнинг

умумий таҳрири остида

Тақризчилар: п. ф.д., проф.М.М.МАХМУДОВА
ф. ф.н. Н. Н. СУВОНОВА

*Ўқув қўлланма СамДЧТИ илмий услубий кенгашининг 2012 йил “ ”
қарори билан нашрга тавсия қилинди.*

Б и р и н ч и қ и с м

ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР ВА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАТИШНИНГ КОММУНИКАТИВ ТАМОЙИЛЛАРИ

Хорижий тилларни ўргатиш таълим жараёнини бир тизимга солиб лойиҳалаштириш ва режалаштиришни, бунинг учун зарур билим, кўникма ва малакаларга эга бўлган хорижий тил ўқитувчиларини тайёрлашни тақоза қилади. Бинобарин, чет тили ўқитувчиси мутахассислигини тайёрлашда таълим жараёнини технологиялаштириш тизимига хос қуйидаги вазифаларнинг амалга оширилиши талаб қилинади:

- бўлажак хорижий тил ўқитувчиларига таълим жараёнини технологиялаштиришнинг тоифа ва қоидаларини, усулларини ўргатиш;

- уларда таълим жараёни натижаларини башоратлаш ва лойиҳалаштириш тўғрисида тушунча, кўникма ва малакаларни шакллантириш;

- уларга таълим технологияларининг концептуал асослари - замонавий педагогик ва психологик фанларда ишлаб чиқилган илғор ғояларни сингдириш;

- бўлажак чет тили ўқитувчиларига ташкил қилинадиган ўқув жараёнининг мақсадини белгилашни ўргатиш;

- таълим бериш моделлари орқали режалаштириладиган натижаларни кафолатлашга ўргатиш;

- таълим жараёнининг натижаларини башоратлаш, лойиҳалаштириш, режалаштириш, назорат ва баҳолашга, бу жараённи узлуксиз ва мунтазам кузатиш – мониторинг қилишнинг восита ва усулларини ўргатиш.

Янги педагогик технологияларни хорижий тилларни ўқитиш методикаси жараёнига тадбиқ қилишдан асосий мақсад - мавжуд шароитда ва ўқув режасида берилган вақтда режалаштирилган натижага эришишнинг кафолатини таъминлаш, бу орқали таълим самарадорлигининг ошишига эришиш, чет тили ўқитувчиларининг илғор педагогик технологиялар билан қуролланган янги авлодини шакллантириш, провард натижада республикамизнинг бўлажак фуқороларини хорижий тилларда эркин гапира оладиган, хорижий адабиётларни ўқиб тушуна оладиган мутахассисларга айлантиришдир.

Технологик жараён хорижий тилнинг назарий асосларини ўргатишга, шу аснода мулоқотга ўргатиш тамойилларига асосланган дифференциялаштирилган ва индивидуаллаштирилган, жуфт ва гуруҳ бўлиб ишлашга (диалог, полилог), ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро боғлиқ фаолиятига йўналтиришни режалаштиришни, лойиҳалаштиришни ва улардан таълим жараёнида оптимал вариантларда қўллашни назарда тутди. Таълим жараёнининг бундай ташкил қилиниши ўқитувчи ва ўқувчилар, ҳамда ўқувчилар орасидаги мулоқотни тизимли ва тезкор амалга оширишни, таълим жараёнининг жорий натижаларини узлуксиз кузатишни,

ташҳислашни, тезкор баҳолашни, таҳлил ва мақбул бошқарув хулосасини қабул қилишни таъминлайди.

Назарий ва амалий машғулотлар фалсафа, психология ва педагогика фанларида шаклланган инсонпарварлик йўналишидаги тамойиллар асосида тузилади. Педагогикада бу йўналиш таълим олувчининг ўзлигини, ўз шахсини англашга, мустақил танқидий фикрлашнинг онгли ривожланишига аниқ йўналтирилган, ўқувчиларнинг шахсий хусусият ва имкониятларини ҳисобга олган мустақил билиш фаолиятига йўллаш сифатида талқин қилинади.

Хорижий тилларни ўргатиш жараёнида талаба ва ўқувчи шахсини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Бинобарин, машғулотларни режалаштиришда қуйидаги вазифалар амалга оширилиши лозим:

- таълим олувчи шахснинг ҳар томонлама эркин ва ижодий ривожланиши учун қулайлик, зиддиятсиз ва хавфсиз шароитларни яратиш, унинг табиий интеллектуал имкониятларини ҳисобга олиш;

- ўқитувчи томонидан талаба ёки ўқувчи шахсининг эътиборга олинishi: унинг мақсадлари, ҳаяжонлари, қизиқишлари, қарашлари, муносабатларини тушуниш ва қадрлаш, унга, унинг куч ва имкониятларига ишониш;

- таълим бериш технологиясини режалаштириш ва амалга ошириш жараёнида ушбу билим соҳасида талаба ёки ўқувчининг билимини, шахс маданиятининг умумий ривожланиш даражасини ҳисобга олиш;

- талаба ёки ўқувчининг психологик-физиологик хусусиятларини ҳисобга олиш;

- таълим жараёнини ҳар бир таълим олувчининг ривожланиш даражаси ва унинг имкониятларига мос равишда ташкиллаштириш;

- талаба ёки ўқувчига ўз билимини, ўзлигини аниқлай олишига, ўз интелектини узлуксиз ривожланишига ёрдам кўрсатиш, уни шахс сифатида назорат ва ташҳис қилиш;

- талаба ёки ўқувчини шахс сифатида ривожланишининг умумпедагогик технологияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Хорижий тилларни ўргатишда таълим жараёнинини технологиялаштиришга ўргатиш талабаларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятга йўллаш орқали режалаштиришни кўзда тутди. Фаолиятга йўллаш қуйидаги усулларда амалга оширилади:

- ўқитувчи таълим олувчиларни мустақил изланишга, таҳлил қилишга, таққослашга, ўзгартиришга, билимларни мулоқот жараёнида қўллашга, ўз билимларини муттасил янгилашга ва тўлдиришга ўргатади;

- бу жараёнда ўқитувчи ўқув жараёнининг ташкилотчиси, маслаҳатчиси ва назоратчиси бўлиши керак;

- таълимни жуфт ва гуруҳ бўлиб ишлаш орқали ташкил қилиш таълим олувчиларнинг юқори фаоллигини таъминлайди; бу жараёнда натижаларни башоратлаш, режалаштириш ва ўқув-билиш фаолиятини ташкиллашатириш бўйича таълим олувчиларнинг мустақил фаолияти қўллаб-қувватланади.

Хорижий тил ўқитишнинг назарий асосларини ўргатувчи маъруза машғулотлари таълим олувчиларни пассив тингловчилар сифатида эмас, ўрганилаётган материални чуқур англаш, уларни она тилидаги критериялари билан таққослаш, мустақил изланиш ва тўғри хулосаларга келиш йуллари режалаштирилган интерфаол усулларда технологиялаштирилади. Бундай технологиялар маъруза, семинар машғулотлари, мустақил ишлар учун алоҳида режалаштирилади.

Хорижий тилларда мулоқотни ўргатиш мақсад қилиб қўйиладиган амалий машғулотларида таълим жараёнини технологиялаштириш ҳозирги замон чет тиллар ўқитиш методикасида устувор йўналиш сифатида тан олинаётган коммуникатив ёндашувнинг қуйидаги концептуал тамойиллари орқали амалга оширилади:

1.Машғулотни режалаштиришда нутқ фаолиятининг барча турларини муайян бир нутқ мавзуси бўйича тузиладиган, ўзаро фикр алмашувига асосланган, ўқувчиларнинг нутқ эҳтиёжларига ва нутқ вазиятига мос келадиган коммуникатив топшириқлар орқали ташкил қилиш;

2.Коммуникатив топшириқларни тушунтириш ва ўзлаштириш жараёнида талаффуз, лексик, грамматик, сўзлашув, тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш кўникма ва малакаларини комплекс шакллантириш ва такомиллаштириш;

3.Ҳар бир коммуникатив топшириқни тушунтириш, мустаҳкамлаш жараёнида кўп марталик такрор тамойилига риоя қилиш;

4 Топшириқларни тушунтириш, мустаҳкамлаш жараёнида ҳар бир сўз ва жумлани таржимасиз тушунилишига ёрдам берадиган, ўқувчиларнинг барча сезгиларига фаол таъсир қилувчи аудио-визуал, экстралингвистик, эмоционал таъсир воситаларидан комплекс фойдаланиш;

5.Коммуникатив топшириқни бажаришда ўзаро ҳамкорликни таъминлайдиган интерфаол усулларда: жуфт ва гуруҳ бўлиб ишлаш каби янги педагогик технологиялар асосида функционалликни таъминлаб ташкил қилиш;

6.Жуфт ва гуруҳ бўлиб ишлаб коммуникатив топшириқни мустаҳкамлашда ҳар бир ўқувчининг индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олиш;

7 Мавзу бўйича мулоқот топшириғини тайёрлашда унинг коммуникатив вазиятларга боғлиқлигини, ўқувчиларнинг фикр алмашув эҳтиёжларига мослигини, қизиқарлилигини, янгилигини таъминлаш;

8.Ўрганилган коммуникатив топшириқларни дарс жараёнида, дарсдан ташқари вақтларда ўқув лабораториясида ва ўйга вазифани бажариш каби шаклида уч бора мустаҳкамланишига эришиш;

9.Ўрганиладиган коммуникатив топшириқнинг мазмун-маъносини онгли ўзлаштирилишига эришиш;

10.Мулоқот жараёнида ўқувчиларнинг интеллектуал, ахлоқий, эмоционал ривожланишини таъминлаш;

11.Мулоқот жараёнида коммуникатив топшириқни ҳар бир ўқувчи томонидан қандай ўзлаштирганлик даражасини ҳисобга олиб бориш;

12. Ўқувчиларнинг коммуникатив компетенциясини, яъни мулоқотга кириша олиш салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантириш.(Қаранг: Н.И.Пассов(1989), Н.Н.Болдырев(1998), Мильруд Р.П., Максимова И.Р.2000:9).

Амалий машғулотлар жараёнида шакллантириладиган мулоқот кўникма ва малакалари ўқув лабораториясида уйга вазифа сифатида уч бора мустақамланиши ташкил қилинади ва назорат остига олинади.

И к к и н ч и қ и с м

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИДА ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ УСУЛЛАРИ

1.Замонавий таълим усуллари ҳақида умумий тушунчалар

Ҳозирги замон чет тиллар ўқитиш методикасида *таълим методлари* (юнонча *mèthodos*) тушунчаси ўқитувчининг муайян мавзу бўйича ўқувчилар ўқув фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришдаги, билимларни оптимал ўзлаштиришга йўналтирилган фаолиятининг концептуал қоидалари маъносида қўлланилади.

Таълим усули дейилганида эса, белгиланган таълим мақсадига эришишни таъминловчи ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг ҳамкорликдаги ўқув фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришнинг умумий йўллари тушунилади.

Муайян бир усулни танлаш режалаштириладиган мақсад ва натижаларга кўра қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

- *белгиланган мақсаднинг вазифаларни ҳал этиш учун мослиги;-усулни қўллашнинг соддалиги ва осонлиги;-энг яхши натижаларни таъминлаши ва уларнинг кафолатини таъминлай олиши..*

Хорижий тиллардаги маъруза ва амалий машғулотларнинг самарадорлигини таъминловчи асосий мезонлардан бири таълим олувчиларнинг *жуфт ёки гуруҳ бўлиб ишлаш*, фикр алмашув фаолиятини рағбатлантиришдир. Бу усул кўпинча **интерфаол усул** деб ҳам юритилади. Интерфаол усуллар - ўқитувчининг талабалар билан, талабанинг талаба билан, таълим жараёнининг барча субъектлари билан фаол ўзаро фикр алмашувларини кўзда тутди. Интерфаоллик мультимедиали воситалар орқали ҳам ташкил қилиниши мумкин. Интерфаоллик даражаси қанчалик юқори бўлса, таълим жараёни шунчалик натижали бўлади.

Таълим усуллари режалаштирилган мақсадга эришиш, ўқитувчи ва талабаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил қилиш турлари ва ўқув фаолияти натижаларини ҳисобга олиш нуқтаи назаридан тўрт гуруҳга ажратиш мумкин:

1-гуруҳ: тайёр билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган, билимларни 1-даражада ўзлаштиришни таъминловчи усуллар;

2-гуруҳ: хотирада қолган билимларни амалиётда қўллашга йўналтирилган, билим ва кўникмаларни 2-даражада ўзлаштиришни таъминловчи усуллар;

3-гуруҳ: ўзлаштирилган билимларни муҳокама қилишга, қисман изланишга йўналтирилган, ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни 3-даражада қўллашни таъминловчи усуллар;

4-гуруҳ: ўзлаштирилган билимларни эркин нутқ вазиятларида қўллашни, 4-даражада ўзлаштиришни таъминловчи усуллар.

Қуйида ҳар бир гуруҳ усуллариининг чет тили ўқитиш методикаси курсида амалий машғулотларни режалаштиришдаги ўзига хос хусусиятлари ҳақида батафсил тўхталамиз.

Биринчи гуруҳ таълим усуллари.

1.Маъруза усули.

Хорижий тилларни ўқитиш методикаси курсида фаннинг назарий асосларини ўргатиш асосан, **маъруза усулидаги** машғулотларида ва шу маъруза асосида ташкил қилинадиган семинар (амалий) машғулотларда амалга оширилади. **Маъруза** – давомли вақт ичида ўқитувчи томонидан мавзу бўйича ташкил қилинадиган катта ҳажмдаги ўқув материалининг монологик баён қилинишидир.

Усулнинг асосий *вазифаси* - таълим бериш. *Белгилари*: қатъий тузилма, оғзаки-мантиқий баён қилиш, берилаётган ахборотнинг кўплиги.

Маъруза жараёнида ўқитувчининг талабалар билан биргаликдаги фаолиятини ташкиллаштиришнинг самарадорлик шартлари қуйидагилардан иборат:

- маърузанинг батафсил режасини тузиш;
- таълим олувчиларга маъруза мавзусининг мақсади, вазифалари ва режасини таништириш;
- режанининг ҳар бир қисмини ёритгандан сўнг, қисқа умумлаштирувчи хулосаларни шакллантириш;
- маърузанинг бир қисмидан иккинчи қисмига ўтганда мантиқий боғлиқликни таъминлаш;
- ёзиб олиш учун зарур жойларни ажратиб кўрсатиш (айтиб туриш);
- маърузанинг алоҳида ҳолатлари батафсил баён қилинганидан сўнг, семинар, амалий машғулотлар билан узвийлигини таъминлаш.

2.Ўқув материали мазмунини тушунтириш(ҳикоя) усули. Бу усул маъруза ва амалий машғулотларда қўлланилувчи универсал усулдир.

Тушунтириш – баён қилинаётган материалнинг турли ҳолатларини таълим усуллари ва воситалари ёрдамида тушунтириш, таҳлил қилиш, изоҳ бериш ва исботлаш орқали ташкил қилинади. **Ҳикоя** – воқеа, ҳодиса, ўқув материалига оид билимларни ўқитувчи томонидан ахборот сифатида монологик хабар бериш усули бўлиб, одатда у назарий ҳолатларни аниқлаштириш, ўрганаётган материалга қизиқиш уйғотиш учун қўлланилади.

Ҳикоя қилишда талабаларга ўқув ахборотини ҳиссий таъсир воситалари орқали етказиб беришга, уни санъаткорона, таъсирчан баён қилиш муҳимдир. Тушунтиришдан сўнг, дарснинг 60% вақти мустақамлашга ажратилади.

3.Йўриқнома бериш усули. Йўриқнома бериш – дарс мавзусини тушунтириш босқичидан кейин мустақамлаш босқичида ташкил қилинадиган, ўрганилган билимлар асосида фаолиятга йўллашда кенг фойдаланилади. Коммуникатив топшириқларни жуфт бўлиб ишлашда бундай йўриқномалар савол берувчи ва жавоб берувчи талабаларнинг карточкаларига ёзиб қўйилади.

Йўриқнома бериш қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

- талабаларга бажариладиган иш мазмуни, педагогик ўзаро ҳаракатнинг усул, восита ва шакллари, якуний натижага эришиш йўллари кўрсатиш;

- топшириқни бажариш қоидасини ва бу жараёндаги тизимлиликни, алоҳида ҳаракатлар ва усуллар билан тушунтириш;

- топшириқни бажаришда рўй берадиган қийинчиликлар ва хатоликларни олдиндан кўрсатиш;

- топшириқни бажаришга қийналаётган талабалар фаолиятини тўғрилаш;

- ҳар бир талаба ишини назорат қилиб бориш;

- топшириқнинг бошқа турларини бажариш жараёнида талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил қилиш.

Йўриқнома бериш шаклига кўра оғзаки, ёзма, кўргазмали ва аралаш бўлиши мумкин.

4.Намойиш усули маъруза ва амалий машғулотларда таълим олувчиларга ўқув материални, ундаги объект ва ҳодисаларни, жараёнларни кўргазмали-ҳиссий таъсир орқали тушунтиришни кўзда тутади.

Намойиш ўрганилаётган объектни ёзув тахтасида схемали расм чизиш ёки кўрсатиш, чизмалар чизиш, тайёр фото ва слайдларни кўрсатиш орқали ҳам ташкил қилиниши мумкин. Бундай намойиш тасвирлардаги лисоний мазмунни таржимасиз тушунилишига олиб келади.

Намойиш усулидан фойдаланишда қуйидагиларга эътибор берилади:

- намойиш объектларини тўғри танлаш;

- талабалар эътиборини намойиш қилаётган ҳодисанинг муҳим томонларига йўналтириш;

- намойиш қилинаётган объект талабаларга кўринарли бўлишлигини, уни барча сезги аъзолари орқали қабул қилинишини таъминлаш;

- талаба ва ўқувчилар эътиборини имкони борича ўрганилаётган объектнинг муҳим томонларига жалб этиш;

- талаба ва ўқувчиларни ўрганилаётган объект сифатларини мустақил баҳолашга ўргатиш.

5. Кўрсатиш усули нарсалар, жараён ва ҳодисаларни тасвирий кўринишда кўрсатиш ва улар англатадиган маъно-мазмунни таржимасиз тушунишни кўзда тутади.

Кўрсатиш воситалари сифатида схемалар, жадваллар, расмлар, суръатлар, альбомлар, хариталар, имо-ишоралар, ҳаракатлардан фойдаланиш мумкин.

6.Видеоусул ўқув материалига доир ахборотни, расмларни, иш ҳаракатни таълимнинг техник воситалари: кодоскоп, проектор, киноаппарат, ўқув телекўрсатувлар, шунингдек, ахборотни дисплей орқали акс эттирувчи компьютерлар орқали ташкил қилинади. Видеоусулдан ўқув маъруза ва амалий машғулотларда, шунингдек, ўқув лабораториясида талабаларнинг дарсдан кейинги мустақил ишларини ташкил қилишда ҳам кенг фойдаланилади. Масалан, талаба экрандан кўрсатилаётган саволга мустақил равишда жавоб ёзиши(айтиши), тест саволларини ишлаб, ўз-ўзини текшириши мумкин. Бу усулдан талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашда ҳам кенг фойдаланиш мумкин.

3. Иккинчи гуруҳ таълим усуллари

1.Китоб билан ишлаш усули

Китоб билан ишлаш усули амалий машғулотларда ўқув материални мустаҳкамлаш, билимларни кенгайтириш, ривожлантириш ва билим олишга қизиқтириш мақсадида амалга оширилади.

Китоб билан ишлаш қуйидагича ташкил қилинади:

- амалий машғулотларда ўқитувчи раҳбарлигида ўқув материали бўйича қўшимча топшириқларни гуруҳ бўлиб бажариш;
- берилган адабиётлар билан кутубхонада мустақил ишлаш;
- ўқитувчи берган вазифани уйда мустақил бажариш.

Талабалар китоб билан ишлашда қуйидаги топшириқларни бажарадилар:

- китоб ва унинг тузилиши билан танишиш;
- кўз югуртириб чиқиш;
- қўшимча адабиётнинг белгиланган бобларини ўқиш;
- ўқитувчи томонидан қўйилган саволларга жавоб қидириш;
- мавзу бўйича реферат ёзиш;
- мавзу бўйича таянч конспектлар тузиш;
- мавзу бўйича жадваллар тузиш;
- мавзуга оид мисол ва топшириқларни ечиш, машқларни бажариш;
- назорат тестларини бажариш;
- материални хотирада сақлаш.

Агар китоб билан ишлаш ўқув машғулотида ташкил қилинса, унда ўрганиладиган материал алоҳида қисмларга бўлинади ва гуруҳ бўлиб ишлаш ташкил қилиниб, ҳар бир гуруҳга алоҳида топшириқлар берилади. Муайян вақтдан сўнг, натижалар муҳокама қилиниб, гуруҳлар фаолияти баҳоланади.

2.Лаборатория усули.

Бу усул орқали талабалар (ўқувчилар) ўқув лабораториясида (лингофон ёки компьютер синифида) ўқитувчи(лаборант) раҳбарлигида ёки дарсдан ташқари вақтларда мустақил равишда олдиндан тайёрланган режа бўйича амалий топшириқлар бажариб, ўрганганларини мустаҳкамлайдилар, шу жараёнда янги билимларни эгаллайдилар.

Усулнинг асосий вазифалари – ўрганилган билимларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўлиб, қуйидаги мақсадларда уюштирилади:

- техник воситалар билан ишлаш кўникма ва малакаларини эгаллаш;
- ўрганилган билимларни текшириш ва мавзу бўйича мустақил изланиш йўллари танлаш;
- амалий малакаларни эгаллаш: ўқув материални она тили билан қиёслаш, асосли хулосаларга эришиш; натижаларни текшириш ва қайта ишлаш.

Ўқув лабораториясида бажариладиган мустақил ишлар белгиланган график асосида уюштирилиб, ўқитувчи(лаборант) томонидан назорат қилиб борилади ва талабалар бажарган ишлар махсус дафтарга қайд қилиб борилади.

3.Машқ усули.

Машқ ўқувчи-талабаларнинг ўқитувчи раҳбалигидаги ёки мустақил ташкил қилинадиган, ўрганилаётган ўқув материални амалиётда қўллаш мақсадида мунтазам ташкиллаштирилган кўп такрорланувчан ўқув ҳаракатдир. Усулнинг асосий вазифаси – билимларни амалий фаолият жараёнида мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.

Машқлар қуйидаги турларда амалга оширилади:

- махсус машқлар (талаффузни, гапиришни, тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, фикрни ёзма баён қилиш кўникма ва малакаларини шакллантирувчи машқлар);
 - матнни таҳлил қилиш ва шарҳлашга оид машқлар;
 - ёзма бажариладиган машқлар;(бундай машқлар коммуникатив ёндашувда талабалар томонидан уйга вазифа сифатида бажарилади).
 - оғзаки бажариладиган, мулоқотни ўргатишга йўналтирилган машқлар;(бундай машқлар коммуникатив ёндашувда мулоқот топшириқларини жуфт ёки гуруҳ бўлиб ишлаш орқали ташкил қилинади).
- ўқув жараёнини режалаштириш, лойиҳалаш машқлари (хорижий тил ўқитувчилари тайёрлайдиган ОЎЮларида чет тили ўқитиш методикаси курсининг амалий машғулотларида амалга оширилади).

4.Учинчи гуруҳ таълим усуллари

1.Сухбат усули.

Сухбат усули маъруза ва амалий машғулотларда ўқувчи-талабаларнинг ўрганилган лексик, грамматик, мулоқот материали бўйича ўзаро фикр алмашув, мунозара ва баҳсга киришув, бу орқали янги билимларни узатиш, нутқий ҳаракатларга ўргатиш усулидир. Сухбат усули икки хил мақсадда уюштирилади: 1)маъруза машғулотлари жараёнида талабаларда ўрганилаётган назарий масалаларга муносабат билдириш; 2)сўзлашув амалиёти машғулотларида ўрганилган нутқ мавзуси бўйича эркин фикр алмашувга ўргатиш.

Амалий машғулотларда сухбат нутқ мавзуси бўйича тузилган коммуникатив топшириқлар воситасида, жуфтликлараро, гуруҳлараро ташкил қилинади. Ўқитувчига тақлид қилиб, жуфт бўлиб ўзлаштириладиган коммуникатив топшириқларни бажаришда аудиовизуал, экстралингвистик, эмоционал таъсир воситаларидан фойдаланиш, сухбатнинг тушунарлилигини, қизиқарлилигини таъминлайди.

Ўрганилган мавзу бўйича эркин мулоқот-сухбатга ўргатиш усули мақсадга йўналтирилган ва моҳирона қўйилган савол топшириқлар ёрдамида эгалланган мулоқот материални эсга тушириб, ахборот узатишни, бошқалардан ахборотга турли шаклларда муносабат билдиришни кўзда тутди. Таълим оловчилар ўқитувчи билан бирга кадамма-кадам мустақил фикрлаш, яқунлаш, хулосалаш ва умумлаштириш йўли билан мулоқот малакаларини такомиллаштирадilar.

Маъруза машғулотларида сухбатлар мақсад ва вазифасига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

- маъруза машғулотларида мавзуга кириш ёки ташкиллаштирувчи сухбат (дидактик вазифаси: таълим оловчиларни машғулотдаги фаолиятга тайёрлаш);

- янги билимларни етказишга йўналтирилган сухбат (дидактик вазифаси: таълим оловчиларни янги материал билан таништириш);

- ўқув материални синтезловчи ёки мустаҳкамловчи сухбат (дидактик вазифаси: талабалар билимларини тизимлаштириш, мустаҳкамлаш, эслаб қолиши ва фикрлашни уюштириш).

Амалий машғулотларда сухбат усули ўзаро фикр алмашувга йўналтирилган *ўқув ва давра сухбати* турларига бўлинади.

Давра сухбати ўқув сухбатидан иштирокчиларнинг жойлашиш тартиби ва ўз фикрларини эркин вазиятда навбат билан билдириши орқали фарқланади. Бунда энг муҳими, саволларни тўғри тузиш ва тақдим қилиш ҳисобланади. Саволлар ўзаро мантиқий боғлиқликка эга бўлиши, ўрганилаётган ўқув материалнинг моҳият-мазмунини очиқ бериши, тизимда билимларни ўзлаштиришга ёрдам бериши, мазмуни ва шаклига кўра талабаларнинг ривожланиш даражасига мос келиши лозим.

2.Баҳс (мунозара) усули.

Бу усул маъруза ва амалий машғулотларда аниқ муаммо бўйича фикр алмашиш, муҳокама шаклидаги таълим беришни кўзда тутди.

Бу усулдан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

- янги билимларни шакллантириш;
- таълим олувчиларда у ёки бу саволларни чуқур ўйлаб кўришни, уларнинг моҳиятини тушунишни таъминлаш;
- талаба ва ўқувчиларни далиллар ва уларга асосланган хулосалар орасидаги фарқни тушуниб етишга ўргатиш;
- ўзаро фикр алмашинув кўникмаларини шакллантириш;
- таълим олувчиларга шахсий фикрида мустаҳкам туриш ва уни ҳимоя қилишига ёрдам бериш.

Мунозара эркин вазиятда уюштирилади. У фақат ўзлаштириш лозим бўлган мавзу ва саволларга тааллуқли бўлиши лозим.(Илова №1)

3.Ақлий ҳужум усули.

Бу усул ғояларни генерация (ишлаб чиқиш) қилишга, ўрганилган билимларни амалиётда қўллашга асосланади. «Ақлий ҳужум» усули маъруза машғулотида талабаларни фаоллаштириш ёки амалий машғулотларда мавзу бўйича фикр билдириш, билдирилган фикр ва мулоҳазаларни тўплаб муҳокама қилиш ва тўғри ечимни топишга йўналтирадиган мулоқот жараёнидир. Ақлий ҳужум усулининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида ўқитувчи томонидан берилган саволга талабаларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Талабалар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса, берилган саволга талабалар ўз жавобларини карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. «Ақлий ҳужум» усулининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гуруҳлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу усул тўғри ва ижобий қўлланилганда, шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

Ақлий ҳужум усулидан фойдаланилганда барча талабалар диққатини асосий масалага жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан, талабаларда мулоқот ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Талабаларда фикрни фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантикий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги талабаларда турли ғоялар шаклланишига, ижодий тафаккурни ривожлантиришга ёрдам беради.

Ақлий ҳужум қийин вазиятлардан қутулиш чораларини топишга, муаммони кўриш чегарасини кенгайтиришга, фикрлар бир хиллигини йўқотишга ва кенг доирада тафаккурлашга имкон беради. Энг асосийси, гуруҳ бўлиб ишлаб, муаммони ечиш жараёнида курашиш муҳитидан ижодий ҳамкорлик кайфиятига ўтилади ва гуруҳ янада жипслашади. Шунингдек, бу усул ўзлаштирилган ўқув материалларини тезкор хотирлашга, ўзини-ўзи

самарали бошқариш асосида фаол фикрлашга ўргатади. Ақлий ҳужум технологияси ўқитувчи томонидан қўйилган мақсадга кўра қуйидагича амалга оширилади:

а) талабаларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, машғулотнинг мавзуга кириш қисмида;

б) мавзуни такрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда, машғулотнинг янги мавзуга ўтиш қисмида;

в) ўрганилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда, мавзудан сўнг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.

Мулоқот материали барча талабалар томонидан яхши ўзлаштирилмаган бўлса, натижалар ижобий бўлмаслиги мумкин.

Ақлий ҳужум методини қўллашдаги асосий қоидалар:

а) билдирилган фикр-ғоялар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди;

б) билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам, инобатга олинади;

в) билдирилган фикр-ғояларни тўлдириш ва янада кенгайтириш мумкин.

Ақлий ҳужум усулидан фойдаланиш учун ўқитувчи унга аввалдан тайёргарлик кўради. Муаммони тушунтиради ва уни бажариш усуллари кўрсатади. Бунда талабалар фикрларини йўналтиришга хизмат қиладиган турли манзараларни ифодаладиган расмлар, расмлар серияси, имо-ишора ва ҳаракатлардан фойдаланиш мумкин.

Қуйида “Об-ҳаво” мавзуси мулоқот даражасида ўзлаштирилганидан кейин муаммоли топшириқ орқали уюштирилган ақлий ҳужум усулининг баёнини келтирамиз:

Ўқитувчи: *Hier, il pleuvait à la vers.* (Кучли ёмғир ёғаётган расмни намоиш қилади.). *A ce moment mon grand-père était allé se promener dans la rue.* (Уйдан чиқиб кетаётган бош яланг бобо расми кўрсатилади.). *Après une heure il est revenu à la maison sans mouiller aucun de ses cheveux* (Уйга қайтиб кираётган бобо расми кўрсатилади). *Trouvez la repons, pourquoi il est rentré sans mouiller aucun de ses cheveux?* (Бобо қандай қилиб уйига бирорта сочи ҳўл бўлмасдан келганлиги сабабини тушунтиринг).

Топшириқни эшитиб тушунган талабалар қуйидаги жавобларни беришлари мумкин:

1- талаба: *Il étai allé se promener dans la rue avec son parapluie* (У кўчага ёмғир пўш билан сайрга чиққан).

2- талаба: *Il avait monté le capuchon de son imperméable.* (У кўчада плашининг капюшонини кийиб олган).

3- талаба: *Il avait attendu dans une place dès que la pluie cesse.* (У ёмғир тинишини бирор пана жойда кутиб турган).

4- талаба жавоб беради: *Il se premenait prenant un auto ou un tram.* (У автобус ёки трамвайга миниб сайр қилган.)

5- талаба жавоб беради: *Il était chauve. Ce pourquoi il est revenu à sa maison sans mouiller aucun de ses cheveux.* (У кал бўлган. Шу сабабли бирорта сочи ҳўл бўлмай уйига қайтган.)

Жавоблар янада хилма-хил ва кўп бўлиши мумкин. Барча жавоблар эшитилиб бўлингач, ўқитувчи талабалардан қайси жавоб мантиқан тўғри бўлиши мумкинлигини сўрайди. Талабалар 5-талаба жавобини такрорлашиб, айнан шу жавоб мантиқан тўғри эканлигини айтадилар.

Топширикни бажариш жараёнидаги фикрлар хилма-хиллиги аввал ўрганилган лексик-грамматик материални хотирага келтириб гапиришга, кутилмаган жавобдаги енгил кулги - мулоқот жараёнининг эмоционал таъсирини кучайтириб, барча жавобларни хотирада қолишига ёрдам беради.

Ақлий ҳужум мавзу бўйича етарлича назарий билимлар ва мулоқот малакалари шакллантирилгандан кейин уюштирилади. (Илова №2)

4. Инсерт усули.

Бу усул матнни мустақил равишда таҳлил қилиш, бу жараёнда ўз-ўзини текшириш ва баҳолаш, ўқув материални мустақил равишда мустаҳкамлашнинг самарали усулидир. Бунинг учун талаба матнни таҳлилий ўқиб тушуниш ва ахборот олиш жараёнида матнга қуйидаги махсус белгиларни қуйиб боради:

✓ - мен биламан деган фикрни тасдиқловчи белги;

+ - янги ахборот белгиси;

-- менинг билганларимга зид белгиси;

? - мени ўйлантириб қўйди, бу ҳақда менга қўшимча ахборот керак белгиси.

Бундай усул амалий машғулот ёки мустақил ишлаш жараёнида уюштирилади. (Илова №3)

5. Таълимий ўйин усуллари.

Машғулотларда талабаларнинг ўйин фаолияти орқали ўқув материални ўзлаштириш масаласи Г.В.Рогова и И.Н.Верещагина Е.И.Пассов, Д.Б.Эльконин Е.И.Негневица каби кўплаб методист ва психолог олимларнинг тадқиқотларида атрофлича ўрганилган ва ҳар томонлама ёритилган. Бугунги кунда хорижий тилда мулоқотни ўргатишда ўйинларнинг коммуникатив-функционал, эмоционал-когнитив функцияларини ҳисобга олиш ва уларни ўқув машғулотлари жараёнида қўллаш чет тили ўқитиш самарадорлигини оширувчи муҳим омиллардан бири сифатида тан олинмоқда.

Атоқли рус методист олими, чет тилларни ўргатишнинг коммуникатив технология асосчиси Е.И.Пассов фикрича, ўйин бу фаолиятдир, бундай фаолиятнинг мазмуни билишга, нутқий ҳаракатларга ўргатишдир (1989).

Е.И.Пассов ўйин фаолиятини ўргатувчи восита сифатида таърифлаб, унинг қуйидаги ижобий жиҳатларини кўрсатади: фаолиятнинг мотивлаштирилганлиги, ўрганиш жараёнида ташқи таъйиқнинг мавжуд эмаслиги, ўрганишнинг ихтиёрий индивидуал характерда эканлиги; талабанинг ўрганувчи ва ривожланадиган қобилияти гуруҳ ичида ва гуруҳ орқали амалга оширилиши, эмоционал таъсир орқали қобилиятлар

шаклланишининг тезлашуви, ўйин орқали билишга қизиқишнинг ортиши (Пассов, 1989).

Чет тилларни ўргатишда ўйинлардан қўйидаги мақсадларда фойдаланиш мумкин: мавзу бўйича муайян коммуникатив кўникма ва малакаларни шакллантириш, мулоқотга киришувдаги нутқий ҳаракатларга ўргатиш, зарурий қобилият ва психик функцияларни ривожлантириш, ўйин замиридаги коммуникатив топшириқ мазмунини онгли ўзлаштириш.

Ўйин жараёнида талаба ва ўқувчиларнинг билиш фаолияти моделлаштирилади, уларнинг диққати, хотираси, фикрлаш даражаси, тасавури, билиш жараёни шакллантирилади ва такомиллаштирилади. Ўйинларнинг педагогик ва дидактик аҳамияти талабаларни ўз-ўзини англашга, коммуникатив вазиятларда қандай нутқий ҳаракатни амалга ошириш лозимлигига, ўзини-ўзи синаб кўришга ёрдам бериши билан изоҳланади.

Ўйин жараёнининг самарадорлиги айти пайтда олдиндан кўзда тутилган нутқ вазиятининг мавжудлиги, ўйиндан кутиладиган натижани онгли тушуниш, ўйинда иштирок этиш қоидаларини билиш каби қатор талаблар билан боғлиқдир.

Ўйинлардан амалий машғулотларда мулоқот материали тушунтирилгач, уни мустаҳкамлаш, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида фойдаланилади. Ўйин жараёнида яратилган коммуникатив вазият, фикрнинг аудио-визуал, экстралингвистик ва эмоционал таъсир воситалари орқали фойдаланиши мулоқот жараёнини табиий шароитда юз беришини таъминлайди.

Ўйинни ташкил қилишда қўйидаги методик талабларга риоя қилинади:

1. Ўйинни ташкил қилишда унинг умумдидактик тамойилларига риоя қилган ҳолда мақсад ва вазифаларини белгилаб олиш.

2. Иштирокчилар бажариши лозим бўлган вазифаларнинг аниқлиги.

3. Ўйин жараёнида фойдаланиладиган аудио-визуал, экстралингвистик (новербал воситалар), эмоционал таъсир воситаларини олдиндан белгилаб олиш.

4. Ўйинчилар орасидаги реал самимий, беғараз ўзаро ёрдам, ҳамкорлик муносабатларининг ўрнатилиши.

5. Ўйин мазмунини иштирокчилар томонидан онгли ўзлаштирилиши.

6. Ўйин фаолияти иштирокчиларда руҳий, ижобий эмоционал таъсирни таъминлаши.

7. Ўйин орқали иштирокчиларнинг муайян мавзуда коммуникатив кўникма ва малакаларини шакллантириш ва ривожлантириш.

8. Ўйин орқали иштирокчиларнинг мулоқот жараёнидаги камчиликларини, ақлий, руҳий, ижодий имкониятларини аниқлаш.

9. Ўтказилган ўйин натижаларини муҳокама қилиш, талабаларнинг ютуқ ва камчиликларини аниқлаш (Е.И.Пассов, 1989. – с.70-74.)

Ўйиндан кутиладиган мақсад - ўрганилган лексик бирликларни, грамматик материални муайян формаларда мулоқот жараёнида

мустаҳкамлашни ташкил қилишдир. Ўйинлар талабалар жуфтликлари ва гуруҳлари ичида ёки жуфтликлараро, гуруҳлараро мусобақа шаклида уюштирилиши мумкин. Жуфтликлар ва гуруҳлар тузишда талабаларнинг коммуникатив компетенцияси, интеллектуал қобилиятлари қай даражада шаклланганлиги ҳисобга олинади.

Чет тилида мулоқотга ўргатиш жараёнида ролли ўйинларнинг турли модификацияларидан фойдаланиш мумкин:

- имитацион ўйинлар - машғулотларда бирорта ташкилот, корхона ёки бўлим ходимларининг фаолиятлари имитация қилинади;

- операцион ўйинлар - у аниқ, махсус нуткий ҳаракатларни бажаришни машқ қилишга ёрдам беради

- рол бажариш ўйинлари; Бундай ўйинларда ўзини тутиш тактикаси, бирорта шахснинг вазифа ва мажбуриятларини бажариш кўникма ва малакалари шаклланади.

Тажриба натижалари кўрсатишича, мулоқотга ўргатишда ўйин технологияларидан ўринли ва талаб даражасида фойдаланиш мавзуларни ўзлаштириш даражасини сезиларли даражада оширади. Бундай жараёнда талабаларда эркин, мустақил фикрлаш, баҳслашув кўникмалари ва машғулотда қатнашишдан қониқиш даражаси ошиши кузатилади. Бундан ташқари, тажриба гуруҳидаги талабалар билан ўтказилган экспериментда шу нарсани аниқландики, янгича ўқитиш жараёнида таълимдан ташқари тарбиявий характердаги қатор вазифаларни амалга ошириш имконияти яратилади: талабаларда жамоа, гуруҳларда ишлаш кўникмалари ортади; муаммо ва вазиятларни турли нуқтаи назардан муҳокама қилиш имконияти ва қобилияти шаклланади ва ривожланади; муросали қарорларни топа олиш маҳорати ортади; ўзгалар фикрига ҳурмат; ҳушмуомалалик; ишга ижодий ёндашиш; эркин фикрлаш ва баён этиш, фаоллик; муаммога диққатни жамлай олиш маҳорати ошади.

Ўйинлар орқали ташкил қилинадиган бундай мулоқот жараёнининг эмоционал таъсири биринчидан, ўйин мазмуни орқали фойдаланса, иккинчидан, гуруҳлар ва жуфтликлар ўртасидаги ўзаро мусобақа, ғолиблик учун кураш, талабаларга ўз «мен»ларини кўрсатиш имкониятини туғдирилганлиги, ўйин орқали бундай эҳтиёжларни қондириш имкони мавжудлиги, ўзини англаш ва ўзини сафарбар қилишга рағбатлантирилиши орқали таъминланади.

Ўйинлардан намуналар:

1.Ким кўп гапирди ўйини.

Биринчи гуруҳ аъзоларидан бири иккинчи гуруҳ аъзоларига бирор нарсанинг расмини кўрсатади. Иккинчи гуруҳ аъзоси кўрсатилган расмни иложи борича кўпроқ сўзлардан фойдаланиб изоҳлаши лозим. Шундан сўнг бу расм 2,3 ва ҳақоза гуруҳ аъзоларига кўрсатилиб, ўйин юқоридаги тартибда давом эттирилади.

Ўйинни она тилидаги жумлани чет тилига, чет тилидаги жумлани она тилига таржима қилиш, жумлани тасдиқ формада айтиб, уни сўроқ инкор

формаларга, активни пассивга айлантириш, айтилган сўзга синонимлар, антонимлар айтиш каби усулларда ташкил қилиш мумкин.

2. Пантомима ўйини

Биринчи гуруҳ аъзолари ўзаро маслаҳатлашиб, бирор бир иш ҳаракатни пантомима (сўзсиз, имо ишора ва ҳаракатлар) орқали кўрсатади. Қолган гуруҳлар маслаҳатлашиб олишлари учун 2-3 дақиқа вақт берилади. Шундан сўнг, ҳар бир гуруҳдан бир аъзо чиқиб, пантомима мазмунини чет тилида изоҳлаб беради. Энг яхши изоҳлаган гуруҳ ғолиб деб топилади.

3.«Ўжар» ўйини.

«Ўжар» ўйини бўйича машқлар талабалар жуфтликлари ёки гуруҳлари орқали ташкил қилинади. Жуфт бўлиб ўйнашда 1-талаба вазифасига нисбатан яхши ўзлаштирувчи, 2-талаба вазифасига нисбатан паст ўзлаштирувчи талаба танланади. Машғулот биринчи талаба айтган жумлани иккинчиси томонидан албатта рад қилиниши орқали ташкил қилинади. Бунда биринчи талабага у жумласида ишлатиши лозим бўлган сўзлар рўйхатини бериш ҳам мумкин. Кейинги босқичларда эса улар бундай рўйхатлардан фойдаланмай гапиришни ўрганадилар.

Машғулотни гуруҳ орқали ташкил қилишда биринчи гуруҳдаги талабалар тартиб билан жумла айтадилар, иккинчи гуруҳдагилар ҳам навбат билан жавоб беришади. Бунда савол бера олмаган ёки жавоб бера олмаган талаба ўйиндан чиқарилиши белгилаб қўйилади. Бу гуруҳлар ичидаги мотивни, қизиқишни, мусобақа руҳини келтириб чиқаради. Шундай қилиб, бутун гуруҳ жуфтликларга бўлинади ва ўйин ўқитувчининг қуйидаги кўрсатмаси билан бошланади:

Биринчи талабалар берилган сўзлар ёрдамида жумлалар ясайдилар, иккинчи талабалар бу жумлани инкор формада айтиб такрорлайдилар. (Биринчи талабалар қўлига масалан, қуйидаги феъллар ёзилган карточка берилади: **aimer, aller, lire, s'intéresser, écouter, se laver, se lever, prendre, avoir, trouver.**

1-талаба: *J'aime écouter le radio.*

2-талаба: *Je n'aime pas écouter le radio.*

1-талаба: *Demain, je vais au cinéma.*

2-талаба: *Demain, je ne vais pas au cinéma.*

1-талаба: *Hier, j'ai acheté un livre très intéressant*

2-талаба: *Hier, je n'ai pas acheté un livre très intéressant.*

1-талаба: *Veus-tu lire ce livre intéressant?*

2-талаба: *Non, je ne veus pas lire ce livre intéressant.*

1-талаба: *Chaque matin je me lave à l'eau froid.*

2-талаба: *Chaque matin je ne me lave pas à l'eau froid.*

Шу тариқа биринчи талабалар рўйхатда берилган барча сўзлардан фойдаланиб, жумлалар айтади, иккинчи талабалар уларни инкор формаларда айтадилар. Кейин бундай мусобақа-ўйин сўзлар ёзилган рўйхатсиз амалга оширилади. Кейинги босқичда иккинчи талабаларга эшитилган жумлаларни

трансформация, репродукция, қолдириб кетилган сўзларни тўлдириб, инкор формада гапириш орқали ташкил қилиш мумкин.

4.«Хато қилма!» ўйини

Бу технология биринчи гуруҳ аъзоларидан бири бирор жумладаги бирор феълни ноаниқ формада айтиши билан бошланади. Иккинчи гуруҳ талабалари эса бу жумлани биринчи гуруҳ аъзолари кўрсатган шахсда гапиришлари керак. Масалан, биринчи гуруҳ аъзоларидан бири битта ёки иккита ёки учта бармоғини кўрсатади, кейин кўрсаткич бармоқни кўрсатади. Бу эшитилган жумлани иккинчи гуруҳ аъзоларидан бири 1,2,3 шахсда бирликда айтишни, 1 ёки 2,3, бармоқларни кўрсатиб, кейин бош бармоқни кўрсатиши - эшитилган жумлани 1 ёки 2, 3 шахсларда кўпликда айтилиши лозимлигини ифодалайди. Ҳар бир гуруҳга 10 тадан жумла айтиш ва унга жавоб бериш вазифаси юклатилади. Ушбу технология бўйича машғулот якунида натижалар ҳисобланиб, ғолиб гуруҳ аниқланади. Ушбу технология бўйича машғулот феълларни кўрсатилган замонда оғзаки нутқ жараёнида тасдиқ инкор ва сўроқ формаларда қўлланилишини мустаҳкамлаш учун ташкил қилинади. Ўйин ўқитувчининг кўрсатмаси билан бошланади.

Масалан, «Биринчи гуруҳ аъзоларидан бири айтган жумлани улар кўрсатган шахсда ҳозирги замонда инкор (сўроқ) формада тусланг»

Биринчи гуруҳ аъзоларидан бири (қолганлари навбати билан) куйидаги жумлани айтади ва олдин битта бармоғини, кейин бешта бармоғини кўрсатади. Бу жумлани 1 шахс кўпликда айтилишини ифодалайди. Масалан:

Chaque matin Karim (se lever) à 7 heures (Карим ҳар кун эрталаб соат 7 да (турмоқ)).

Иккинчи гуруҳ аъзоларидан бири ўз навбатига кўра жумлани 1 шахс кўпликда айтиши керак. Масалан:

Chaque matin nous nous levons à 7 heures (Биз ҳар кун эрталаб соат 7 да турамыз).

Биринчи гуруҳ аъзолари навбати билан жумла айтишади, иккинчи гуруҳ аъзолари уларнинг кўрсатмаларига биноан, навбати билан жавоб айтишади. Шу тариқа жумлаларнинг барча шахсларда гапирилишига, ўрганилган грамматик материалнинг ўзлаштирилишига эришилади. Иккинчи гуруҳ аъзоларидан бири ўз жавобида хатога йўл қўйса, биринчи гуруҳ аъзоларидан бири секингина «faute!» (“хато!”) дейди ва жумланинг тўғри варианты айтилади. Машғулотнинг мусобақа руҳида ташкил қилиниши ва гуруҳлар йўл қўйган хатолар сонининг ҳисобланиб борилиши унинг қизиқарлилигини, бу жараёнда талабаларнинг барча сезгиларига ижобий таъсир қилувчи аудио-визуал ва экстралингвистик воситалардан фойдаланиш эса унинг эмоционал таъсирини белгилайди.

5.«Чархпалак» усули

Ушбу технология талаба (ёки ўқувчи)ларни ўрганилган мулоқот мавзуларни ёдга олиш, мантиқан фикрлаш, ўз фикрларини мустақил равишда эркин баён эта олиш, ўзини-ўзи баҳолаш, яқка ва гуруҳ бўлиб ишлаш,

бошқалар фикрига хурмат билан қараш, кўп фикрлар ичидан кераклисини танлаб олишга ўргатиш, берилган саволларга мустақил равишда тўғри жавоб бериш, ҳамда қисқа вақт ичида барча талаба (ёки ўқувчи)ларнинг эгаллаган билимларини текшириш ва баҳолашга қаратилган.

Усулнинг қўлланиши: технология машғулотларининг барча турларида дарснинг бошланиши ёки охирида, мавзунинг бирор бир бўлими тугалланганда ўрганилган мавзуларни такрорлаш, мустаҳкамлаш, ўзлаштирилганлик даражасини баҳолаш учун қўлланилади. Ушбу технологияни машғулот жараёнида ёки унинг бир қисмида яққа, кичик ва гуруҳ ичида ташкил этиш мумкин. Машғулотда ўқувчиларга ўрганилган мавзу бўйича биттадан топшириқлар ёзилган қоғозлар тарқатилади.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

- талабалар гуруҳларга ажратилади;
- талабалар машғулотни ўтказишга қўйилган талаблар ва қоидалар билан таништирилади;
- тарқатма материаллар тарқатилади;
- гуруҳ аъзолари вазифаларни бўлиб олишади ва мустақил равишда ўз вазифаларини бажарадилар. Кейин биргалашиб уни муҳокама қилади ва энг тўғри ҳисобланувчи вариантни жавоб варағига ёзадилар;
- ҳар бир гуруҳ ўзлари тўплаган ахборот варағининг ўнг бурчагига ўқитувчи томонидан белгиланган ўз рақамини ёзади;
- вазифа бажарилгач, жавоб варақалари бошқа гуруҳларга «чархпалак айланмаси» йўналишида алмаштирилади;
- алмаштирилган топшириқ яна ҳар бир гуруҳ аъзолари томонидан ўрганилади ва лозим бўлса, ўзгартиришлар киритилади;
- жамоалар томонидан ўрганилган ва ўзгартиришлар киритилган топшириқ варақлари яна юқоридаги тартибда гуруҳлараро алмаштирилади (ушбу жараён гуруҳлар сонига қараб давом эттирилади);
- топшириқларни охирги алмашувидан сўнг ҳар бир гуруҳ ўзлари илк бор тўлдирган топшириқларни (гуруҳ рақами ва ўзлари қўйган белгилари асосида) таниб оладилар;
- ҳар бир гуруҳ ўзлари белгиланган жавобларни бошқа гуруҳ, аъзоларининг тузатишлари билан таққослайдилар ва хатоларни таҳлил қиладилар;
- ўқитувчи ҳар бир гуруҳ тайёрлаган тўғри жавобларни белгилайди;
- ҳар бир гуруҳ тўғри жавоб билан ўзлари белгиланган жавоблар ўртасидаги фарқларни аниқлайдилар, керакли баллни тўплайдилар ва ўз-ўзларини баҳолайдилар.
- талаба (ёки ўқувчи)лар ўз баҳолари ёки балларини белгилаб олишгач, ўқитувчи топшириқ бажарилган қоғозларни йиғиб олади ва баҳо(баллар)ни журналига кўчириб қўяди.

Бу технологиядан коммуникатив топшириқни ёки лойиҳани гуруҳ бўлиб ишлашда мулоқот материални мустаҳкамлашда, муҳокама қилишда,

ёки ўрганилган грамматик материалларни мустаҳкамлаш, ҳамда билимларини ёзма ва оғзаки равишда текшириш ва баҳолаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

6.«Бумеранг» усули

“Бумеранг» пластмасса ёки темирдан ясалган ўроқсимон предмет бўлиб, улоқтирилганида отган кишининг ўзига қайтиб келади. Жисмнинг бундай хусусияти жуфт ёки гуруҳ бўлиб ишлашан ҳолда мулоқотга ўргатиш жараёнида ва дарснинг якунловчи босқичида янги лексик материални мустаҳкамлаш мақсадида намоён бўлади.

Ушбу усул талабаларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материални ёдда сақлаб қолиш, сўзлаб бериш, фикрни эркин баён эта олиш, қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлиш ҳамда машғулот жараёнида барча талабаларнинг билимларини текшириш ва баҳолаш мақсадида ташкил қилинади. Технология амалий машғулотлар, семинар ёки лаборатория машғулотларида ҳамда суҳбат-мунозара шаклидаги машғулотларда яқка тартибда, жуфт ва гуруҳ бўлиб ишлашда қўлланилиши мумкин. Машғулотни ўтказиш тартиби юқорида баён қилинган жуфт бўлиб ишлаш технологияси асосида ташкил қилинади. Мулоқотга ўргатишнинг бу технологияси биринчи талаба айтган жумлани иккинчи талаба томонидан эшитиб ва бир сўз қўшиб яна биринчи талабага қайтаришига асосланади. Биринчи талаба иккинчи талабанинг сўз қўшиб айтган жумласини яна такрорлайди ва иккинчи талаба жумлага яна бир сўз қўшиб унга қайтаради. Ўйин шу тариқа жумлани иложи борица кўпроқ кенгайтириб борилишигача давом эттирилади. Технология мулоқотга ўргатишда эшитилган жумлани кўп марталик такрор тамойилига асосланиб ташкил қилинади. Таълим технологиясининг мақсади аввал ўрганилган лексик бирликларни, грамматик материални оғзаки нутқда тўғри ишлатиб мустаҳкамлаш. Бунда эшитилган жумлага сўз қўша олмай қолган талаба ютқазган ҳисобланади. Ғолиб ва енгилган талабалар навбати билан бошқа жуфтликларнинг ғолиблари ва мағлублари билан куч синашади. Ҳар бир талаба неча марта ғолиб ёки мағлуб бўлганлиги ҳисоблаб борилади.

Намуна:

1-талаба: *Hier je suis allé au cinéma*(Кеча мен кинога бордим).

2-талаба: *Hier je suis allé au cinéma avec mon ami.*(Кеча мен дўстим билан кинога бордим).

1-талаба: *Hier je suis allé au cinéma avec mon ami français.* (Кеча мен француз дўстим билан кинога бордим).

2-талаба: *Hier je suis allé au cinéma avec mon ami français qui s'appelle Serge.* (Кеча мен кинога Серж исмли француз дўстим билан бордим)

1-талаба: *Hier je suis allé au cinéma avec mon ami français qui s'appelle Serge et qui est très intelligent.* (Кеча мен кинога француз дўстим билан бордим. У жуда ҳам ақлли.)

2-малаба: *Hier je suis allé au cinéma avec mon ami français Serge qui s'appelle Serge qui est très intelligent et gai. (Кеча мен кинога Серж исмли француз дўстим билан бордим. У жуда ҳам ақлли ва қувноқ).*

1-малаба: *Hier je suis allé au cinéma avec mon ami français Serge qui est venu de Paris. Il est très intelligent et gai. (Кеча мен кинога Париждан келган Серж исмли француз дўстим билан бордим. У жуда ақлли ва қувноқ).*

2-малаба: *Hier je suis allé au cinéma avec mon ami français Serge qui est venu de Paris. Il est très intelligent et gai. Il est mon meilleur ami/ (Кеча мен жуда ҳам ақилли ва қувноқ Париждан келган француз дўстим Серж билан кинога бордим).*

Бундай ташкил қилинадиган машғулотда ўрганилган лексикани мустаҳкамлашда қуйидаги вариантларда фойдаланиш мумкин:

1. Биринчи жуфтлик аъзоси (гуруҳ аъзоси) бирорта от, сифат ёки феъл ишлатиб жумла айтади, иккинчи гуруҳ ёки жуфтлик аъзоси белгиланган сўзнинг синонимини ёки антонимини қўллаб жумлани такрорлайди.

2. Биринчи жуфтлик аъзоси (гуруҳ аъзоси) бирорта от, сифат ёки феъл айтади, иккинчи жуфтлик аъзоси шу сўзни қўллаб жумла ясаб айтади.

3. Биринчи жуфтлик аъзоси (гуруҳ аъзоси) она тилида (чет тилида) айтилган жумла ёки сўзни, иккинчи гуруҳ ёки жуфтлик аъзоси чет тилида (она тилида) таржимасини айтади.

4. Биринчи жуфтлик мулоқот мавзуси бўйича бирор жумла айтади, иккинчи жуфтлик аъзоси уни бошқа шахсда, бошқа замонда, сўроқ ёки инкор формаларда айтади. Бундай фаолият жуфтликнинг (гуруҳнинг) иккинчи талабаси жавоб айта олмай қолганича давом эттирилади, натижалар ҳисоблангач, ўйин талабаларнинг вазифаларини алмаштириб давом эттирилади.

7.«3 x 4» усули

Бу усул талабаларни муайян бир муаммони якка (ёки гуруҳ бўлиб) муҳокама қилиш, ечимини топиш, турли фикрлар ичидан керагини топиб олиш, фикрларни умумлаштириш ва улар асосида муаммо юзасидан аниқ бир тушунча ҳосил қилиш, шунингдек, ўз фикрини бошқаларга исботлаб беришга ўргатиш мақсадида ташкил қилинади. Бундай фаолият талабалар билан дастлаб якка ҳолда, кейин гуруҳ ичида ёзма равишда уюштирилади.

Усулдан семинар, амалий ва лаборатория машғулотларида якка тартибда (ёки гуруҳларда) қўйилган муаммони барча гуруҳ аъзолари томонидан бир неча бор навбатма-навбат алмаштириб ёзма ахборотлар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Машғулотни ўтказиш тартиби юқорида келтирилган жуфт (гуруҳ) бўлиб ишлаш технологияси асосида уюштирилади. Бунда қуйидаги ташкилий ишларга асосий эътибор қаратилади:

- гуруҳ аъзоларига тарқатма материалда ёзилган фикрни фақат учта сўз ёки сўзлар бирикмаси, ёки учта жумла билан давом эттиришлари тушунтирилади ва бу учун аниқ вақт белгиланади;

- гуруҳ аъзолари ҳамкорликда ишлаб тарқатма материалда берилган топшириққа ёзма жавоб тайёрлайдилар;

- вазифа бажарилгач, гуруҳ аъзолари ўринларидан туриб, соат мили йуналиши бўйича жойларини ўзгартирадилар, яъни 1-ўқувчи 2-ўқувчининг, 2-ўқувчи 3-ўқувчининг, 3-ўқувчи эса 4-ўқувчининг ўрнига ўтадилар;

- янги жойга келган гуруҳ аъзолари шу ерда қолдирилган тарқатма материалдаги фикрлар билан танишиб, унга яна янги учтадан ўз фикрларини ёзиб қўядилар;

- гуруҳ аъзолари яна юқоридаги тартибда жойларини ўзгартирадилар, иш дастлабки гуруҳ аъзолари ўз жойларига қайтиб келгунларига қадар давом эттирилади;

- ўз жойларига қайтиб келган кичик гуруҳлар тарқатма материалда тўпланган барча фикрларни диққат билан ўқиб, уларни умумлаштирган ҳолда битта яхлит таъриф ёки қоида ҳолатига келтирадилар;

- ҳар бир кичик гуруҳнинг муаллифлик таърифлари ёки қоидаларини аъзоларидан бири тақдимот қилади;

- ўқитувчи тақдимот қилувчи ўқувчи томонидан берилган таърифлар ёки қоидаларга изоҳ бериб, уларни баҳолайди, сўнгра машғулоти яқунлайди.

Кичик гуруҳлар сони 4 та бўлгани мақсадга мувофиқ. Бундай ҳолда кичик гуруҳлар ўз жойларини фақат 3 марта алмаштирадилар ва бу билан жараёнини зерикарли ўтишининг олди олинади. Агар кичик гуруҳлар сони 4 тадан кўп бўлса, у ҳолда уларни икки потокка бўлиб, кичик гуруҳ аъзоларининг алмашинувини ҳар бир поток ўртасида алоҳида, тақдимотни эса биргачикда ўтказиш мумкин.

Агар аудитория (ёки синф) кичик гуруҳларнинг жойларини алмаштиришга мосланмаган (ёки алмаштиришга ноқулайликлар) бўлса, у ҳолда талаба (ёки ўқувчи)ларни жойларини алмаштириш ўрнига гуруҳларга тарқатилган материалларни алмаштириш орқали, улар дастлабки гуруҳларга қайтиб келгунга алмаштирилиб, талабалар (ёки ўқувчи) фикрлари тўпланади, улардан умумий таъриф (ёки қоида) чиқарилади ва тақдимот уюштирилади.

Қуйида, «Йил фасллари» мавзуси бўйича уюштириладиган «3х4» усулининг кулланиши намунасини келтирамиз:

Ўқувчиларга қуйидаги муммоли саволларни гуруҳ ичида муҳокама қилиб, ўз фикрларини ёзиш топширилади:

1. Бир йил нима учун 365 ёки 366 кундан иборат?

2. Бир йил 365 ёки 366 кундан ташкил топишининг сабаби нима?

3. Бир кун нима учун 24 соатдан иборат? Ундан кам ёки кўп бўлиши мумкинми?

4. Кунлар ёзда узун, қишда қисқа бўлишлигининг сабаби нима?

5. Бир йил нима учун 4 фаслга бўлинган?

6. Нима учун бизда қиш совуқ, баҳор ва ёз фасллари иссиқ келади?

7. Феврал ойи нега ҳар 4 йилда 29 кундан иборат бўлади?

8.Йил фасллари ифодаловчи қуйидаги манзараларни ёзма баён қилинг.

Машғулоти ташкил қилишда гуруҳларга муаммони ечишга ёрдам берадиган, она тилида ёзилган турли аудио-визуал воситалар, справочник ва буклетлар, кулгили карикатурали расмлар тарқатилади. Масалан, биринчи муаммо ёзилган вараққа гуруҳлар томонидан қуйидаги жавоблар ёзилиши мумкин:

Pourquoi une année se compose de 365 ou 366 jours? (Бир йил нима учун 365 ёки 366 кундан иборат?)

1-гуруҳ жавоби: La terre tourne autour de son axe pendant 365 ou 366 jours. *(Ер бир йилда ўз ўқи атрофида 365 ёки 366 марта айланади).*

2-гуруҳ жавоби: La terre tourne une fois autour du soleil pendant 365 ou 366 jours. *(Ер қуёш атрофидан бир йилда 365 ёки 366 кунда бир марта айланиб чиқади)*

3-гуруҳ жавоби: Cela signifie le temps que notre planète fait un tour autour du soleil. *(Бу планетанинг қуёш атрофидаги ўз орбитасида бир марта айланиб чиққан вақтни билдиради.)*

4-гуруҳ жавоби: C'est une conformité physique basée par les lois de la nature. *(Бу физик қонуниятларга асосланган табиат қонуни.)*

Шу тариқа ўқувчилар гуруҳлари навбатма-навбат ўз жойларини алмаштириб ҳар бир варақда ёзилган муаммоли топшириқни, бошқа гуруҳлар ёзган фикрларни ўрганиб, ўз хулосаларини хорижий тилда ёзма баён қиладилар. Машғулоти якунида ўқитувчи ҳар бир гуруҳ ёзган фикрларни умумлаштиради ва энг тўғри жавобларни изоҳлаб беради ва гуруҳларни баҳолайди

8.«Зинама-зина» усули

Бу технология талабаларни (ўқувчи) ўрганилган ёки ўрганилиши лозим бўлган мавзу бўйича якка ҳолда ёки гуруҳ бўлиб эркин, мустақил фикрлаш, жамоа бўлиб ишлаш, ўрганилган материални хотирлаш, фикрларни умумлаштириб, улардан назарий ва амалий хулосаларга келиш, гуруҳ аъзоларига ўз фикрларини ўтказа олиш, тушунчаларга изоҳ бериш, эгалланган билимларни амалда қўллай олиш мақсадида ташкил қилинади. Унинг бош мақсади аввал ўрганилган мавзу бўйича гуруҳ бўлиб ахборот тўплаш ва уни ёзма ифодалашга ўргатишдир. Технология маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларида якка тартибда ёки кичик гуруҳларда мавзунини мустақамлаш, ёки ўрганилган мулоқот мавзуси бўйича якуний билимларни текшириш ва баҳолаш мақсадида қўлланилиши мумкин.

Машғулотида қўлланиладиган воситалар: А-3, А-4 форматли қоғозларнинг (мавзунини ажратилган кичик мавзучалар сонига мос) چاپ томонига кичик мавзу номи ёзилган тарқатма материаллар, фломастер (ёки рангли қалам)лар. Бу ўринда ҳарбир жумланинг маъносини ифодаловчи рангли, манзарали расмлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Машғулоти ўтказиш тартиби:

-ўқитувчи талабаларни (ёки ўқувчи) мавзулар сонига қараб 3-5 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;

-талабалар (ёки ўқувчи) машғулотнинг мақсади ва унинг ўтказилиш тартиби билан таништирилади. Ҳар бир гуруҳга қоғознинг чап қисмида кичик мавзу номи ёзилган варақлар тарқатилади;

-ўқитувчи гуруҳлар аъзоларини тарқатма материалда ёзилган кичик мавзулар билан таништиради ва шу мавзу асосида ҳамкорликда ишлаб ўз фикрларини қоғоздаги бўш жойига ёзиб чиқиш вазифасини беради ва вақт белгилайди;

-гуруҳ аъзолари ҳамкорликда ишлаб топшириқда берилган кичик мавзунинг ёзма нусخаси тақдирланади. Бунда гуруҳ аъзолари кичик мавзу бўйича имкон борича тўлароқ маълумот беришлари керак бўлади;

-тарқатма материаллар тўлдирилгач, гуруҳ аъзоларидан бири тақдимот қилади. Тақдимот вақтида гуруҳлар томонидан тайёрланган ёзма ахборот аудитория (синф) доскасига мантиқан кетма-кетликда (зина шаклида) илинади ва тақдимот қилган ўқувчи бошқа гуруҳ аъзолари томонидан берилган саволларга жавоб беради, шу тариқа ахборот мавзуси янада тўлдирилади ва мантиқий мазмунга эга бўлади;

-ўқитувчи гуруҳлар томонидан тайёрланган ахборотларга изоҳ бериб, уларни баҳолайди ва машғулоти якунлайди.

Машғулотнинг ташкил қилиниши гуруҳ бўлиб лойиҳа устида ишлаш технологиясига ўхшаш, аммо бу ўринда мақсад талабаларнинг мавзу бўйича эгалланган билимларини ёзма нусхасида, фикри ёзма баён қилишга ўргатишдир. Масалан, «Йил фасллари» мавзуси бўйича ташкил қилинадиган бундай машғулотда биринчи гуруҳга «Баҳор», иккинчи гуруҳга «Ёз», учинчи гуруҳга «Куз», тўртинчи гуруҳга «Қиш» фасллари асосий белгиларини, хусусиятларини баён қилиш топширилиши мумкин. Бундай машғулоти «Мен ёқтирган касб», «Саёҳат», «Бизнинг республика», «Бизнинг мактаб» ва ҳақоза мулоқот мавзулари бўйича уюштирилиши мумкин.

9.Пинборд усули

Пинборд (инглизчадан: *pin*- маҳкамлаш, *board* – ёзув тахтаси) мунозара усуллари ёки ўқув суҳбатини талабаларнинг амалий фаолияти билан мослаштиришни кўзда тутди.

Бунда ўқитувчи- муаммони ечиш йўллари баён қилади; - талабаларнинг оммавий ақлий ҳужумини ташкиллаштиради.

Талабалар ўз гуруҳларида муоммани муҳокама қиладилар ва ўз фикрларини таклиф этадилар, баҳолайдилар ва энг мақбул ғояларни танлайдилар ва уларни қоғоз варағига (2 сўздан кўп бўлмаган) ёзадилар ва ёзув тахтасига бириктирадилар.

Гуруҳ аъзолари (таълим берувчи томонидан белгиланган 2-3 талаба) ёзув тахтасига чиқадиладар ва бошқалар билан маслаҳатлашиб:

– аниқ, хато, ёки такрорланувчи ғояларни саралайдилар;

- ғояларнининг баҳсли томонларини аниқлайдилар;
- ғояларни тизимлаштириш мумкин бўлган белгилар бўйича саралайдилар;
- шу белгилар бўйича ҳамма ғояларни ёзув тахтасида гуруҳлайдилар (карточка/ варақлар).

Ўқитувчи билдирилган фикрларни умлаштиради ва иш натижаларини баҳолайди. (Илова №4)

10.Муаммоли вазиятлар усули

Муаммоли вазиятлар усули – ўқитувчининг мавзу бўйича муаммоли вазиятларни яратишига в бу орқали талабаларни фаол билиш фаолиятига йўллашни кўзда тутди.Бунда талабалар вазиятни таҳлил қилиш, баҳолаш ва шу орқали муаммони ечиш йўллари топишга ўрганадилар.

Усулнинг етакчи вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ўргатувчи фаолияти – билимларни фаоллаштиришга йўналтирилади;
- ривожлантирувчи вазифаси – талабаларнинг таҳлилий тафаккурини, фикрни асослаш кўникма ва малакаларини шакллантириш;
- тарбияловчи вазифаси – ўзаро фикр алмашиш кўникмаларни шакллантириш;

-муаммоли вазиятлардан фойдаланиш усули назарияни амалиёт билан боғлаш имконини беради.

Ўқув муаммосининг муҳим белгилари қуйидагилардан иборат бўлади:

- муаммонинг мавжудлиги, уни қидириш, бу жараёнда янги билимларни ўрганишга олиб келади;
- муаммони ечиш учун таълим олувчиларда маълум даражада билим манбалари мавжудлиги.

Муаммо 3 таркибий қисмдан ташкил топади:

- қўйилган муаммонинг маълум қисми.
- қўйилган муаммонинг ўрганилиши лозим бўлган номаълум қисми (уни ечиш янги билимлар шаклланишига олиб келади).
- муаммони ечиш жараёнида керак бўлган, аввалги билимлар (таълим олувчилар тажрибаси).

Шундай қилиб, ўқув муаммосини таълим олувчиларга олдиндан номаълум бўлган натижа ёки бажариш усули вазифаси сифатида талқин қилиш мумкин.

Муаммоли вазиятни ишлаб чиқиш катта меҳнат ва педагогик маҳоратни талаб этади. Қоидага биноан, вазиятни бир неча маротаба тажрибадан ўтказгандан сўнг ўқув гуруҳида энг самарали вариантини тузиш мумкин. Бу таълим олувчиларни фаоллаштиришга,билиш имкониятларини янада тивожланишига, келажак фаолиятлари учун ўрганилаётган материалнинг амалий фойдасини англаб етишга ёрдам беради. (Илова №5)

5.Тўртинчи гуруҳ таълим усуллари

1.Гуруҳ булиб лойиҳа устида ишлаш усули

Бу технология талабаларнинг машғулот жараёнидаги фаоллигини таъминлайди, ҳар бири учун мунозарада қатнашиш ҳуқуқини беради, бири-биридан ўрганишга имкони туғилади, бошқалар фикрини қадрлашга ўргатади. Лойиҳа устида ишлаш гуруҳлар орқали ташкил қилинади. Ҳар бир гуруҳга мавзунинг алоҳида қисмини саволларга жавоб топиш орқали ахборот тузиш лойиҳаси топширилади. Лойиҳани бажариш усуллари тушунтирилади ва уларга ахборот тузиш учун керакли адабиётлар, буклетлар, справочниклар тарқатилади. Гуруҳ аъзолари вазифаларни ўзаро тақсимлаб олгани ҳолда, ахборот тузиш учун материал туплайди, уларни муҳокама қилиб, якуний хулосаларни ўз варақларига ёзадилар. Ҳар бир гуруҳ тайёрлаган ахборот варақаси “Чархпалак” технологияси орқали барча гуруҳлар томонидан ўқиб чиқилади, тегишли ўзгартиришлар киритилиб, камчиликлар тўғрилианади. Бундай фаолият биринчи гуруҳ тайёрлаган ахборот уларнинг қўлига етиб келгунча давом эттирилади. Шундай қилиб талабалар бошқа гуруҳлар тайёрлаган ахборотлар, ютуқ ва камчиликлар билан танишиш имкониятига эга бўладилар. Шундан сўнг ҳар бир гуруҳнинг тақдими ўтказилади. Тақдимот гуруҳнинг ўқитувчи тайинлаган вакили томонидан амалга оширилади. У билдирилган эътирозларга жавоб бериб, ўз гуруҳи фикрини ҳимоя қилади ёки эътирозлар тўғрилигини тан олади. Натижада барча гуруҳлар томонидан маълум бир мавзу бўйича тўлиқ ахборот баён қилинган матн ҳосил қилинади. Талабаларнинг ўзлари томонидан яратилган, муҳокама қилинган, мазмуни таниш бўлиб қолган бу лойиҳа матни кейинги босқичларда жуфт бўлиб коммуникатив топшириқларни ўзлаштириш, мавзу бўйича эркин нутқ вазиятида мулоқотга киришувни ўргатиш матнриали сифатида фойдаланилади. Бу технологиядан фойдаланишда қуйидагиларга асосий эътибор қаратилади:

1. Гуруҳни шакллантириш. Гуруҳ аъло, яхши, ўрта ва нисбатан паст ўзлаштирувчи талабалардан ташкил қилинади. Одатда ҳар бир гуруҳда 4 талаба бўлади. Гуруҳда ишлаш талабалар ўртасида вазифаларни аниқ тақсимлашга таянади (мисол учун, бир талаба муҳокамани бошқаради, иккинчиси ёзиб боради, учинчиси спикер (сардор) ролини ўтайди ва ҳоказо). Аудиторияни гуруҳларга ажратиш, хоҳиш бўйича ёки ҳисоб бўйича амалга оширилади.

2. Талабаларга лойиҳани бажариш бўйича аниқ тушунтиришлар берилади ва вақт белгиланади. Гуруҳлар керакли материаллар ва ахборотлар билан таъминланади. Талабалар гуруҳда ишни бошлашлари учун вазифаларини аниқ тушуниб етганлиги текшириб кўрилади.

3. Талабалар кичик гуруҳ ишида қатнашишлари учун танланган фаолият бўйича зарурий билим, кўникма ва малакаларни олдиндан эгаллаган бўлишлари керак.

4. Ўқитувчи зарурат туғилса гуруҳлар ёнига навбатма-навбат келиб, тўғри йўналишда ишлаётганлигини қайд этади ёки уларга ёрдам беради, гуруҳларга таъзийқ ўтказилмайди.

5.. Гуруҳларда иш якунлангач, улар натижалари бўйича ахборот берадилар. Бунинг учун ҳар бир гуруҳ ўз вакилини белгилайди. Зарурат туғилса, фаолият натижалари бўйича билдирилган фикрлар ўқитувчи томонидан ёзилиб борилади. Агар вақт етарлича бўлса, у ёки бу фикрни асослашда гуруҳлар бир-бирларига савол беришлари мумкин. Кичик гуруҳларда ишлаш натижалари ўқитувчи томонидан баҳоланади. Бунда фаолиятни тўғри ва аниқ бажариш, вақт сарфи асосий мезон ҳисобланади.

Гуруҳларда ишлаш технологияси қўлланилганда ўқитувчи бошқа ноанъанавий методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки ўқитувчи бир вақтнинг ўзида барча талабаларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади.

Лойиҳани муваффақиятли амалга ошириш учун биринчидан, талабаларнинг муайян мавзу бўйича лисоний тайёргарлиги, иккинчидан талабаларнинг психологик тайёргарлиги ҳам талаб даражасида бўлиши керак. Бу технологиянинг методик асослари рус методист олими Е.С.Полат томонидан атрофлича тадқиқ қилинган.

Қуйида «Бухорога саёҳат» мавзусида лойиҳа устида ишлаш технологиясини баён қиламиз:

1.Ўқитувчи томонидан аввал ўрганилган ва пухта ўзлаштирилган мавзуга оид муаммоли топшириқ қўйилади. Топшириқ хорижий тилда тушунтирилади.

Масалан, *«Болалар, келаси якшанба гуруҳимиз билан Бухоро шаҳрига саёҳат уюштирамиз. Демак, биринчи гуруҳ бу саёҳатни қандай транспорт воситасида амалга оширишни, йўлга сарфланадиган харажатларни, танлаган транспортимиз Бухорога қачон жўнашлигини, йўлга қанча вақт сарфланишини аниқлайди.*

Иккинчи гуруҳ- Бухоро шаҳрига бориб, қаерда жойлашишимиз ва унга қанча пул ажратишимиз мумкинлигини, тушлик, кечки овқатларни қаерларда уюштиришимизни, буларга кетадиган харажатларни аниқлайди.

Учинчи гуруҳ- шаҳарнинг қандай тарихий обидаларини томоша қилишимиз мумкинлигини, уларга қандай боришни ва қачон, қандай транспорт воситасида қайтиб келишимиз мумкинлигини аниқлайди ва барча гуруҳлар энг қулай ва арзон вариантларини аниқлаши зарур.

2.Талабалар ўзларига топширилган муаммоларни ечишлари учун компютерларни интернет тармоғига улайдилар ва тегишли маълумотларни тўплай бошлайдилар. Бу ишни аввалдан тайёрланган маълумотларни (темир йўл, аэрофлот, автобус қатнови, такси қатнови ҳақидаги справочниклар) талабаларга тарқатиш орқали ҳам ташкил қилиш мумкин. Талабалар ўз гуруҳларида топшириқни ҳар бири маълум бир қисмини бажаришни белгилаб оладилар ва кўрсатилган вақт ўтгач, ўз маълумотларини гуруҳда муҳокама қилишиб, якуний хулосалар тайёрлайдилар.

Масалан, биринчи гуруҳдаги талабалар интернет орқали ёки ёзма справочниклар орқали қуйидаги маълумотларни тўплайдилар.

1. Бухорога самолёт орқали борилса, чипта нархи ҳар бир киши учун 15 минг сўм. Самолёт ҳар куни эрталаб соат 7 да жўнайди ва парвоз 40 минут давом этади

2. Бухорога поезд билан борилса, умумий вагонда чипта нархи ҳар бир йўловчи учун 7 минг сўм, купелик вагонда 8 минг сўм.

Поезд кеч соат 20 да жўнайди ва йўл 3 соат вақтни олади.

3. Бухорога автобус эрталаб соат 10 да ва кундуз соат 14 да жўнайди. Чипта нархи ҳар бир йўловчи учун 6500 сўм. Автобус йўлда 3 ярим соат юради.

Маълумотларни муҳокама қилишиб, қуйидаги талифни қабул қиладилар: Бухорога самолёт, поезд ва автобусда бориш мумкин. Самолёт Бухорога тез олиб борса-да, чипта нархи жуда қиммат. Бу биз талабаларга тўғри келмайди. Поезд чиптаси нисбатан арзон, аммо у Бухорога кечаси етиб бориши билан бизга тўғри келмайди. Бухорога автобус билан бориш энг қулай ва арзон. Агар эрталаб йўлга чиқсак, соат 13 яримда Бухорога етиб оламиз. Йўлга бор - йўли 3 ярим соат вақт сарфлаймиз.

Шу тариқа барча гуруҳлар ўз топшириқларидаги муаммоларни турли вариантларини кўриб чиқишади ва муҳокама қилишиб ўз таклифларини тайёрлашади. Таклифлар ёзма равишда тайёрланади, аммо унинг ҳимояси оғзаки уюштирилади.

Ҳар бир гуруҳ ўз лойиҳаси асосида ишлайди, муҳокама қилади ва тақдимот қилади. Ҳимоя охирида бошқа гуруҳлардан берилган саволларга жавоб берадилар.

Баҳолаш ўқитувчи ёки бошқа гуруҳлар томонидан амалга оширилиши мумкин. Бунда топшириқ режа асосида амалга оширилганлигига, ҳимоя учун кетган вақтга, фикрларнинг ишонарли қилиниб баён қилинганига, саволларга жавоб беришда ўзини тутишлигига, гапириш жараёнида ёзувга қараш ёки қарамаслигига аълоҳида эътибор берилади.

2. Кейс- стади усули

Таълим бериш вазияти- **кейс-стади** (case инглиз.- тўплам, аниқ вазият, stadi- ўрганиш) – усули ҳаётий вазиятларга асосланган лисоний воситалардан фойдаланиб ўз фикрини ифодалашни кўзда тутати.

Кейс стади усулини қўллашда реал ҳаётий вазиятларни ифодаловчи аудио, видео ва электрон воситалардан, имо- ишоралардан, таълимнинг эмоционал таъсир воситаларидан кенг фойдаланилади.

Аниқ нутқ вазияти чет тилини ўрганишни ҳақиқий ҳаётга боғлайди. Бу усул таълим олувчиларга вазиятни ташҳис қилиш, фаразларни ифодалаш, муаммоларни аниқлаш, қўшимча ахборотларни йиғиш, фаразларга аниқлик киритиш ва муаммоларни ечиш бўйича ўз нутқий фаолиятларини аниқ босқичларни лойиҳалашга, амалий фаолиятларини моделлаштиришга ёрдам беради. (Илова №6)

3. Жуфт бўлиб ишлаб, коммуникатив топшириқларни бажариш усули.

Хорижий тилда жуфт бўлиб ишлашни ташкил қилишнинг асосий мақсади ўргаиладиган нутқ материали бўйича ўзаро фикр алмашувга, мулоқотга ўргатишдир. Хорижий тилда мулоқотни ўргатиш коммуникатив топшириқлар орқали ташкил қилинади. Коммуникатив топшириқ бу муайян бир мавзу асосида тузиладиган, жуфт бўлиб ишлаб, кўп марталик такрор асосида ўзлаштиришга мўлжалланган, биринчи ўқувчининг саволига-иккинчи ўқувчи томонидан талаффуз тақлидига, аудио-визуал, эксталингвистик ва эмоционал таъсир воситаларига таяниб жавоб беришга асосланган кичик микродиологдир.

Бундай микродиалоглар (топшириқлар) бир нутқ мавзуси бўйича бир машғулот учун таълим босқичларига кўра 6 тадан 10 тагача тузилади ва савол берувчи ўқувчининг саволи(А) ва жавоб берувчи ўқувчининг жавоби(Б) бир хил ҳажмдаги кичик карточкаларга ёзилади. Демак, ўқитувчи битта мавзу учун 6 тадан 10 тагача А ва Б карточкаларига ёзиладиган коммуникатив топшириқлар тузиши ва уни синф ўқувчилари сонига кўра кўпайтириш чораларини кўриши лозим. Бунинг учун ўқитувчи бир дарс олдин ўзи тайёрлаб келган 20 дона А ва Б карточкаларини ўқувчиларга тарқатиб, улардан ҳар бирига компьютер принтери орқали бир топшириқни 10 та вариантини ёзиб келишни топширади. Бундай топшириқни бажариш жараёнида ўқувчи табиийки, унда ёзилган жумлалар нимани ифодалаши билан қизиқади, уни тушунишга уринади, бунинг учун луғатларга қарайди ва бу орқали ўқувчиларда бўлажак машғулот мавзусига қизиқиш, ўзига топширилган вазифани аъло даражада бажаришга интилиш каби сифатлар шакллантирилади. Бутун синф ўқувчиларини жуфт ёки гуруҳ бўлиб ишлаш орқали коммуникатив топшириқни мустаҳкамлашни ташкил қилишда ўқитувчи синфни А ва Б карточкани бажарувчи ўқувчиларга ажратади ва уларни ёнма-ён ўтиришларини таъминлайди. Бунда у уларнинг индивидуал ва психологик хусусиятларини ҳисобга олади, яъни савол берувчи ўқувчилар вазифасига нисбатан паст ўзлаштирувчи ўқувчилар тайинланади. Бундай ўқувчилар топшириқни ўз карточкаларидаги саволни кўп марталиб ўқиб ва тўғри жавоб орқали шеригини текшириш жараёнида ўзлаштирадилар. Б карточкаси эса, одатда нисбатан яхши ўзлаштирувчи ўқувчиларларга тарқатилади. Унинг карточкасига фақат ўқитувчининг кўрсатмаси ва шеригидан эшитган савол матни бўлади ҳолос. Унинг вазифаси - саволни диққат билан эшитиш, уни тушуниб олиш ва эшитилган жумланинг оҳангига, структурасига таяниб, саволга тасдиқ, инкор, сўроқ формаларда жавоб беришдир.

Коммуникатив топшириқларни тушунтиришни, мустаҳкамлашни проектордан фойдаланиб, экран орқали намойиш қилиб ҳам ташкил қилиш мумкин. Бунда ҳар бир коммуникатив топшириқ матни экранда белгиланган вақт жараёнида намойиш қилиниб турилади ва жуфтликлар фаолияти ташкил қилинади. Қўйида А ва Б карточкалардан намуналар келтирамиз:

№1-А

Саволни ўқи ва тўғри жавобга қараб ўртоғингни текшир:

Mon père travaille à l'usine. Où travaille-t-il ton père?(Менинг отам заводида ишлайди. Сенинг отам қерда ишлайди?)

Тўғри жавоб: ***Mon père travaille à la fabrique.*** (Менинг отам фабрикада ишлайди).

№1-Б

Саволни диққат билан эшит ва «l'usine» сўзи ўрнига «la fabrique» сўзини қўйиб, тасдиқ формада жавоб бер.

Mon père travaille à l'usine. Où travaille-t-il ton père?

Ўқитувчи ҳар бир коммуникатив топшириқни бажаришда А ва Б ўқувчиларнинг вазифасини тушунтиради, саволни қандай оҳангда гапиришни, гапириш жараёнида қандай аудио-визуал ва экстралингвистик воситалардан фойдаланишни, қандай нутқий ҳаракатларни бажаришни кўрсатади ва жумлаларни А ва Б гуруҳ ўқувчилар билан бир неча бор такрорлаб, унинг талаффузини ўргатади. Шундан сўнг, у 3 минут вақт белгилаб, микродиалогни мустаҳкамлаш бошланганлигини айтади. Бу жараёнда ўқувчилар жуфтликлари карточкалардаги савол ва жавобни 30 мароталаб такрорлаш орқали ўзлаштиришга киришадилар. Ўқитувчи бу жараёнда жуфтликлар оралаб юриб, уларнинг талаффузида, нутқий ҳаракатлардида йўл қўйилган хато ва камчиликларни тўғрилайди, лозим топса, жуфтликлар бажараётган вазифаларни алмаштиради. Микродиалог 15-20 марта такрорлангач, жумлалар хотирага ўрнашиб қолади ва ишни карточкаларга қарамасдан давом эттириш мумкин.

Ўқитувчи ҳар бир жуфтлик томонидан белгиланган вақтда берилган коммуникатив топшириқ ўзлаштирилганлигига ишонч ҳосил қилгач, навбатдаги топшириқни бажариш йўллариини тушунтиради, кўрсатади ва бундай иш барча 10 та коммуникатив топшириқ бўйича такрорланади.

Дарсинг бундай босқичига одатда энг кўп вақт, яъни умумий вақтнинг 60% ажратилади. Бу 45 минутлик машғулотларда 28-30 дақиқани , 80 минутлик машғулотларда 48-50 дақиқани ташкил қилади.

Коммуникатив топшириқлар орқали ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш анъанавий ўқитиш методикасидан фарқли улароқ ўқув материалнинг талаффузини, янги лексикасини, грамматик материални, эшитиб ва ўқиб тушуниладиган матнларини, фикрни ёзма баён қилиш усуллариини мулоқот жараёнида комплекс ўзлаштиришни кўзда тутилади. Яъни, ўқувчи коммуникатив топшириқни бажаришни машқ қилаётган жараёнидаёқ ундаги лексик birlikларнинг талаффузини, англатган маъносини, грамматик-синтактик тузилишини, жумла тузилишидаги ўзига хосликларни эгаллаб олади.

Шундай қилиб, коммуникатив ёндашув анъанавий ўқитиш методикасида шаклланган ўқув материални тушунтириш, мустаҳкамлаш ва назорат ва баҳолаш каби бир қолипга солинган усуллардан фарқли ўлароқ, таълимни

ўқувчиларни мулоқотга ўргатишдан бошлайди. Фонетик, лексик, грамматик қоидаларнинг энг охирида ўргатилиши - ўзлаштирилган нутқ материалининг мустаҳкамловчи воситаси вазифасини бажаради.

Нутқ вазиятларига асосланган коммуникатив топшириқлар орқали мулоқатга ўргатиш беш босқичда ташкил қилинади:

1. Коммуникатив топшириқни бажаришга тайёрлаш. Бу босқичда ўқитувчи томонидан мулоқот мавзуси бўйича лексик бирликлар, жумлалар, аудио-визуал воситалар тайёрланади, лексик бирликларни ўз ичига олган қизиқарли нутқ вазиятлари, уни бажарадиган ўқувчилар жуфтликлари ёки гуруҳлари белгиланади.

2. Коммуникатив топшириқни бажариш йўллариини тушунтириш ва кўрсатиш босқичи. Ўқитувчи ўқувчилар жуфтлигига ёки гуруҳига мўлжалланган коммуникатив топшириқни кўргазмали қуроллар, экстралингвистик воситалар ёрдамида бажариш йўллариини кўрсатади. Тушунтириш ва кўрсатиш бажарилаётган, эшитилаётган нутқий ҳаракатни тақлидий ўзлаштиришга, эшитилаётган жумладаги ҳар бир лексик бирликни, умумий жумла англатган мазмунни, оҳангни ўқувчилар томонидан онгли, таржимасиз тушунишга йўналтирилади. Шу тақдимотнинг ўзидаёқ ўқувчилар гап нима ҳақида кетаётганлигини, қандай нутқ материалини ўзлаштириш лозимлигини идрок қилиб оладилар.

3. Эшитилган коммуникатив топшириқни кўп марталик такрор асосида тақлид қилиб мустаҳкамлаш босқичи. Бу босқичда ўқувчилар жуфтликларга, гуруҳларга бўлиниб нутқ материалини аввал тасдиқ, кейин сўроқ, инкор формаларда, турли шахслар ва замонларда ишлатиб, ўз шерикларининг фикрини рад қилишга, қўшилишга, саволга - савол билан жавоб беришга ўрганадилар. Мулоқот жараёнида кўргазмали ва экстралингвистик воситалардан, ўйинлардан, ҳазил ва юморлардан кенг фойдаланилади. Бу жараёнида ўқувчиларнинг талаффузига, ҳар хил формадаги жумлаларни гапиришдаги оҳангига, гапиришда фойдаланган экстралингвистик воситаларига эътибор қаратилади. Бу босқичда коммуникатив топшириқни гуруҳлар аро бажартиришни ҳам ташкил қилиш мумкин.

Мустаҳкамлаш жараёнида мулоқат кўникмалари шакллантирувчи коммуникатив топшириқлар асосан тўрт талабга жавоб бериши лозим:

1. Нутқий вазифанинг аниқлиги;
2. Коммуникатив топшириқнинг маълум нутқ вазиятига боғлиқлиги;
3. Топшириқнинг бажарилиши фикр алмашувга ва нутқий ҳаракатни ўзлаштиришга йўналтирилганлиги;
4. Бу жараёнда турли таянч воситаларидан фойдаланишнинг зарурлиги.

Мулоқат кўникмаларини шакллантирувчи бундай машқларнинг айнан мана шу талабларга жавоб бера олиши - уларнинг анъанавий ўқитиш жараёнида бажариладиган машқлардан фарқи ҳисобланади.

Коммуникатив топширик орқали уюштириладиган бундай микродиалог Б ўқувчининг эшитилган саволга берадиган жавобига кўра кўйидаги кетма-кетликда бажариладиган 4 типга ажратиш мумкин:

1. Нутқ бирлигини эшитиб, унга тақлид қилиб такрорлаш;

2. Эшитилган жумладаги сўзлар ўрнини алмаштириб такрорлаш; (трансформация усули, синонимлар, антонимлар, отлар ўрнига олмошлар ишлатиш, тасдиқ гапни сўроқ, инкор формаларга айлантириб жавоб бериш).

3. Жумлани репродукция қилиш (яъни, аввал ўрганилган лексик, грамматик материаллардан фойдаланиб жумлани кенгайтириш, торайтириш, кўчирма гапларни ўзлаштира, активдаги гапни пассивга алмаштириш, феъл замонларини алмаштириш ва ҳ.) орқали такрорлаш.

4. Эшитилган жумладаги қолдириб кетилган сўзни ўрнини тўлдириб жавоб бериш. Бунда жавобни қолдириб кетилган сўзни карточка остига ёзилган бир неча сўзлардан бирини танлаш орқали тўлдириш орқали ҳам ташкил қилиш мумкин.

Коммуникатив топширик асосида бажариладиган бундай мустақамловчи машқларининг асосий вазифаси нутқий ҳаракатларга ўргатишдир.

Эшитиб тақлид қилиб жавоб беришга асосланган Б карточкадаги бундай топшириқлар ўқитувчининг кўрсатмалари асосида кўйидаги тартибда уюштирилади:

№2-А

Саволни ўқитувчи кўрсатгандек нутқ ҳаракатларини қўллаб ўқи ва берилган тўғри жавобга кўра ўртоғининг текшир:

- *Aujourd'hui après les classes nous allons au cinéma. D'accord?* (Бугун дарсдан кейин кинога борамиз, келишдикми?)

Тўғри жавоб:

- *D'accord, aujourd'hui après les classes nous allons au cinéma* (Келишдик, бугун дарсдан кейин кинога борамиз.)

№2-Б

Саволни диққат билан эшит ва унга тақлид орқали тасдиқ формада жавоб бер.

- *Aujourd'hui après les classes nous allons au cinéma. D'accord?* (Бугун дарсдан кейин кинога борамиз, келишдикми?)

Бундай машқни бажариш жараёнида Б ўқувчи вазифасини бажарувчи ўқувчидан суҳбатдош жумласини аниқ тушунгани ҳолда, гап тузилишини хотирада қолдириш ва уни хатосиз такрорлаш орқали ўз фикрини ифодалаш талаб қилинади.

Эшитилган жумладаги сўзларнинг ўрнини алмаштириб (трансформация) гапиришга асосланган коммуникатив топшириқ. Б ўқувчидан суҳбатдош жумласидаги лексик бирликни ёки грамматик формани алмаштириб гапиришга ўргатишни кўзда тутди. Бу ўринда отлар ўрнига олмошларни ишлатиш, отларнинг родини, сонини ўзгартириб гапириш каби усуллардан фойдаланиш мумкин. Масалан

№3-А

Саволни ўқи ва берилган жавобга қараб ўртоғингни текшир:

- *Aujourd'hui après les classes nous allons au cinéma. D'accord?* (Бугун дарсдан кейин кинога борамиз, келишдикми?)

Тўғри жавоб:

- *Que tu dis! Aujourd'hui après les classes nous allons à la bibliothèque. (Нималар деясан! Бугун дарсдан кейин кутубхонага борамиз).*

№3-Б

Саволни диққат билан эшит ва остига чизилган сўзни «la bibliothèque» сўзи билан алмаштириб жавоб бер.

Aujourd'hui après les classes nous allons au cinéma. D'accord? (Бугун дарсдан кейин кинога борамиз, келишдикми?)

Репродуктив коммуникатив топшириқ. Б ўқувчидан суҳбатдош саволига аввал ўрганилган лексик бирликни ёки грамматик формани мустақил равишда эслаб, гапни кенгайтириб гапиришни талаб қилади. Бу ҳолда карточка остига жавоб берувчи ўқувчи фойдаланиши мумкин бўлган таянч сўзлар ёзиб қуйилиши ҳам мумкин. Масалан:

№4- А

Саволни ўқи ва тўғри жавобга қараб ўртоғингнинг жавобини текшир:

Le dimanche nous allons à la montagne. Veus-tu y aller ensemble? (Якшанба куни биз тоққа борамиз. Сен ҳам борасанми?)

Тўғри жавоб:

Non, je ne peux pas y aller ensemble. Le dimanche je vais à la campagne chez mes grands-parents.

№4-Б

Саволни диққат билан эшит ва унинг биринчи қисмига инкор формада, иккинчи қисмига аввал ўрганган сўзларингдан фойдаланиб, тасдиқ формада жавоб бер.

Le dimanche nous allons à la montagne. Veus-tu y aller ensemble? (Якшанба куни биз тоққа борамиз. Сен ҳам борасанми?)

Таянч сўзлар: *à la campagne, les grands-parents.*

Эшитилган саволдаги қолдирилиб кетилган сўзларни ўрнини тўлдириб жавоб беришга асосланган коммуникатив топшириқда А ўқувчининг

карточкасида шу сўзнинг остига чизилиб қўйилади. Б ўқувчининг карточкачида эса, тушириб қолдирилган сўзнинг ўрни кўп нукталар билан белгиланади. Бундай ҳолда Б ўқувчининг карточкаси остига матнга мос келадиган ва жумлага мос келмайдиган бир неча сўзларни аралаш қилиб ёзиб қўйиш ҳам мумкин. Б ўқувчи улар ичидан энг мос келадиганини танлаб, жумлани тўлдириб, жавоб бериши лозим. Карточка остига бундай сўзларни ёзиб қўйилиши - ўқувчини аввал ўрганган лексик birlikларни ҳам хотирлашга ўргатади.

№5-А

Саволни ости чизилган сўзини қолдириб ўқи ва тўғри жавобга қараб ўртоғингни текшир:

Aujourd'hui Nodir n'est pas venu à l'école. Est-ce qu'il est malade?

(Бугун Нодир мактабга келмади. Нима, у касалми?)

Тўғри жавоб: *Oui, il n'est pas venu à l'école. Il est malade.*

(Ҳа у мактабга келмади, у касал)

№5-Б

Саволни диққат билан эшит ва ҳар иккала гапга тасдиқ формада, қолдириб кетилган сўзни ўрнини пастда берилган сўзлардан бири билан тўлдириб жавоб бер:

Aujourd'hui Nodir n'est pas venu à l'école. Est-ce qu'il est.....?

1) La montagne, 2) malade, 3) écrivain, 4) la vache, 5) la pomme.

Коммуникатив топшириқларни бажаришнинг дастлабки босқичида ўқувчиларга гапирилаётган жумлаларнинг мазмун-маъносини тушунишга ёрдам берадиган, суҳбатдошларнинг барча сезгиларига комплекс таъсир қилувчи лингвистик (жадваллар), кўргазмали (расмлар, предметлар, ТТВ), эмоционал таъсир (ҳазил, кулгу, юмор, топишмоқ, латифалар, саволгт ва жавобгт ианиш мусикага солиб куйлаш), паралингвистик воситалардан (мимика, жест, ҳаракат) фойдаланишни ўргатиш лозим. Машқ бажариш жараёнида нутқий ҳаракатга ўргатувчи бундай воситалардан фойдаланиш фикрни аниқ ва хатосиз, эмоционал тарзда ифодалашга ёрдам беради. Кўп марталик тақлидий такрорга асосланган бундай микродиалоглар мулоқат кўникмаларини самарали ва сифатли шаклланишини таъминлайди.

Бир машғулот жараёнида ўқувчилар мавзу бўйича 10 тагача саволни эшитиб, уларга жавоб беришни ўрганиб оладилар. Бинобарин янгича яратиладиган ўқув қўлланмаларида мулоқот машқлари айнан ана шу тартибда ташкил қилиниши лозим. Дарс жараёнида мавзу бўйича шакллантирилган бундай нутқ кўникмалари дарсдан ташқари вақтда ўқув лабораториясида компьютердан, магнитофондан эшитилган ёки ўқилган саволларга оғзаки ёки ёзма жавоб беришлари орқали яна бир бор мустаҳкамланади. Синфдан ташқарида, ўқув лабораториясида (лингафон хонасида, компьютер синфида) бажариладиган бундай мустақил ишнинг бажарилиши ўқитувчи ва лобарантлар ёрдамида назорат қилиниши лозим. Саволларга ёзма жавоб ёзиб келиш уйга вазифа сифатида берилиши уни

учинчи бор мустаҳкамлайди. Ўқув жараёнини бундай ташкил қилиниши таълим самарадорлигини ошириб, эришиладиган натижаларни кафолатлайди.

Кўриб турганимиздек, коммуникатив топшириққа жавоб беришда дастлаб суҳбатдош гапини тинглаб тушуниш, лексик бирликлар ўрнини фаҳмлаш, маъносини тушуниш, суҳбатдош репликасига тақлид қилиб, грамматик формани бошқа шахсда гапириш каби ақлий ҳаракатлар рўй беради. Бу ўринда коммуникатив топшириқнинг нутқ вазиятига мос келиши, суҳбатдошнинг фикри иккинчи ўқувчида гапиришга, яъни муносабат билдиришга рағбат уйғотиши лозимлигига ҳам алоҳида эътибор берилади. Бундай рағбат ўқувчига эмоционал таъсир қилувчи барча аудио-визуал ва экстралингвистик воситалардан фойдаланиш, гапга ҳазил ва юмор элементлардан қўшиш йўли билан ҳам уйғотилади.

Мустаҳкамлаш босқичида мавзуга оид барча коммуникатив топшириқлар ана шу тарзда бажарилади. Ўқувчилар коммуникатив топшириқни кўп марталик такрор жараёнида бажаришда ундаги лексик бирликлар ифодалаган маънони, грамматик, синтактик конструкцияларни, уларни талаффуз оҳангини ўзлаштириб оладилар.

Коммуникатив топшириқни мустаҳкамлаш дарсдан ташқари вақтларда ўқув лабораториясида ташкил қилинадиган, магнитофон, компютерга киритилган паузали машқлар орқали давом эттирилади. Бунда ўқувчилар белгиланган муддатда репликани эшитишлари, қолдирилган паузаларда унга жавоб беришни, яна эшиттириладиган тўғри вариантдан ўз хатоларини тўғрилашни машқ қилишлари мумкин.

4.Коммуникатив топшириқдан эркин нутқ вазиятида фойдаланиш босқичи. Бу босқич ўша машғулотнинг охирида ёки навбатдаги машғулотда ўқувчилар жуфтликларининг, гуруҳларининг ўзаро фикр алмашувини текшириш ва баҳолаш сифатида ташкил қилиниши ҳам мумкин.

Маълумки, барча ўқувчиларнинг ўзлаштиришини ҳар бир дарсда системали назорат қилиш ва баҳолаш ўқувчилар жуфтликларини, гуруҳларини ўқув маъсулиятини янада ошишига, жуфтликларда, гуруҳ ичида яхши баҳо оилшдаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Якка ўқувчини эмас, гуруҳнинг ўзлаштиришини баҳолаш бундай маъсулиятни янада оширади.

Белгиланган коммуникатив топшириқ мулоқот даражасида ўзлаштирилганидан сўнг, дастурда белгиланган фонетик, лексик, грамматик қоидалар тушунтирилади. Табиийки, мулоқот даражасида ўзлаштирилган билимлар осонгина идрок қилинади.

Шундан сўнг коммуникатив топшириққа оид матнни тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, фикрни ёзма баён қилишга мўлжалланган машғулотлар ташкил қилинади. Бу босқичда ўқувчилар илк бора ўзлари мулоқат жараёнида ўзлаштирган лексик бирликларнинг ёзилиш тимсоллари, грамматик ва синтактик қурилмалар билан танишадилар.

Ўрганилган мавзу бўйича фикрларни ёзма баён қилишга ўргатиш дарсларида ўқувчилар мулоқат жараёнида ўзлаштирган турли лексик,

грамматик машқларни ёзма шаклда бажаришга, саволларга ёзма жавоб беришга, мавзу бўйича кичик баёнлар ёзишга ўргатадилар. Ўқув машғулотларини коммуникативлик тамойилларига асосланиб ташкил қилиш, шундай қилиб, дарс самарадорлигини ошишига, машғулотларни ноанъанавий шаклларда, интерфаол усулларда ташкил қилишга, ўқувчиларда коммуникатив салоҳиятни шаклланишига, турли коммуникатив вазиятларда ўз фикрларини эркин баён қилишларига олиб келади.

III-қисм. ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ КУРСИДА ЎҚУВ МАШЎУЛОТЛАРИНИ ТЕХНОЛОГИЯЛАШТИРИШГА ЎРГАТИШ

1.ЧЕТ ТИЛИ ДАРСИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ, МАШҒУЛОТНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА ЯКУНИЙ БОСҚИЧЛАРИНИ ТЕХНОЛОГИЯЛАШТИРИШ.

Мавзунининг маъруза машғулоти қуйидаги технологик харита асосида ташкил қилинади:

Машғулот вақти 80 минут	Талабалар сони 15 - 50 нафаргача
Машғулот шакли:	Ахборот бериш асосидаги кириш маърузаси
Маъруза режаси:	1.Чет тили дарсининг мақсад ва вазифалари. 2.Дарсининг тарбиявий мақсади. 3.Дарсининг таълимий мақсади. 4.Дарсининг амалий мақсади. 5.Дарсининг ташкилий дақиқасини ташкил қилишнинг шакл ва усуллари.
Ўқув машғулотининг мақсадлари: 1.Бўлажак чет тили ўқитувчиларида чет тили дарсининг мақсад ва вазифалари, дарсининг ташкилий дақиқаси ҳақида педагогик кўникма ва билимларни шакллантириш.2. Уларда ўқитувчиларга хос бошқарув сифатларини шакллантириш ва ривожлантириш. 3. Дарс босқичлари ҳақида амалий кўникма ва малакалар шакллантириш.	
Таълим бериш усуллари:	Кўргазмали маъруза, суҳбат, тақдимот, тушунтириш.
Таълим бериш шакллари:	Оммавий, гуруҳ бўлиб ўрганиш.
Таълим бериш воситалари:	Ўқув қўлланма, проектор, электрон доска.
Таълим бериш шароити:	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш:	Оғзаки назорат: савол жавоб.

Чет тили ўқитиш методикаси курсида мавзу бўйича ўқиладиган маъруза машғулотининг матни:

1.Чет тили ўқитиш дарсининг мақсад ва вазифалари.Ҳозирги босқичда коллеж ва лицейларда умум таълим мактабларида хорижий тиллардан бирига ўргатишнинг бош мақсади - ўқувчиларни уларни ўраб турган атроф-муҳитга ва коммуникатив вазиятларга, ўқувчиларнинг гапириш эҳтиёжларига мос келадиган нутқ мавзулари асосида мулоқотга ўргатишдир. Бинобарин, муайян мавзу бўйича мулоқотни ўргатишда амалий, умумтаълимий ва тарбиявий мақсадлар кўзда тутилади. Бўлажак чет тили ўқитувчиларига хорижий тилида мулоқотни ўргатиш дарсларини ташкил қилишнинг назарий ва амалий аспектларини ўргатиш эса, уларнинг педагогик маҳоратини,ўқувчиларда мантикий тафаккурини, чет тилидаги нутқий қобилиятини, хотирлаш турлари, фикрлари, умумнутқий ва умумтаълимий йўриқларни, тил бўйича мустақил ишлаш малакаларини ривожлантиришни кўзда тутати. Мулоқотни ўргатиш методикаси дарсларида амалий ва назарий грамматика,

мамлакатшунослик, лексикология, тил тарихи, стилистика, шунингдек, психология ва бошқа фанларда ўзлаштирган билим ва малакаларни қўлланилиши кўзда тутилади.

Ҳар бир машғулоти режалаштиришга таълим мақсадлари технологик хаританинг бошлагич қисмида баён қилинади.

а) Машғулотнинг амалий мақсадини белгилаш. Ҳар қандай дарсдан кутиладиган натижа, амалий мақсадни ташкил қилади. Амалий мақсад ҳар бир нутқ мавзуси бўйича ташкил қилинадиган алоҳида машғулотларда амалга оширилади ва бу умумий мавзуларнинг битта блогини ташкил қилади. Бундай мақсад қуйидагича мазмунларда расмийлаштирилиши мумкин:

- 1. Нутқ мавзуси бўйича талаффуз кўникма ва малакаларини шакллантириши;*
- 2. Нутқ мавзуси бўйича лексик кўникма ва малакаларни шакллантириши;*
- 3. Нутқ мавзуси бўйича мулоқот кўникма ва малакаларини шакллантириши;*
- 4. Нутқ мавзуси бўйича тинглаб тушуниш кўникма ва малакаларини шакллантириши;*
- 5. Нутқ мавзуси бўйича ўқиб тушуниш кўникма ва малакаларини шакллантириши;*
- 6. Нутқ мавзуси бўйича грамматик кўникма ва малакаларни шакллантириши;*
- 7. Нутқ мавзуси бўйича фикрни ёзма баён қилиш кўникма ва малакаларини шакллантириши ва ҳ..*

б) Машғулотнинг тарбиявий мақсадини белгилаш. Ҳозирги замон чет тиллар ўқитиш методикасида чет тили дарсининг тарбиявий мақсади қуйидаги параметрларда белгиланади:

- 1. Ўрганиладиган мулоқот мавзуси орқали ўқувчиларда ватанпарварлик, инсонийлик фазилатларини шакллантириши;*
- 2. Ўрганиладиган мулоқот мавзуси асосида ўқувчиларда меҳнатсеварлик, касбга меҳр фазилатларини шакллантириши;*
- 3. Ўрганиладиган мулоқот мавзуси асосида самимийлик, камтаринлик, ўзаро-ҳурмат, ўзаро ҳамкорлик ва безараз ёрдам сифатларини шакллантириши;*
- 4. Ўрганиладиган мулоқот мавзуси асосида тартиб- интизомлилик, соғлом турмуш тарзи, атроф муҳитни асраш каби инсоний фазилатларни шакллантириши;*

в) Машғулотнинг умумтаълимий ва ривожлантирувчи мақсадини белгилаш. Хорижий тилни ўрганиш ўқувчиларнинг хотирасини, диққатини, зеҳнини, мантикий фикрлашни, мулоқот қобилиятини, лисоний ва умумий дунёқарашини шакллантириб, комил инсон бўлиб етишишида муҳим рол ўйнайдиган ўқув предметларидан биридир. Бундай мақсад нутқ мавзусининг характерига кўра қуйидагича режалаштирилиши мумкин:

- 1. Нутқ мавзуси бўйича ўқувчиларда хотира, диққат ва зеҳни шакллантириши ва ривожлантириши;*
- 2. Нутқ мавзуси бўйича ўқувчиларга мантикий фикрлаш йўлларини ўргатиши;*
- 3. Ўқувчиларда мулоқот мавзуси асосида эркин суҳбатга киришиш, ўз фикрини тортинмасдан ифодалай билиш, фикр билдиришида хато қилиб қуйишидан қўрқмаслик каби мулоқот компетенциясини шакллантириши;*

4.Нутқ мавзуси бўйича ўқувчиларнинг лисоний дунёқарашларини кенгайтириши.

2.Дарснинг ташкилий дақиқасини режалаштиришнинг шакл ва усуллари. Дарснинг ташкилий дақиқасини қизиқарли ташкил қилиниши бутун дарс жараёнининг самарали кечишини таъминлайди. Унинг асосий вазифаси ўқувчиларни чет тили муҳитига олиб кириш, диққатларини жамлашга ўргатишдир. Бунинг учун ўқитувчи ҳар бир дарсда бир хил усулда ўтказиладиган ташкилий дақиқалардан воз кечиши, уни ўқувчиларни дарсга қизиқишларини оширишга ёрдам берадиган турли-туман шакл ва усулларда ўтказишга интилиши лозим. Масалан, жуда кўпчилик ўқитувчилар синфда ким бор-йўқлигини, уйга қандай вазифа берилганлигини, ҳафтанинг қандай куни эканлигини, оби-ҳаво қандай эканлигини биргина навбатчи ўқувчидан сўраб, жавоб олиш, унинг хатоларини коллектив равишда тўғрилаш билан ўтказадилар. Бу синифдаги бошқа ўқувчиларни пасив тингловчиларга айлантириб қўяди. Бу ўринда саволни «Қани ким айтади? - саволи билан бошлаб, кўл кўтарган ўқувчилардан, ёки аввалдан бўлинган гуруҳ аъзоларидан биридан сўраш барча ўқувчиларни жавоб беришга шай туришга йўналтириш лозим. Албатта бундай шаклдаги ташкилий дақиқани ҳар сафарги дарсда такрорлайвериш, ўқувчиларнинг дарсга қизиқишларини пасайишига олиб келади.

Ташкилий дақиқани қизиқарли ташкил қилишнинг қуйидаги усуллари тавсия қилинади:

1.Авал ўрганилган талаффуз кўникмаларини такомиллаштириши учун кичик шеър парчасини гуруҳлар ижросида хор қилиб такрорлатиши. Бунда ҳар бир гуруҳ навбатма-навбат хор бўлиб, шеър ўқийди ва энг яхши ижро этган гуруҳ аниқланади. Бундай машқ биринчи гуруҳ шеърнинг биринчи сатрини, иккинчи гуруҳ иккинчисини, учунчи гуруҳ учинчисини ва ҳақозо усулда айттириши усулида ҳам ташкил қилиниши мумкин.

2.Авал ўрганилган кичик шеърни таниши мусиқа оҳангига солиб куйлаш. Бундай машқда ҳам юқоридаги усуллардан фойдаланиши мумкин.

3.Ўқитувчи аввал ўзлаштирилган лексик-грамматик материал асосида тайёрлаб келган расмларни навбати билан кўрсатиб, расмда ифодаланган сўз орқали гап ясашни сўрайди. Машқ гуруҳ ичида, гуруҳлар аро мусобақа шаклида ўтказилиши мумкин. Машқ биринчи гуруҳ айтган тасдиқ формадаги жумлани-иккинчи гуруҳ инкор формада, учинчи гуруҳ суроқ формада айтиши орқали ҳам давом эттирилиши мумкин.

4. Ўқитувчи ўрганилган грамматик материални мустаҳкамлаш учун бир сўз айтади. Биринчи гуруҳ уни ишлатиб, ҳозирги замонда жумла ясайди, иккинчи гуруҳ эшитилган жумлани келаси (ўтган) замонда гаптиради.

5.Ўқитувчи пантомима орқали бирор иш ҳаракатини ифодалайди. Гуруҳлар уни жумлалар орқали ифодалайдилар. Қайси гуруҳ кўрсатилган пантомимани энг тўғри усулда изоҳлаб берса, шу гуруҳ голиб ҳисобланади.

6.Ўқитувчи аввал ўрганилган бирор товуш иштироғидаги тез айтиши ёзилган таблицани кўрсатади. Уни ўзи тез айтишини икки –уч бор ифодали ўқиб бериб, барча ўқувчиларга ҳам такрорлатади. Шундан сўнг таблицага қараб (кейин

қарамасдан) гуруҳлар аро ким тез ва тўғри талаффуз қилиш мусобақаси бошланади. Гуруҳлар навбатма-навбат тез айтишини ижро қилишади. Бунда ўқитувчи ёки бошқа гуруҳ аъзолари баҳоловчи, вақтни ўлчовчи вазифасини бажаради ва энг тўғри ва тез айтган гуруҳ аниқланади.

7.Муаммоли –топишмоқли топишириқларни бажариши.

8.Эшитилган жумладаги хатони топиш маиқи .Ўқитувчи атайлаб сўзларни ўрни алмаштирилган, ёки замони нотўғри қўйилган, нотўғри талаффуз қилинган жумла айтади. Гуруҳлар навбати билан, ёки ким олдин топса, хатоларни тўғрилайдилар.

9.Эшитилган жумладаги отни, (феълни, сифатни) синонимлари ёки антонимлари билан алмаштириб гапириши.

10.Эшитилган жумланги кенгайтириб гапириши маиқи. Биринчи гуруҳ айтган жумлага иккинчи ва қолган гуруҳлардан ҳар бири биттадан сўз қўшиб жумлани кенгайтирадилар. Қайси гуруҳ жумлага сўз қўшиб кенгайтира олмаса, ўйиндан чиқарилади.

Шундан сўнг, ўқитувчи янги дарс мавзусини эълон қилади ва бу дарс орқали ўқувчилар нималарни ўрганиб олишлигини, агар яхши ўзлаштиришга уринсалар, бу қандай натижаларга олиб боришлигини тушунтиради.

Шундай қилиб бир соатга мўлжалланган ўқув машғулотнинг тнхнологик харитасининг бошланғич қисми қуйидагича расмийлаштирилади:

1.Машғулот ўтказиладиган сана: 12 май, 2012 йил, 3-соат.

2. Гуруҳ (Синф) - 2 –«А» (6 «А»)

3. Машғулот мавзуси: «Йил фасиллари».

4.Амалий мақсад: Нутқ мавзуси бўйича талаффуз ва лексик ва мулоқот кўникма, малакаларни шакллантириши;

5.Умумтаълимий мақсад: Нутқ мавзуси бўйича ўқувчиларда хотира, диққат ва зеҳни шакллантириши ва ривожлантириши.

6.Тарбиявий мақсад: мулоқот мавзуси орқали ўқувчиларда ватанпарварлик, она табиатга меҳр, инсонийлик фазилатларини шакллантириши;

7.Кўргазмали қуроллар: Йил фасллари тасвирланган слайдлар, расмлар. коммуникатив топишириқ карточкалари.

Амалий машғулотнинг ташкилий босқичининг намунавий технологик харитаси:

Дарс босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Ўқувчилар
1.Дарснинг ташкилий дақиқаси (5 дақиқа)	1.Саломлашув. 2.Давомат, об-ҳаво, йил фасли ҳақида блиц саволлар уюштириш. 3.Аввал ўрганилган кичик шеърни таниш мусиқа оҳангида куйлаш. 4.Ўқитувчи кўрсатган расмларга қараб жумла тузиш (гуруҳлар аро мусобақа). 5.Дарс мавзусини, мақсад ва вазифаларини, кутиладиган натижаларни тушунтириш.	1.Саломлашадилар. 2. Саволларга жавоб берадилар. 3.Куйлайдилар. 4.Гуруҳ булиб жумла тузадилар. 5.Тинглайдилар.

Мавзу бўйича мустақил иш ташкил қилишнинг технологик харитаси

Машгулот шакли:	Мустақил иш
Топшириқ номи:	1.Ж.Жалоловнинг «Чет тили ўқитиш методикаси» (Т.1996) китобидан «Чет тили ўқитиш мақсадлари» бобини (35-44 бетлар) ўқинг ва асосий фикрларни конспектлаштиринг. 2. «Менинг оилам» мулоқот мавзусига оид дарснинг амалий, умумтаълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларини белгиланг. 3.Дарснинг ташкилий дақиқасига келтирилган машқлардан бирортасини сценариясини режалаштиринг. 4.Мавзу бўйича тузилган тест топшириқларини ечиб, билимнингизни текширинг.
Топшириқ бажаришдан мақсад: Талабаларда чет тили дарсининг мақсад ва вазифалари, дарснинг ташкилий дақиқаси ҳақида билимларни чуқурлаштириш	
Педагогик вазифалар: Талабаларда дарснинг мақсади ва вазифаларини, дарснинг ташкилий дақиқасининг ташкил қилишнинг шакл ва усуллари ҳақида қўшимча билимлар эгаллашга ўргатиш.	Топшириқ бажаришдан кутиладиган натижалар: Қўшимча адабиётларни ўрганиб, дарснинг ташкилий дақиқасини режалаштириш усуллари ўрганиб оладилар.
Топшириқни бажариш усуллари:	Конспектлаштириш, кўргазмали жадваллар тузиш, мавзу асосида ташкилий дақиқани режалаштириш .
Топшириқни бажариш шакллари:	Индивидуал, оммавий, жуфт ва гуруҳ бўлиб ўрганиш.
Топшириқни бажариш воситалари:	Қўшимча адабиётлар,ўқув қўлланма, проектор, электрон дарслик.
Топшириқни бажариш шароити:	АРМ, интернет, ўқув зали.
Мониторинг ва баҳолаш:	Ёзма иш (реферат).

Мавзуни мустақил ўрганишда тавсия қилинадиган адабиётлар рўйхати:

1. Бим.И.Л. Методика обучения иностранным языкам как наука и проблемы школьного учебника – М:1977.
2. Жалолов Ж. Чет тили ўқитиш методикаси – Тошкент: 1996.3-боб, 35-44 бетлар.
3. Ҳошимов Ў.Ҳ., Ёқубов И.Я. Инглиз тили ўқитиш методикаси-Тошкент:1993. 5-8 бетлар.
4. Матвеева Н.В О взаимосвязи практических и общеобразовательных целей обучения иностранным языкам. ИЯШ. 2002, № 6.

2. ТАЛАФФУЗГА ЎРГАТИШ ДАРСНИНГ ТЕХНОЛОГИЯЛАШТИРИШ

Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Маишулот вақти 80 минут	Талабалар сони 15 - 50 нафаргача.
Маишулот шакли:	Ахборот бериш асосидаги кириш маърузаси
Маъруза режаси:	1.Талаффузга ўргатишнинг мақсад ва вазифалари . 2.Талаффузга ўргатиш принциплари. 3.Талаффуз малакаларини шакллантиришдаги йўналишлар. 4.Талаффуз малакаларини шакллантириш усуллари . 5. Талаффузга ўргатиш дарсининг методик характеристикаси.
Ўқув машғулотининг мақсади: Ўқувчиларда талаффузга ўргатиш дарсининг мақсад ва вазифалари, принциплари, йўналишлари, талаффузга ўргатиш дарсини ташкил қилишнинг лингво методик талаблари ҳақида билимларни шакллантириш.	
Педагогик вазифалар: Талаффузга ўргатишнинг мақсади ва вазифаларини, принциплари, усуллари, бундай дарснинг ташкил қилиш шакл ва усуллари ҳақида тушунтиришлар бериш.	Ўқув фаолияти натижалари: Талаффузга ўргатишнинг мақсади ва вазифаларини, принципларини, талаффуз малакаларини шакллантиришнинг метод ва усуллари эгаллаб олиш.
Таълим бериш усуллари:	Кўргазмали маъруза, суҳбат, тақдирот, тушунтириш.
Таълим бериш шакллари:	Оммавий, гуруҳ бўлиб ўрганиш.
Таълим бериш воситалари:	Ўқув қўлланма, проектор, электрон доска.
Таълим бериш шароити:	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш:	Оғзаки назорат: савол- жавоб.

Дарс босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
1.Дарснинг ташкилий дақиқаси (5 дақиқа)	Маъруза номини , мақсади ва вазифаларини, маъруза машғулотидан кутиладиган натижаларни, мавзу бобларини эълон қилиб, уларнинг ҳар бирида қандай методик вазифалар ҳал этилишини тушунтиради .	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар.
2 - Асосий босқич (70 дақиқа)	2.1. Мавзуни ҳар бир қисмини тушунтиради. 1.Умумтаълим мактабларида талаффузга ўргатишнинг мақсад ва вазифалари . 2.Талаффузга ўргатиш принциплари 3.Талаффуз малакаларини шакллантиришдаги йўналишлар . 4.Талаффуз малакаларини шакллантириш усуллари . 5. Талаффузга ўргатиш дарсининг методик характеристикаси. 2.2 Ҳар бир боб якунида блиц саволлар уюштирилади .	2.1.Тинглайдилар ва ёзиб оладилар. 2.2Жавоб берадилар.

	3.3.Талабалар берган саволларга жавоб беради.	2.3.Савол берадилар.
1. Якуний босқич (5 дақиқи)	3.1. Мавзу бўйича эришилажак натижаларни баён қилади. 3.2. Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар беради, уларни бажариш йўлларини кўрсатади.	Тинглайдилар. Вазифани ёзиб олади.

Талаффузга ўргатиш мавзуси бўйича мустақил иш ташкил қилишнинг технологик харитаси

Машғулот шакли	Мустақил иш
Топшириқ номи:	1.Л.С.Андреквская-Ливенстернининг ва Ж.Жалоловнинг «Методика» дарсликларида мавзуга оид асосий фикрларни конспектлаштиринг ва талаффузга ўргатишнинг анъанавий ва замонавий методлари орасидаги фарқларни баён қилинг. 2. «Enchenemen» ва «Liaison» мавзусидаги (ёки бирор товуш талаффузини ўргатувчи)дарс технологиясини тузинг. 3.Мавзу бўйича тузилган тест топшириқларини ечиб, билимнингизни текширинг.
Топшириқ бажаришдан мақсад: Талабаларда талаффузга ўргатишнинг мақсад ва вазифалари ҳақида билимларни чуқурлаштириш	
Педагогик вазифалар: Талабаларда дарснинг мақсади ва вазифаларини, дарснинг ташкилий дақиқасининг ташкил қилишнинг шакл ва усуллари ҳақида қўшимча билимлар эгаллашга ўргатиш.	Топшириқ бажаришдан кутиладиган натижалар: Қўшимча адабиётларни ўрганиб, дарснинг ташкилий дақиқасини режалаштириш усулларини ўрганиб оладилар.
Топшириқни бажариш усуллари:	Конспектлаштириш, кўргазмали жадваллар тузиш, мавзу асосида ташкилий дақиқани режалаштириш.
Топшириқни бажариш шакллари:	Индивидуал, оммавий, жуфт ва гуруҳ бўлиб ўрганиш.
Топшириқни бажариш воситалари:	Қўшимча адабиётлар,ўқув қўлланма, проектор, электрон дарслик.
Таълим бериш шароити:	АРМ, интернет, ўқув зали.
Мониторинг ва баҳолаш:	Ёзма иш (реферат).

Топшириқларни бажаришда қуйидаги адабиётлардан фойдаланинг:

- 1.Андревская–Ливенстерн Л.С. Методика-преподавания французского языка в средней школе – М: 1983.
2. Жамолов Ж. Чет тили ўқитиш методикаси. – Тошкент: Ўқитувчи 1996. 170 – 177 бетлар.
- 3.Кондратьева Т.В О работе над произношением французского языка.

ИЯШ, 1990, №4, с89.

4.Михайлова О.Э.Методика обучения произношению на специальных факультетах педагогических институтов. М., 1980.

Мавзу бўйича маъруза машғулотининг матни:

1.Умумтаълим мактабларида талаффузга ўргатишнинг мақсад ва вазифалари. Маълумки, ҳар қандай хорижий тилни ўргатиш шу тилдаги товушларини, сўзларни, жумлаларни тўғри талаффуз қилиш қоидаларини ўргатишни кўзда тутди. Талаффузни ўрганиш хорижий тилда гаплашиш, эшитиб тушуниш, ўқиш ва ёзишга ўрганиш жараёнларининг бошланғич нуқтасидир. Хорижий тилдаги сўз, жумла эшитув, кўриш ва нутқ органларининг ҳаракати натижасида содир бўладиган товушлар йиғиндиси орқали англанади. Демак, товуш ва товушлар йиғиндиси - сўзлар, жумлалар, артикуляция ва график тимсолларда ўз аксини топади. Талаффузга ўргатишда бу учала компонент комплекс равишда ишга туширилиши керак.

Талаффузга ўргатишда ўқувчининг тўғри эшитиш қобилиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади. Тўғри эшитиш қобилияти ривожланмаган ўқувчилар ҳатто она тилимизда учрайдиган товуш ва жумлаларни талаффуз қилишда ҳам қийналадилар. Улар учун товушларни махсус дифференциялаштириб ўргатувчи машқлар ташкил қилинади. Демак, бу ўринда гап ўқувчиларининг эшитув-талаффуз малакаларини шакллантириш ҳақида бориш лозим. Эшитув-талаффуз малакалари чет тили ўқитишнинг биринчи йилидаёқ шакллантирила бошланади ва бу малакалар босқичма-босқич такомиллаштирилиб борилади. Дарсларга киритилган лексик-грамматик материаллар билан комплекс ташкил қилинган талаффуз материали ана шу принцип орқали синфлараро тақсимланган. Бошланғич синфда (5-синф) талаффузга ўргатиш ҳар иккала тилда бир хил ёзиладиган, бир хил талаффуз қилинадиган товушлар ва шунга оид лексик материалдан бошланади. Аста-секинлик билан она тилида мавжуд бўлмаган товушлар, фонетик ҳодисалар ўргатила бошланади. Тиллараро фонетик интерференциянинг салбий оқибатларни олдини олиш учун қийин товушларни акустик, артикуляцион жиҳатларини ўрганишга алоҳида эътибор берилади. Бундай интерференция бурунлашган товушларни, ярим унлиларни, liaison, enchainement, élision ҳодисаларини ўргатишда, очиқ ва ёпик, қисқа ва чўзиқ унлиларни фарқлашда, ҳарфнинг сўздаги ҳолатига кўра турли товушларни ифодалашни ўргатишда, сўз охирида ўқиладиган ва ўқилмайдиган ундошларни ўргатишда содир бўлиши мумкин.

Талаффузга ўргатиш, товушлар талаффузига ўргатиш ва нутқ оҳангига ўргатишни ўз ичига олади. Товушлар талаффузи якка ҳолда, сўз ичида ва жумла ичида ўрганилади. Бунинг учун товушни, талаффузни, оҳангни ўргатадиган махсус нутқ намуналаридан (грамматик структуралар, модел гаплардан) фойдаланилади. Нутқ оҳангига (интонацияга) ўргатишда тасдиқ, инкор, сўроқ гап оҳангига ўргатиш кўзда тутилади. Нутқ оҳанглари махсус нутқ намуналари орқали автоматлаштирилади. Фонетик минимум 35 та

товушни, нутқ оқими оҳангини, liaison, enchainement, elision ҳодисаларини ўзлаштиришни кўзда тутди.

Талаффузга ўргатиш юқори синфларда ифодали ўқиш, шеърлар айтиш, гапириш орқали такомиллаштирилади. Мактаб дастурини тамомлаган ўқувчилардан ўз нутқини фонетик жиҳатдан тўғри расмийлаштира олиш, эшитган жумлаларни тўғри идрок эта олиш талаб қилинади.

2.Талаффузга ўргатиш принциплари. Ҳар қандай соҳага ўргатишнинг ўзига яраша қонун-қоидалари бўлганидек, талаффузга ўргатишда ҳам ўқитувчи маълум қонун-қоидаларга риоя қилади. Бу қоидаларга риоя қилиниши таълим жараёнинг самарадорлигини таъминлайди. Улар қуйидагилардан иборат:

1.Талаффузга ўргатишда она тилида шаклланган талаффуз малакаларидан самарали фойдаланиш. Методик адабиётларда бу ҳодиса «малакаларни кўчириш» деб аталади. Шу принцип айрим товушларнинг тақлидий талаффузини шакллантиришда, она тилидаги ва чет тили тилидаги муайян бир товушни талаффуздаги фарқларни аниқлашда, қиёслашда, таққослашда фойдаланилади;

2.Талаффузга ўргатишда барча сезги органларни комплекс ишга тушишини таъминлаш. Бу принцип ўқувчидан товушни эшитишни, унинг график ифодаланишини кўришни, ўз нутқ органларининг ҳолатини кўрган ҳолда муайян товушни, сўз, жумла талаффузини ўзлаштиришни кўзда тутди;

3.Ўрганиладиган фонетик материалнинг ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олиб, ўргатишни энг самарали усулларида танлаш. Бу ўринда нафақат сезги органларига комплекс таъсир, балки ўқувчи фаолиятини самарали ташкил қилиш имконини берадиган, тақлидий-тахминий, дифференциялаштирувчи машқлардан фойдаланиш лозим бўлади;

4.Талаффузга ўргатишда таълимнинг техника воситаларидан, кўргазмали куроллардан кенг фойдаланиш. Бу ўринда лингафон хоналарининг ўрнини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўқувчи ўз талаффузидаги хатони ўзи эшитиб топсагина, бундай хато тезроқ бартараф қилинади. Шу мақсадда паузали машқлардан, фонограммалар, грампластинкалар, видеограммалардан фойдаланиш талаффуз малакаларини шакллантиришга ижобий таъсир қилади. Товушлар тақдимотида жадваллардан, расмлардан, карточкалардан, кўзгилардан фойдаланиш яхши натижа беради;

5.Талаффузга ўргатишни мулоқотга, эшитиб тушунишга, ўқиш ва ёзишга ўрганиш билан комплекс ташкил қилиш.

3.Талаффуз малакаларини шакллантиришдаги йўналишлар.Хорижий тилларни ўқитишда талаффузга ўргатиш уч йўналишда амалга оширилиб келинмоқда:

1. Талаффузга ўргатишда артикулятив ёндашув;
2. Талаффузга ўргатишда акустик ёндашув;
3. Талаффузга ўргатишга дифференциал ёндашув;

Талаффузга ўргатишга артикулятив ёндашув тарафдорлари (И.А.Грузинская, К.М.Колосов, О.А.Норк, А.Н.Рабинович) ҳар бир товуш

бўйича талаффуз малакаларини шакллантиришни, бунда ҳар бир товуш талаффуздаги нутқ органлари ҳолатини яхши билишликни, эшитиш малакаларини- талаффуз малакаларидан ажратиб шакллантиришни таклиф қиладилар. Дарҳақиқат, бундай ҳолатда ўқувчиларда талаффуз малакалари мустаҳкамроқ шаклланади. Бироқ, бу ўринда талаффузга ўргатиш - гапиришга ўргатиш билан қўшиб олиб борилиши ҳақидаги принципга амал қилинмай қолади. Табиийки, талаффузга ўргатишдаги бу ёндашув ўрта мактаб шароитига эмас, кўпроқ чет тили тили фонетикасини махсус курс сифатида ўқитиладиган олий ўқув юртлари дастурга мос келади. Бундан ташқари, мактаб шароитида чет тили ўқув предметида ажратилган соатларнинг озлиги бундай ёндашувдан мунтазам фойдаланиш имкониятини бермайди. Қолаверса, товушларни нутқ жараёнидан ажратиб ўргатилиши, асосий эътибор фонетик машқларга қаратилиши, нутқ фаолиятига комплекс ўрганишга салбий таъсир қилади. Бу ёндашувдан кейинчалик товушлар орқали талаффузга ўргатишда фойдаланса бўлади.

Талаффузга ўргатишда акустик ёндашув тарафдорлари талаффуз малакаларини фақат оғзаки нутқ жараёнида шакллантиришни, бунда асосий эътиборни эшитиш сезгиларни ривожлантирувчи таклидий машқлардан фойдаланишни таклиф қиладилар. Бундай ёндашув ўзаро фикр алмашувга ва нутқ малакаларини эгаллашга кўпроқ эътибор берилиши билан коммуникатив ёндашув принципларига мос келади. Фақат товушларни нутқ вазиятларига мос келадиган коммуникатив топшириқлар орқали ўзлаштирилиши талаб қилинади, ҳолос. Айрим методист олимлар акустик ёндашувда (табиийки коммуникатив ёндашувда ҳам) эшитиш қобилияти яхши ривожланмай қолган ўқувчиларда айрим қийин товушлар, фонетик ҳодисалар бўйича талаффуз малакалари тўғри шаклланмай қолиши мумкинлигини, таклидий машқлар бажаришда кўпроқ нутқий кўникма ва малакалар шаклланишига эътибор берилиши туфайли, айрим товушларнинг артикуляцияси, акустикаси тил нормаларига мос келмай қолиши мумкинлигини таъкидлайдилар. Уларнинг бу эътирозларига асосий мақсад ўқувчиларни ўзаро мулоқатга ўргатиш бўлган ҳозирги шароитда қўшилиш қийин. Зеро, талаффузда йўл қуйилган хатолар муносабат билдиришга, информация узатишга ҳалақат қилмайди ва бундай камчиликлар кўп марталик такрор жараёнида тўғриланиши кўзда тутилади.

Талаффузга ўргатишда умумметодик принцип ҳисобланувчи дифференциал ёндашув яхши натижалар беради. Бунда талаффузга ўргатиш таълим босқичларига, тил материалининг осон-қийинлигига, таълим шароитига кўра ташкил қилинади ва таълим самарадорлигини таъминлаш учун турли метод ва усуллардан, машқлардан фойдаланиш кўзда тутилади.

Дифференциал ёндашув талаффуз малакаларини шакллантиришда қуйидаги принципларга риоя қилишни талаб қилади:

- 1.Ўзлаштирилиши қийин фонетик ҳодисаларни ҳамма анализаторларни (сезги органларини) ишга туширилган ҳолда индивидуал ўзлаштиришни ташкил қилиш;

- 2.Товушларни мулоқат жараёнида эшитиб тушунишга ва айни пайтда

талаффуз кўникма ва малакаларини шакллантиришга кўпроқ эътибор бериш;

3. Ҳар бир дарснинг бошланишида ўрганилган товушларни мустаҳкамлайдиган, кичик шеърлар ва тез айтишларни, мақолларни бутун синф бўлиб такрорлаш орқали фонетик машқ (фон. зарядка) уюштириш.

Фонетик машқ (зарядка) уюштиришдан асосий мақсад ўзлаштирилган товушлар, сўзлар, жумлалар, **liaison, enchainement** ҳодисаларини дарснинг бошланишида такрорлатиш, бу орқали фонетик, лексик, грамматик қоидаларни яна бир бор ўқувчи хотирасида тиклаш, ўқувчиларни чет тили дарсига ҳозирлашдир.

Фонетик машқ (зарядка) ўқитувчи-синф, ўқитувчи-ўқувчи-синф, ўқувчи-синф режимида хор, ёки индивидуал талаффуз қилинадиган тил материали орқали уюштирилади. У одатда жадвалга ёзилган фонетик машқ ёки фонограмма, ёдлашга берилган феъллар, рол ижро этиб бажариладиган ўйинлар орқали амалга оширилади. Жадвалда янги товушларни ифодаловчи ҳарфлар алоҳида кўриниб туришлари учун қизил рангда ёзилади. V-VI синф дарсликларида ҳар бир дарснинг бошида бажариш учун ана шундай махсус машқлар берилганки, уларнинг ҳар бири келгуси дарс учун фонетик зарядкага материал бўла олади.

Фонетик машқ (зарядка) матни ўқувчиларга кўринадиган, уларнинг диққатини тортадиган даражада чиройли ёзилиши лозим. Бошланғич синф ўқувчилари фонограмма орқали уюштиладиган фонетик зарядкани кузатиб бажаришлари учун кўриш анализаторларига таъсир қиладиган жадвалдан, ёки китоб матнидан фойдаланишлари мумкин. Бошланғич курснинг дастлабки 40-50 машғулотида фонетик зарядка ўтказиш мажбурий тус олгани маъқул. Кейинчалик уни ҳафтада бир марта шеърлар, тез айтишлар, янги сўзлар, янги нутқ намуналари, навбатчининг ахбороти каби шаклларда давом эттириш мумкин. Фонетик зарядкага дарснинг 3-5 минути ажратилади.

4. Дарс жараёнида шакллантирилган талаффуз кўникмаларини ўқув лабораториясида ва ўйга вазифа сифатида бажариладиган ёзма ишлар билан ўч қарра ташкил қилиб мустаҳкамлаш.

Лаборатория машқлари махсус жиҳозланган компьютерли лингафон кабинетиди, таълимнинг барча техник воситаларидан фойдаланиб, фонограмма, видеограммалар ёрдамида ташкил қилинади ва бу машқлар ўқувчилар томонидан индивидуал равишда бажартирилади. Лаборатория машқлари ўқитувчи раҳбарлигида дарс жараёнида ёки дарсдан ташқари вақтларда ташкил қилинади. Бирор товуш ёки жумла талаффузини, оҳангини ўзлаштиришда қийналган ўқувчилар ҳам ўқитувчидан лабораторияда индивидуал ишлаш учун махсус топшириқ оладидар. Фонограмма, видеограмма машқлари асосан **паузали машқлардан** иборат бўлади. Бунда дастлаб топшириқ эшиттирилади, берилган паузада ўқувчи уни бажариши ва паузадан кейин эшиттириладиган тўғри жавобдан ўз жавобини тўғрилигини текшириш лозим.

Талаффуз малакаларини шакллантиришга йўналтирилган лаборатория машқлари асосан биринчи-иккинчи йил чет тили ўрганаётган ўқувчиларга

мўлжалланади. Кейинги босқичларда талаффуз малакалари ифодали ўқиш, шеърлар, машқлар, тез айтишлар ёдлатиш орқали такомиллаштирилиб борилади.

Ўзлаштириши қийин, тиллараро интерференцияга оид товушлар акустик, артикулятив ёндашув қоидаларига биноан тушунтирилади ва ўзлаштириш ташкил қилинади. Бунда ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси, қизиқиши, индивидуал хусусиятлари ҳисобга олиниб, махсус машқлар бажартирилади.

Талаффуз малакаларини шакллантириш биринчи машғулотлардаёқ дарсни чет тилида олиб боришни кўзда тутати. Табиийки, бунда ҳар бир жумла маълум нутқ вазияти орқали тақдим қилинади. Тушунилиши қийин бўлган, биринчи бор тақдим қилинган хорижий жумлалар амалий таржимаси билан тақдим қилинади. Кундалик мулоқот жараёнида жумлалар дарсма-дарс кўпайтирилиб борилади. Махсус бир товуш талаффузини шакллантириш, айрим товушларни кўпроқ такрорлаш асосида қурилган махсус машқларни эшитиб тушуниш жараёнида ташкил қилинади.

Дарсликдаги бундай машқлар нафақат эшитиб тушуниш учун, балки ўқитувчи талаффузидан кейин тақлид қилиб такрорлаш ва тўғри ўқиш учун ҳам хизмат қилади.

5.Талаффуз кўникма ва малакаларини шакллантириш усуллари.Ўқувчиларнинг талаффуз малакалари лексик ва грамматик малакалар билан комплекс равишда дарсда ва лаборатория машғулотлари жараёнида бажартириладиган машқлар ва қўйидаги усуллар билан амалга оширилади:

1.Ҳар бир дарсни хорижий тилда олиб бориш, янги жумлалар сонини ҳар дарсда кўпайтириб бориш;

2.Ҳар бир дарс бошида аввал ўрганилган талаффуз материали юзасидан фонетик машқ (зарядка) уюштириш;

3.Ўқитувчи товушни талаффуз қилади, ўқувчилар шу товушни ифодаладиган ҳарф бирикмалари ёзилган карточкаларни кўрсатадилар;

4.Ўқитувчи ҳарф бирикмалари ёзилган карточкани кўрсатади, ўқувчилар бу ҳарфлар ифодалаган товушни кўрсатадилар, ёки хор бўлиб такрорлайдилар;

5. Ўқувчилар сўзларни эшитадилар ва кўрсатилган товушни эшитиб, қўл кўтарадилар;

6.Ўқувчилар эшитадилар ва ва кўрсатилган товуш неча марта ишлатилганини аниқлайдилар;

7.Ўқувчилар сўзлар ичидан кўрсатилган товушларини, жумлаларни алоҳида ажратиб ёзадилар;

8.Берилган сўзларни товуш-ҳарф таҳлилини қиладилар;

9.Товушлар фарқини аниқлаб, талаффуз қилишига ўргатувчи дифференциал машқларни бажариш ва бу жараёнда нутқ органлари ҳолатига эътибор бериш;

10.Диктордан, грампластинкадан, ўқитувчидан эшитган товушни,

жумлани тақлид қилиб такрорлаш ва нутқ органи ҳолатини кузатиш;

11. Диктордан, грампластинкадан, ўқитувчидан жусфт бўлиб ишловчи шериgidан эшитган жумла талаффузини тақлидан такрорлаш, трансформация қилиб ва аввал ўрганилган жумлалардан фойдаланиб, репродуктив машқ жараёнида такрорлаш;

12. Эшитилган жумлани намунага қарамасдан такрорлаш;

13. Эшитилган жумлани оҳангини аниқлаш (тасдиқ, сўроқ, инкор гап.);

14. Сўроқ гап оҳангига тақлид қилиниш;

15. Тасдиқ, инкор гап оҳангига тақлид қилиниш;

16. Матндаги сўз, жумлалар ичидан ўқитувчи талаффуз қилган сўзни, жумлани топиб қўл кўтариниш ва ўқиниш;

17. Эшитилган сўз ва жумлаларни транскрипция (юқори синфларда) қилиниш;

18. Товушларни она тилидаги товушлар билан қиёслаш ;

19. Намуна диалогни эшитиб, тақлид қилиб такрорлаш;

20. Намуна диалог матнини эшитмасдан ўқиш;

21. Намуна диалогга қараб ўз диалогини тузиш;

22. Намунага қараб муайян товушни мустаҳкамловчи гап таркибини кенгайтириш машқларини бажариш;

Намуна: **je vais .**

je vais à la maison.

je vais à la maison avec mon ami.

je vais à la maison avec mon ami pour faire nos devoirs.

23. Шу машқни намунага қарамасдан ўқитувчидан кейин такрорлаш;

24. Шу машқни мустақил бажариш;

25. Айрим товушлар талаффузини шакллантириш ва мустаҳкамлашда шеърлар, тез айтишлардан фойдаланиш, уларни ёд олдириш.

Намуна: **Un, deux, trois,**

Chaud, n'est pas froid.

Enfants silence,

La leçon commence!

I, S товушларини мустаҳкамлаш учун тез айтиш машқи:

Si six scies scient six cigares, six cent six scies scieront six cent six cigares.

Ch, S товушлари учун тез айтиш машқи:

Un chasseur sachant chasser, doit savoir chasser sans chien.

g- товуши учун:

C'est une originalité qui ne se desoriginalisera jamais de son originalité.

Талаффузга ўргатувчи машқлар тақлидий ва тахлилий бўлиши мумкин. Коммуникатив топшириқ ичидаги фонетик, лексик бирликларнинг мазмунини тушунган ҳолда, бирор бир намунага қараб ўзлаштирилишига тақлидий ўзлаштириш дейилади. Тахлилий усул аксинча, онгли равишда мантикий фикр юритишни талаб қилади. Тақлидий усул тахлилий усулсиз

қўлланилса, ўқув материали онгсиз, тушунилмасдан ўзлаштирилади. Тақлиддан сўнг ўрганилган товушнинг график ифодаланишини ҳам таҳлил қилиб ўрганилса, бундай малака мустаҳкам бўлади. Ўқувчиларнинг талаффуз малакаларини шакллантиришда фақат ўқитувчи талаффузи этолон бўлиб қолмаслиги учун талаффузга ўргатишда диктор, ёки хорижий киши ижросидаги фонограмма ва видеограммалардан кенг фойдаланиш зарур.

6.Мулоқотни ўргатиш жараёнида талаффузга ўргатиш дарсининг методик характеристикаси. Мулоқотни ўргатиш жараёнида талаффуз кўникма ва малакаларини шакллантиришда муайян фонетик, лексик, грамматик материални ўз ичига олувчи коммуникатив топшириқларни жуфт ёки гуруҳ бўлиб бажариш самарадор усул сифатида тан олинмоқда. Бунда топшириқни бажариш жараёнида бир йўла фонетик, лексик, грамматик, тинглаб тушуниш кўникма ва малакаларини комплекс шакллантириш ва ривожлантириш кўзда тутилади.

Талаффуз кўникма ва малакаларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг коммуникатив усули деб тан олинаётган бу ёндашув бугунги кундаги чет тили ўқитишнинг асосий мақсади – мулоқотга ўргатиш принципларига асосан уюштирилади. Масалан, хорижий тил мутахассислик сифатида ўргатиладиган олий ўқув юртларида амалий фонетика дарсларида товушларнинг нутқий органларнинг ҳолатига кўра акустик усулларда ўргатиш сўз ва жумлалар талаффузининг коммуникатив топшириқлар бажартириш билан қўшиб олиб борилади.

Мулоқот жараёнида янги сўзларни ва коммуникатив топшириқларнинг талаффузига ўргатиш уч босқичда ташкил қилинади:

Биринчи босқичда эшитилган янги сўз ёки коммуникатив топшириқнинг талаффузи, график ифодаланиши, унинг лексик, грамматик, синтактик белгилари, талаффуз тимсоллари билан таништирилади, идрок қилинади ва дастлабки кўникмалар шакллантирилади.

Иккинчи босқичда сўзнинг бошқа сўзлар билан бирикуви, янги сўз билан жумла яшаш машқлари амалга оширилади, янги сўз иштирогида тузилган коммуникатив топшириқни бажариш усуллари тушунтирилади.

Учинчи босқичда ўқувчилар жуфтликларга бўлинади ва уларнинг коммуникатив топшириқларни мустаҳкамлаш фаолияти ташкил қилинади. Топшириқларнинг ҳар бири кўп марталик такрорга асосланган, топшириқни ўзаро савол жавоб жараёнида кафолатли ўзлаштиришга йўналтирилган тақлидий(имитация), трансформацион, репродуктив машқлар орқали ташкил қилинади.

Бу жараёнда коммуникатив топшириқ ичидаги фонетик, лексик, грамматик синтактик дифференциал белгилар идрок қилинади ва фикр алмашув жараёнида мустаҳкамланади. Машқларни бажариш жараёнида таянч ва аудио-визуал воситаларнинг барча турларидан кенг фойдаланилади.

Бу жараёнда шакллантириладиган талаффуз кўникмалари лексик, грамматик, тинглаб тушуниш, мулоқотга киришув кўникмалари билан чамбарчас боғлиқлиги таъминланади.

Топшириқларни мустаҳкамлашда талаффуз равонлигини, ўқувчиларнинг қувноқ кайфиятини, фаоллигини таъминлайдиган эмоционал таъсир воситаларидан бири - коммуникатив топшириқни ўқувчилар севиб тинглайдиган бирор ашуланинг мусиқа садолари остида куйлашга ўргатишдир. Бундай «куйлаш» ўқувчилар жуфтликлари орасида ёки бутун синф ўртасида дастлаб шивирлаб, кейин овоз чиқариб уюштирилади. Қувноқ мусиқа жараёнида ўрганиладиган жумланинг талаффузи, ифодалаган маънолари осон ўзлаштирилади, турли имо-ишоралар (пантомима) орқали кўрсатилиши эса нутқ машқини кизиқарлилигини таъминлайди.

Шакллантирилган дастлабки талаффуз, лексик, грамматик, тинглаб тушуниш кўникмалари ўқув лабораториясида ташкил қилинадиган паузали коммуникатив машқларни бажариш жараёнида ва уйга вазифани ёзма бажариб келиш орқали ўч бора мустаҳкамланади.

Шакллантирилган фонетик, лексик, грамматик, тинглаб тушуниш кўникмалари ва малакалари навбатдаги машғулотда жуфт ёки гуруҳ бўлиб ишлаш орқали текширилади ва баҳоланади.

Талаффузга ўргатиш дарсини режалаштиришнинг намунавий технологик харитаси

<i>Дарс босқичлари ва вақти</i>	<i>Ўқитувчи фаолияти</i>	<i>Ўқувчилар фаолияти</i>
<i>1.Дарсинг ташкилий дақиқаси (5 дақиқа)</i>	Саломлашув. Блиц саволлар. Фонетик зарядка.Тез айтишлар. Дарсинг мақсад ва вазифаларини, кутиладиган натижаларини баён қилади.	Ўқувчилар тинглайдилар ва кўрсатмаларни бажарадилар.
<i>2 - Асосий босқич (12 дақиқа) Тушунтриш босқичи</i>	2.1.Талаффузга ўргатиладиган товушни ўқитувчининг ўзи талаффуз қилиб кўрсатади. Ўқувчилар аввал хор бўлиб, кейин занжир усулида товушни такрорлайдилар. Шундан сўнг ўқитувчи товушнинг график ифодаланиши кўрсатади. Ўқувчилар уни хор бўлиб такрорлайдилар. 2.2. Ўқитувчи янги товуш ёзилган сўзни кўрсатади ва уни ўқишни таклиф қилади. 2.3.Ўқитувчи янги сўзни аввал ўрганилган лексик бирликларга кўшиб, иборалар ясашни таклиф қилади 2.4. Ўқитувчи ясалган жумлани аввал инкор формада, кейин сўроқ формада туслашни таклиф қилади. Иш аввал жуфтликлар аро, кейин гуруҳлар аро ташкил қилинади. 2.5.Жумлани ўрганилган замонларда гапиришни машқ қилдириш. Ўқитувчи бу жараёнда сўз ва жумлаларда товуш	1.1Тинглайдилар ва ёзиб оладилар, бажарадилар. 2.2.Ўқийдилар. 2.3.Иборалар ясайдилар. 2.4.Жумлани жуфтликларда, гуруҳларда кўп марталик такрор орқали туслайдилар 2.5.Жумладаги феълни жуфт ва гуруҳ бўлиб турли замонларда оғзаки туслайдилар 2.6. Тинглайдилар ва ёзиб оладилар.

	талаффузидаги йўл қуйилган хатоларни тўғрилайди. 2.6. Барча ўқувчилар томонидан ўргатилган товуш яхши ўзлаштирилганлигига ишонч ҳосил қилгач, товушнинг талаффуз қоидаларини тушунтиради ва ёздиради.	
3.Мустаҳкамлаш босқичи (20 дақиқа)	3.1Топшириқни тушунтириш.Ўқитувчи мулоқот мавзуси асосида тузилган, янги товушни ўз ичига олган жуфт бўлиб ишлашга мўлжалланган коммуникатив топшириқларни бажариш йўллари, талаффуз қоидаларини кўрсатади. Топшириқ ҳар бир жуфтликка таржимасиз тушунилиши учун жумлани гапириш жараёнида аудио-визуал, новнрбал ва эмоционал таъсир воситаларидан фойдаланади., ва жуфтлик аъзоларига нутқий ҳаракатларни худди ўзи каби бажаришни тушунтиради. 3.2. Топшириқни бажариш жараёнида талаффузни мустаҳкамлаш. Ўқитувчи ҳар бир жуфтликка коммуникатив топшириқлар ёзилган карточкаларни тарқатади ва ҳар бир топшириқни кўп марталик такрор асосида жуфтликлар аро 3 дақиқа жараёнида савол-жавоб орқали мустаҳкамлашни топширади. Бу жараёнда ўқитувчи жуфтликлар аро юриб уларни топшириқни бажаришини кузатади, лозим бўлса хато ва камчиликларни тўғрилайди, топшириқ ўзлаштирилишига ишонч ҳосил қилгач, биринчи ва иккинчи ўқувчи вазифасини бажарувчиларнинг ўрнини алмаштиради. Мустаҳкамлаш жараёнида ўқитувчи 6 тадан 10 тагача мулоқот топшириғини тушунтириб, уни жуфтликлар аро кўп марталик такрор орқали мумтаҳкамлашни ташкил қилиш мумкин.	3.1.Ҳар бир жуфтлик аъзоси ўзи бажарадиган нутқий ҳаракатларни бажариш йўллари, эгаллаб олади. 3.2.Ўқувчилар аввал карточка ларга қараб, кейин қарамасдан карточкада ёзилган кўрсатмани бажариб, кўп марталик такрор орқали нутқий ҳаракатларни эгаллайдилар. Ўқитувчининг кўрсатмаси асосида вазифаларини алмаштириб, топшириқ асосида савол ва жавоб беришни ўзлаштириб оладилар. Барча коммуникатив топшириқларни шу усулда бажарилиши уларни ўрганилган товушни коммуникация жараёнида ўзлаштиришларига олиб келади.
4.Дарсинг якуний босқичи (3 дақиқа)	Эришилган натижаларни баён қилади.Мустақил иш ва уйга вазифани тушунтиради.	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар.

3.ЛЕКСИК МАТЕРИАЛНИ ТУШУНТИРИШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ ДАРСНИИ ТЕХНОЛОГИЯЛАШТИРИШ

Маъруза машғулотнинг технологик харитаси

Машгулот вақти 80 минут	Талабалар сони 15 - 50 нафаргача
Машгулот шакли:	Ахборот бериш асосидаги кириш маърузаси
Маъруза режаси:	1.Умумтаълим мактабларида лексик кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг мақсад ва вазифалари . 2.Лексикага ўргатиш принциплари . 3.Лексик малакаларини шакллантиришнинг анъанавий ва коммуникатив йўналишлари. 4.Лексик малакаларини шакллантириш усуллари.
Ўқув машгулотининг мақсади: Талабаларда лексикага ўргатиш дарсининг мақсад ва вазифалари, принциплари, йўналишлари, лексикага ўргатиш дарсини ташкил қилишнинг лингво методик талаблари ҳақида кўникма ва билимларни шакллантириш.	
Педагогик вазифалар: Лексикага ўргатишнинг мақсади ва вазифаларини, принциплари, усуллари, бундай дарснинг ташкил қилиш шакл ва усуллари борасида педагогик малакалар шакллантириш.	Ўқув фаолияти натижалари: Лексикага ўргатишнинг мақсади ва вазифаларини, принципларини, лексик малакаларини шакллантиришнинг метод ва усуллари эгаллаб олиш.
Таълим бериш усуллари:	Кўргазмали маъруза, суҳбат, тақдирот, тушунтириш.
Таълим бериш шакллари:	Оммавий, гуруҳ бўлиб ўрганиш.
Таълим бериш воситалари:	Ўқув қўлланма, проектор, электрон доска.
Таълим бериш шароити:	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория.
Мониторинг ва назорат:	Оғзаки назорат: савол- жавоб.

Машгулот босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
1.Ташкилий дақиқа (5 дақиқа)	Мавзу номини , мақсади ва вазифаларини, маъруза машгулотидан кутиладиган натижаларни, мавзу бобларини эълон қилиб, уларнинг ҳар бирида қандай методик вазифалар ҳал этилишини тушунтиради .	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар.
2 - Асосий босқич (70 дақиқа)	2.1. Мавзуни ҳар бир қисмини тушунтиради. 1.Умумтаълим мактабларида лексик кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг мақсад ва вазифалари . 2..Лексикага ўргатиш принциплари. 3.Лексик малакаларини шакллантиришнинг анъанавий ва коммуникатив йўналишлари. 4.Лексик малакаларини шакллантириш усуллари . 2.2 Ҳар бир боб якунида блиц саволлар уюштирилади. 3.3.Ўқувчилар берган саволларга жавоб	2.1Тинглайдилар ва ёзиб оладилар. 2.2Жавоб берадилар. 2.3.Савол берадилар.

	беради.	
3.Якуний босқич (5 дақиқи)	3.1. Мавзу бўйича эришилган натижаларни баён қилади. 3.2. Мавзу бўйича мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар беради, уларни бажариш йўллари кўрсатади.	3.1.Тинглайдилар. 3.2.Вазифани ёзиб олади.

Мавзу бўйича маъруза машғулотининг матни:

1.Лексик кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг мақсад ва вазифалари. Чет тили ўқитиш жараёнида мулоқатга ўргатишда лексика асосий мақсадни амалга оширувчи воситадир. Дастурда ҳар бир босқич учун лексик минимум сони кўрсатилган. Дастур талаби бўйича умумтаълим мактабини, коллеж ва лицейни тугаллаган ўқувчилар ўз нутқ фаолиятларида 1000 та лексик бирликни мулоқот жараёнида эркин ишлата олишлари лозим. Янги сўзларни ўзлаштириш, мустаҳкамлашда 6-10 тагача сўзларни ўргатиш тавсия қилинади. Дастур талаби бўйича нутқ фаолияти турларига ўргатиш – оғзаки нутқ – ўқиш - ёзувга ўргатиш кетма-кетлигида ташкил қилинади. Шу сабабли ўқувчилар янги лексикани олдин оғзаки нутқда ўрганадилар, ёки оғзаки нутқнинг лексик томони ўргатилади. Кейин бу янги сўзлар ўқиш ва ёзма нутқда ўзлаштирилади, мустаҳкамланади.

2.Янги лексикага ўргатиш принциплари. Мулоқот кўникма ва малакаларини шакллантиришда янги лексикага ўргатиш қуйидаги принциплар асосида ташкил қилинади:

- 1) Мулоқот жараёнида сўзнинг қайси сўз туркумига киришлигини, унинг родларда, шахслардаги, замонлардаги шаклини ўзлаштириб олиш;
- 2)Мулоқотда сўзнинг қайси мулоқот мавзусида ишлатилишини билиб олиш (дастур мавзуи);
- 3)Мулоқотда сўзнинг қўшимчалар орқали янги сўз ясаш имкониятини ўрганиб олиш;
- 4)Мулоқотда сўзнинг гап тузишда иштирок эта олиш имкониятини ўрганиб олиш;
- 5) Сўзнинг кўп маъноли бўлишлигини ўрганиб олиш;
- 6) Сўзни синонимлари, антонимлари билан алмаштиришни ўрганиб олиш;
- 7) Мулоқот жараёнида лексик бирлиенинг талаффузини, грамматик-морфологик хусусиятларини ўрганиб олиш.

Танланган лексика умумтаълим мактабининг ҳар бир синфи учун белгиланган лексик минимумини ташкил қилади. Танлаб олинган лексика асосида дастурлар ва ўқув қўлланмалари, коммуникатив топшириқлар тузилади. Муайян мавзуларни ўргатишда шу мавзу асосида яратилган матн 6- 10 тагача янги сўзлардан иборат бўлишлиги ва улар коммуникатив вазиятларда, мулоқот топшириқлари орқали ўзлаштирилиши кўзда тутилади.

3.Лексик малакаларини шакллантиришнинг анъанавий ва коммуникатив йўналишлари. Лексик бирликлар орқали мулоқот кўникма

ва малакаларини шакллантириш ва мустаҳкамлашни **анъанавий метод ва усулларда, аралаш метод ва усулларда ва коммуникатив метод ва усулларда** ташкил қилиниши мумкин.

Анъанавий ўқитиш методикасида янги лексикани тушунтириш ва амалда қўллаш ўқувчиларнинг уч босқичли фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришни орқали уюштирилади:

1–босқичда ўқитувчи янги сўзларни тушунтиради.

2-босқичда уларни жумлалар ичида қўллашни машқ қилдиради.

3–босқичда уларни эркин нутқ вазиятида қўллашни машқ қилдиради..

Янги лексикани тушунтириш анъанавий ўқитиш методикасида унинг шаклини ўрганишдан бошланади. Сўзни шакли деганда унинг кўриниши, ёзилиши, ўқилиши, талаффуз қилиниши тушунилади. Янги лексикани ўргатиш унинг маъносини очишдан, яъни тушунтиришдан бошланади.

Бу асосан икки усулда : **а) Таржима орқали тушунтириш; б) Таржимасиз тушунтириш орқали** амалга оширилади.

а) Янги сўзни таржима орқали тушунтириш 3 усулда ташкил қилинади:

1-усул: чет тилича сўзнинг маъносига мос келадиган асосий маъносини, ёки мос келадиган эквивалентини тўғридан-тўғри она тилида оғзаки бериш ёки доскада таржимасини ёзиб қўйиш;

2- усул: сўзнинг иккита маъносини бериш;

3-усул: таржима – изоҳ, орқали сўз маносини очиш. Одатда чет тилида сўзнинг маъноси она тилидаги сўз маъносидан тор ёки кенг бўлса, тўлиқ маънога мос келмаса, она тилида изоҳ берилади. Бу усул зарурият туғилганда, синфда ўқувчи кўп бўлганда, сўз маъносини таржимасиз очиш мумкин бўлмаганда, маъноси очиладиган сўз кўп бўлиб, вақт кам бўлганда қўлланилади.

б) Таржимасиз тушунтириш: Бунда тил, нутқ кўргазмасидан кенг фойдаланилади. Бу усулни қўллаш сўз маъносини чет тилининг ўз воситалари орқали очишдир. Бунда чет тилидаги контекстдан, нутқ вазиятидан, сўз ясовчи қўшимчалардан, сўзнинг келиб чиқишини таҳлил қилишдан, қўшимчалардан, синоним, антонимлардан фойдаланиб ўқувчиларнинг ўзларига сўзнинг маъносини фаҳмлаб топишдан, байналмилал сўзларни таний олишликларидан кенг фойдаланилади.

Сўз маъносини очишнинг коммуникатив усуллари айнан таржимасиз тушунтириш ва кўрсатишга асосланади. Бунда қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

1) Сўз ифодаловчи маъно предмет ёки расмни, ҳаракатни кўрсатиш орқали амалга оширилади. Бунда дастлаб сўзнинг талаффузи ўрганилади. Шундан сўнг ўқитувчи сўзнинг график ифодаланишини кўрсатади. Ўқувчилар уни бир неча бор ўқийдилар. Ўқитувчи ўрганилган сўз билан аввал ўрганилган сўзларни қўшиб иборалар ясашни буюради. Кейин бу иборалар билан жумлалар яшаш, уларни тасдиқ сўроқ, инкор формаларда гапириш машқ қилинади. Бундай машқ ўқувчилар жуфтликлари, гуруҳлари

орқали ташкил қилинади. Шундан сўнг ўқитувчи кичик гуруҳларга матндан янги сўз қўлланилган жумлани топишни ва уни шахсларини, замонларини ўзгартириб гапиришни ташкил қилади. Бундай фаолият жараёнида ўқувчилар янги сўзнинг талаффузини, лексик-грамматик маъносини, уни гап структурасидаги ўрнини ўзлаштириб оладилар.

2) Сўз маъносини ўқитувчининг юз кўриниши, имо-ишораси, ҳаракати орқали фаҳмлаб топтириш. Масалан, **asseyez-vous!** деб ўқитувчи қўлини пастга тушириши - ўтиришни, **levez-vous!** деб қўлини юқорига кўтариши-туришни, **je frappe la table** деб столни тақиллатаётганини кўрсатиши мумкин;

3) Сўз маъносини чет тилида изоҳлаш. Масалан: **la cuisin - c'est la chambre où maman prépare le dîner, l'anniversaire - c'est le jour de la naissance**.

4) Сўзнинг маъносини контекстдан фаҳмлаб топтириш;

5) Сўз ясаш қўшимчалари ёрдамида янги сўз маъноси топиш. Бу ўринда ўқитувчи ўқувчилар аввал ўзлаштирган сўзлардан фойдаланиши лозим. Масалан, ўқувчилар **l'école** сўзини аввалдан билишлари ҳисобга олиниб **un écolier, une écolière** сўзларини сўз ясовчи қўшимчалари орқали янги маъно ифодаловчи от ясалаганлигини фаҳмлаб оладилар. Бу ўринда ўқитувчи «Ўйланг-чи, сиз билган негздан қандай маъно ифодаловчи от ясалган?» деб, ўқувчиларни фикрлашга йўллайди;

6) Аввал ўрганилган синоним, антонимлардан фойдаланиш орқали янги сўз маъноси очиш. Масалан, ўқувчилар **la chambre** сўзини аввалдан биладилар, бугун сиз **la pièce** сўзинининг маъносини очмоқчисиз. Бунинг учун ўқитувчи «**C'est la chambre de Nicole - c'est la pièce de Nicole**» жумлаларини айтиб, ҳар иккала сўз бир хил маъно англатишини кўрсатади;

7) Янги сўз маъноси нутқ вазиятлари орқали ҳам очилиши мумкин. Нутқ вазияти битта гапдан ёки бир неча гапдан иборат бўлиши мумкин. Агар биз сўзни вазиятга мос ҳолатда, жараёнида ишлатсак, унда биз уни нутқ вазиятида қўллаган бўламиз. Масалан, **fermer** феълининг маъносини куйидаги нутқ вазиятида очиш мумкин: **Aujourd'hui il fait très froid. Il faut fermer la fenêtre.**

8. Юқоридаги усуллардан фойдаланиш имконияти бўлмаган ҳолларда янги сўз маъноси она тилига таржима орқали тушунтирилади.

Ҳар бир сўз маъноси таржимасиз ёки таржима орқали тушунтирилганида худди биринчи ҳолатдагидек унинг график ифодаганиши кўрсатилиши, лозим бўлса товуш-ҳарф таҳлили ўтказилиб талаффузи шакллантирилиши, янги сўз билан иборалар, жумлалар ясаш, янги сўз ишлатилган жумлани матндан топиб, трансформация қилиш машқларини бажартириш орқали дастлабки лексик ва нутқ кўникмалари шакллантирилади. Кейинги дарс босқичида янги сўзлар орқали ясалган коммуникатив топшириқларни жуфт ва гуруҳ бўлиб бажариш дастлабки лексик кўникмаларни янада мустаҳкамлайди.

Янги лексика маъносини очишда таржимасиз усулдан фойдаланишнинг

қуйидаги афзалликлари бор:

- 1) ўқувчиларни мустақил фикрлашга, ўйлашга ўргатади;
- 2) ўқувчилар доим чет тили тили муҳитини сезиб турадилар. Бу чет тилича гапиришга рағбатлантиради;
- 3) янги лексика билан бирга ўқувчилар гап тузилишни, моделларини ўрганадилар;
- 4) сўз маъносини таржимасиз очишда турли хил кўргазмалардан фойдаланиш ўқувчиларни чет тили дарсига қизиқтиради, гапиришга рағбатлантиради;
- 5) бу усул орқали янги лексика маъносини очилганида ўқувчилар предметларни, нарсаларни кўриб, сезиб, онгли тушунадилар;
- 6) ўқувчи ўз нутқини доимий ривожлантириб бориш имкониятига эга бўлади;
- 7) ўқувчилар янги сўз маъносини очиш жараёнида лексикани кўлланилишини кўрадилар, ўқийдилар, ўзлаштирадилар.

Ҳар бир янги сўз тушунтирилгач, уни дастлабки мустаҳкамлаш машқлари бажарилади. Машқлар синфда оғзаки равишда янги сўзга иборалар топиш, янги сўзлар билан жумлалар тузиш, жумлаларни турли замонларда тасдиқ, сўроқ, инкор формаларда мустаҳкамлаш орқали ташкил қилинади.

Янги сўзни ўзлаштириш деганда сўзни хотирада сақлай олиш, керакли жойда ишлати билиш, қўллай олиш тушунилади. Шу сабабли янги сўзларни мулоқот мавзуси асосида тузилган коммуникатив топшириқлар орқали мустаҳкамлаш зарурати пайдо бўлади. Сўзларни мулоқот жараёнида жумла ичида кўп марталик такрорлаш, бу жараёнда аудиовизуал, новербал ва эмоционал таъсир воситаларидан фойдаланиш янги сўзларни ўзлаштиришнинг энг яхши усулидир.

Янги лексикани коммуникатив ёндашув орқали тушунтириш ва мустаҳкамлашни ташкил қилишда анъанавий ўқитиш жараёнида кўлланиладиган қуйидаги усуллардан ҳам ижодий фойдаланиш мумкин.

- 1) янги сўзларни таниб олиб, улар орқали кўрсатмаларни бажариш;
- 2) ўқитувчи предмет ёки ҳаракатни атайди, ўқувчилар расмдан кўрсатади;
- 3) ўқитувчи сўзни она тилида атайди, ўқувчилар уни матндан топиб, ўқиб берадилар;
- 4) ўқитувчи янги сўзга савол қўяди, ўқувчилар матндан жавоб берадилар.
- 5) янги лексикани намуна орқали такрорлаш, ўқитувчи намуна гапни кўрсатади, ўқувчилар намунадаги сўзлар ўрнига янги сўзни қўядилар;
- 6) берилган намуналар асосида гаплар тузиш;
- 7) савол-жавоб машқлари;
- 8) берилган структура асосида гапларни давом эттириш. Янги лексикани мустақил ишлатиш (намунасиз). Бунга савол-жавоб машқлари, таржима, бир-бирига боғлиқ бўлган гапларни, сўзларни гуруҳлаштириш, турли хил нутқ вазиятлари туздириш машқлари киради. Ўқитувчининг вазифаси ўқувчилар

янги сўзларни пухта ўзлаштиришлари, мустаҳкамлашлари учун қандай метод, усуллардан, воситалардан фойдаланишни аниқлаш, сўзни оғзаки нутқда қўллашга ўргатиш учун нечта ва қандай машқлар ва уларни қандай тартибда бажартиришни ҳал қилишдир.

Янги лексикани мустаҳкамлаш ўқувчиларда мулоқот кўникма ва малакаларини шакллантириш билан қўшиб олиб борилади. Бунда пухта ўзлаштириш учун тематик расмларга, диафильмларга қараб гапиртириш, матн устида савол-жавоб ўтказиш, чет тилида матн мазмунни гапиртириш, баъзан чет тилидан она тилига тиржима қилдириш (ёзма) машқларидан фойдаланилади.

Сўз маъносини ўзлаштирилганлигини текшириш учун махсус ёзма ишлар, тестлар уюштирилади. Шунинг учун сўзларни синоним, антонимларини топтириш, таржима қилдириш машқлари қўлланилади.

Назорат ва баҳолашда: 1) берилган сўзлар асосида гаплар туздириш, савол-жавоб қилдириш; 2) расмларни тасвирлаш; 3) ҳикоя туздириш каби машқлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

4.ГРАММАТИК МАТЕРИАЛНИ ТУШУНТИРИШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ ДАРСИНИ ТЕХНОЛОГИЯЛАШТИРИШ

Маъруза машғулотнинг технологик харитаси

Маъруза машғулотининг таълимотик ҳаракати	
Машғулот вақти 80 минут	Талабалар сони 15 - 50 нафаргача
Машғулот шакли:	Ахборот бериш асосидаги кириш маърузаси
Маъруза режаси:	1.Умумтаълим мактабларида грамматик кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг мақсад ва вазифалари . 2.Грамматикага ўргатиш принциплари. 3.Грамматик малакаларни шакллантиришнинг анъанавий ва коммуникатив йўналишлари. 4.Грамматик малакаларни шакллантириш усуллари.
Ўқув машғулотининг мақсади: Ўқувчиларда грамматикага ўргатиш дарсининг мақсад ва вазифалари, принциплари, йўналишлари, грамматикага ўргатиш дарсини ташкил қилишнинг лингво методик талабларига оид педагогик кўникма ва малакалар шакллантириш.	
Педагогик вазифалар: Грамматикага ўргатишнинг мақсади ва вазифаларини, принциплари, усуллари, бундай дарснинг ташкил қилиш шакл ва усуллари ҳақида тушунтиришлар бериш.	Ўқув фаолияти натижалари: Грамматикага ўргатишнинг мақсади ва вазифаларини, принципларини, грамматик малакаларини шакллантиришнинг метод ва усуллари эгаллаб олиш.
Таълим бериш усуллари:	Кўргазмали маъруза, суҳбат, тақдимот, тушунтириш.
Таълим бериш шакллари:	Оммавий, гуруҳ бўлиб ўрганиш.
Таълим бериш воситалари:	Ўқув қўлланма, проектор, электрон доска.
Таълим бериш шароити:	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш:	Оғзаки назорат: савол жавоб.

Машигулот босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
1.Ташкилий дақиқа (5 дақиқа)	1. Дарс муҳитига киритиш. 2. Мавзу номини, мақсади ва вазифаларини, маъруза машғулотида кутиладиган натижаларни, мавзу бобларини эълон қилиб, уларнинг ҳар бирида қандай методик вазифалар ҳал этилишини тушунтиради	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар.
2 - Асосий босқич (70 дақиқа)	Мавзунинг ҳар бир қисмини тушунтиради: 2.1.Умумтаълим мактабларида грамматик кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг мақсад ва вазифалари. 2.Грамматикага ўргатиш принциплари. 3.Грамматик малакаларни шакллантиришнинг анъанавий ва коммуникатив йўналишлари . 4.Грамматик малакаларни шакллантириш усуллари . 2.2 Ҳар бир боб якунида блиц саволлар уюштирилади.	2.1Тинглайдилар ва ёзиб оладилар. 2.2Жавоб берадилар.
3.Яқуний босқич (5 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича эришилган натижаларни баён қилади. 3.2. Мавзу бўйича мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар беради, уларни бажариш йўллари кўрсатади.	Тинглайдилар. Вазифани ёзиб оладилар.

Маъруза машғулотининг матни:

1.Нутқ фаолияти турларига ўргатишда грамматик кўникма ва малакалар шакллантиришнинг аҳамияти. Сўз шаклини англаш, уни бошқа сўзлар билан бириктириб тугал фикр англатадиган гаплар ясаш, шунингдек, фикрни тинглаб ва ўқиб тушуниш, грамматик кўникма ва малакаларни эгаллашни талаб қилади. Методик адабиётларда бу жараён грамматик механизмни эгаллаш, ўзлаштириш, грамматик малакалар шакллантириш, билимларни эгаллаш, грамматик ҳаракатни ўзлаштириш каби кўплаб атамалар билан аталадики, назаримизда уларнинг барчасини ўрнига биргина **грамматик кўникма ва малакаларни шакллантириш** атамасини ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Грамматик кўникма ва малакаларни шакллантириш грамматик воситалардан оғзаки ва ёзма нутқ жараёнида эркин фойдалана олишни, шунингдек, эшитилган ва ўқилган нутқдаги грамматик белгиларни тўғри фарқлай олиш даражасини англатади.

Ҳозирги замон чет тили ўқитиш методикасида грамматик кўникма ва малакаларни шакллантириш ва мустақкамлашда ҳам уч уч хил ёндашувни кўриш мумкин: **1.анъанавий ёндашув, 2.аралаш ёндашув, 3. коммуникатив ёндашув.**

Анъанавий ўқитиш методикасида грамматик кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг қуйидаги тўрт босқичи таъкидланган :

1.Грамматик материалнинг тақдимот (тушунтириш) босқичи;

2.Уни оғзаки нутқда қўллаб, дастлабки грамматик кўникмаларни шакллантириш босқичи. Бу босқичда машқлар орқали дастлабки грамматик амаллар бажарилади;

3.Шаклланган дастлабки грамматик кўникмаларни нутқ фаолиятининг бошқа турларида (гапириш, эшитиб ва ўқиб тушуниш , фикрни ёзма баён қилиш) қўллашни машқ қилиш ва бу жараёнда кўникмаларни малакаларга айлантириш босқичи;

4.Грамматик малакаларни мулоқот жараёнида эркин қўллаш босқичи.

Грамматик материални тушунтириш ва мустаҳкамлашнинг бундай анъанавий усуллари унинг нутқ мавзуси ва мулоқот вазиятларига, ўқувчиларнинг гапириш эҳтиёжларига мос келмаслиги билан характерланади ва ўзлаштириш жараёнини секинлаштириш мумкин.

Аралаш ёндашувда биринчи босқичда грамматик материалнинг тақдимоти(қоидасини тушунтириш), иккинчи босқичда уни жуфт ва гуруҳ бўлиб бажариладиган коммуникатив топшириқлар орқали мустаҳкамлаш уюштирилади.

Коммуникатив ёндашувда аввал грамматик материал ва мулоқот материалли асосида тузилган коммуникатив топшириқлар ўзлаштирилади, кейин грамматик қоида тушунтирилади.

Грамматик кўникма ва малакаларни шакллантириш ва мустаҳкамлашнинг умумий принциплари лексик малака ва кўникмаларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш билан бир хил ва улардан анъанавий ёндашувда ҳам, коммуникатив ёндашувда ҳам ижодий фойдаланиш мумкин.Аммо коммуникатив ёндашувда грамматик кўникма ва малакаларкоммуникатив топшириқлар бажариш жараёнида фонетик, лексик, гапириш, тинглаб ва ўқиб тушуниш кўникма ва малакалари билан комплекс равишда шакллантирилишини, грамматик қоидалар эса мулоқот кўникма ва малакалари тўлиқ ўзлаштирилгандан кейин тушунтирилишини унутмаслик керак. Бу ўринда кўпинча аралаш ёндашув усулидан фойдаланиш ҳам яхши натижаларга олиб келиши мумкин.

Чет тилига ўргатишдан асосий мақсад ўқувчиларда мулоқотга киришув кўникма ва малакаларини шакллантириш экан, бунинг учун муайян методик принципларга риоя қилинган ҳолда, турли–туман топшириқ ва машқлар, оғзаки ва ёзма шаклларда уюштириладиган мустақил ишлар бажариш кўзда тутилади.

2. Грамматик кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг коммуникатив принциплари. Ҳозирги замон чет тили ўқитиш методикасида грамматикага ўргатиш, грамматик кўникма ва малакаларни шакллантириш қуйидаги умумий принципларга биноан ташкил қилинади :

1. Грамматикага ўргатишнинг мулоқотга ўргатиш билан боғлиқлиги принципи. Бу принцип фақат грамматик қоидани ўзлаштиришни эмас, ундан

коммуникатив вазиятларда фойдаланиш заруриятини, ўқувчиларда лингвистик ва коммуникатив компетенцияларни шакллантиришни ҳам кўзда тутди;

2. Грамматик материални коммуникатив топшириқ ичида нутқ вазиятларида ўргатиш принципи. Нутқ вазиятлари ўрганилган янги грамматик материални оғзаки нутққа кўчиришнинг, дастлабки грамматик ва нутқ кўникмалари шакллантиришнинг муҳим омили вазифасини бажаради;

3. Грамматик кўникма ва малакаларни шакллантиришда аввал қонидани ўргатиш, кейин уларни босқичма-босқич (мулоқат) кўникма ва малакаларига айлантириш принципи;

4. Грамматик материални функционал ўргатиш принципи. Бу принципдан мавзу бўйича тузилган коммуникатив топшириқлар орқали грамматик кўникма ва малакаларни мустақамлаш босқичида фойдаланилади.

5. Грамматик материални грамматик структуралар таркибида ўргатиш принципи. Бу принцип коммуникатив топшириқдаги нутқ вазиятларига мос келувчи, ўқувчининг кундалик турмуш шароитида энг кўп ишлатиладиган нутқ намуналарини ўзлаштириб олишни кўзда тутди;

6. Грамматик материални она тили материали билан қиёслаб, онгли ўзлаштириш принципи. Бу жараёнда она тилидан эгалланган грамматик кўникма ва малакаларнинг чет тили грамматик материални ўрганишга ижобий таъсири намоён бўлади;

7. Грамматик материални дифференциялаштириб ўргатиш принципи. Бу принцип ўрганилиши қийин тил материални ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаларига мослаштириб, турлича тақдимот ўтказишни, бажариладиган машқ ва амалий ишларни репродуктив нутқ учун алоҳида, рецептив нутқ учун алоҳида ташкил қилишни кўзда тутди.

3. Грамматик кўникма ва малакаларнинг шакллантириш усуллари. Грамматик материални махсус қондаларни ўрганмасдан туриб ҳам ўргатиш **имплицит ёндашув** деб аталиб коммуникатив топшириқларни бажариш жараёнида амалга оширилади.

Грамматикага ўргатишни махсус қондалар орқали ташкил қилиш эса **эксплицит ёндашув** (чет тилича «expliquer»-«тушунтирмак» феълидан) дейилади. Бу ёндашув грамматик қондани ўргатишда одатдаги, анъанавий аудио-визуал метод ва усуллардан фойдаланишни кўзда тутди. Шундай қилиб, грамматик материал бўйича кўникма ва малакаларни шакллантириш маълум ижобий ва салбий томонлари билан характерланадиган икки хил ёндашув, усул билан амалга оширилади:

а) Грамматик малакаларнинг шакллантиришнинг **индуктив** (анъанавий эксплицит усули) ва б) **дедуктив** (*коммуникатив топшириқдаги грамматик материални имплицит усулда ўзлаштириш*) усуллари. Чет тили грамматикасига ўргатишнинг энг оммалашган усули дедуктив (дедукция - кўрилган ва эшитилган ахборотлардан умумий хулосага келиш) усул бўлиб, мулоқот жараёнидаги ахборотдан амалий хулосалар чиқариш маъносида ишлатилади.

Ўзбек олими Ж.Жалолов дедуктив усулнинг қуйидаги ижобий томонларини кўрсатади:

1. Бу усулда ишлашда асосан онглилик принципига таянилади ва бу грамматик материални мустаҳкам ўзлаштирилишига ёрдам беради;

2. Бу усулда ташкил қилинадиган ишлар ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини босқичма-босқич ташкил қилиш имкониятини беради;

3. Бу усулдан ўқувчиларнинг уйда, ўқув лабораторияларда мустақил ишларини самарали ташкил қилиш мумкин.

Эксплицит ёндашувнинг иккинчи шакли **индуктив** (французча «indiquer» -«кўрсатмоқ») усул бўлиб, у эшитиш, ўқиш жараёнида дуч келинган грамматик ҳодисаларни таҳлил қилиб, она тили билан ва аввал ўрганилган грамматик материаллар билан қиёслаб, таққослаб, муайян грамматик қоидаларни интуитив фаҳмлашни, шу орқали тўғри хулосаларга келишни кўзда тутаяди. Масалан, ўқувчилар матндан грамматик формаларни топадилар, контекст ёрдамида уни тушунишга уринадилар. Бундай ишни чет тилидаги матнни унинг она тилидаги таржимасига қиёслаш орқали ҳам ташкил қилиш мумкин. Грамматик материални индуктив тушунишни ташкил қилиш оғзаки нутқдаги замонларни фарқлаш, отларнинг, сифатларнинг бирлик ва кўplik формаларини, родларини фарқлаш, сифат ва равиш даражаларини фарқлаш бўйича ташкил қилинадиган машқлар орқали ҳам ташкил қилиш мумкин. Индуктив усулда шакллантирилган грамматик кўникма ва малакалар дарснинг янги грамматик материални тушунтириш ва мустаҳкамлаш босқичида яна бир бор такрорланади. Шундан сўнг янги грамматик материални мустаҳкамлаш бўйича машқлар серияси бажарилади.

Индуктив методнинг ижобий томонлари қуйидагилардан иборат:

-ўрганишнинг энг самарадор усули – изланишга, фикрлашга, аввал ўрганилган грамматик материални хотирлашга йўналтиради;

-онглилик принципига тўлиқ риоя қилинади;

- грамматик материални беихтиёр эслаб қолишга ёрдам берадиган ақлий фаоллик шакллантирилади;

-ўқувчиларнинг ўқув машқларидан ҳар доим мустақил фойдаланиш, ўз хатоларини китобдан қараб тўғрилаш имкониятлари бор.

Грамматик кўникма ва малакаларни **имплицит ёндашув** асосида шакллантириш икки усулда амалга оширилади: 1.Грамматик материални **структурал ёндашув** орқали ўзлаштириш; 2. Грамматик материални **коммуникатив** ёндашув асосида ўзлаштириш.

Грамматик кўникма ва малакаларни гап структуралари асосида шакллантириш методикада **оғзаки метод, актив метод, структурал-функционал метод** каби турли номлар билан аталиб келинмоқда. Биринчидан, уларни методлар эмас, усуллар деб аташ тўғрироқ бўлади. Бу усулнинг оғзаки ёки актив усул деб аталишига сабаб грамматик малакаларни шакллантириш фақат оғзаки бажариладиган нутқ намуналари орқали ташкил қилинишидир. Бундай нутқ намуналари таркибидаги компонентлар ҳарфлар тимсолида ҳам ифодаланади. Масалан: гап структураси қуйидагича

ифодаланиши мумкин: S + V + C. Бунда S - от, ёки олмош билан ифодаланган эгани, V – феъл билан ифодаланган кесимни, C- тўлдирувчини ифодалайди. Бундай гаплар **нутқ модели, модел гап, лексик бирликлар, нутқ намунаси, типовой гап** каби атамалар билан ҳам юритилади.

Рус олими А.Л.Старков грамматик структураларни грамматик малакалар шакллантирувчи асосий усул деб таърифлаб, уларнинг типлари ва ўзлаштириш босқичлари ҳақида муфассал фикрлар билдиради. Р.К.Миньяр-Белоручев грамматик малакаларни структуралар орқали шакллантиришни танқид қилиб, бу ёндашув механик характердаги, ўқувчиларнинг тез зериктириб қўядиган, чет тили ўрганишга қизиқишни сусайтирадиган усул деб таъриф беради. У грамматик малакаларни шакллантиришнинг коммуникатив усулларига алоҳида аҳамият бериб, ҳар қандай грамматик малака фақат нутқ вазиятларида, мулоқот жараёнида ўзлаштиришни ёқлаб чиқади.

Грамматик малакаларни шакллантирида коммуникатив усуллардан фойдаланишнинг яна бир тарафдори Е.И. Пассовнинг фикрича коммуникатив усуллар ўқув жараёнининг мотивлаштирилганлик даражасини оширади. Бу усулдаги ишларда грамматик материал билан таништириш, дастлабки грамматик кўникмаларни шакллантиришга мўлжалланган, грамматик малакаларни такомиллаштиришга мўлжалланган барча ишлар нутқ вазиятлари ва мулоқот жараёнида ташкил қилиниши кўзда тутилади. Қолаверса, ҳар бир грамматик мавзунини тушунтиришда ва мустаҳкамлашда ҳақиқий нутқ вазиятларини яратиш ҳар қандай ўқитувчининг ҳам қўлидан келавермайди. Шу сабабли грамматик малакаларни шакллантиришнинг **дифференциал усуллари**дан (ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаларига, вазиятга қараб фойдаланиладиган усуллар)фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Грамматик малакаларни шакллантиришда дифференциал усуллардан фойдаланиш ўқитишнинг мақсадига кўра, грамматик материалнинг осон-қийинлигига кўра, ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаларига кўра юқорида баён қилинган барча ёндашувлардан самарали фойдаланишни назарда тутди.

Умумтаълим мактабларида грамматик кўникма ва малакаларни шакллантириш дарсининг намунавий технологик харитаси

<i>Дарс босқичлари ва вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчи</i>	<i>Ўқувчилар</i>
1.Ташкилий дақиқа (5 дақиқа)	1.1.Дарсининг ташкилий дақиқасини уюштиради. 1.2.Мавзу номини, мақсади ва вазифаларини, машғулотида кутиладиган натижаларни эълон қилиб, дарсда грамматик материал орқали қандай мулоқот кўникма ва малакалари шакллантирилишини ва уларнинг кундалик ҳаётдаги ўрнини тушунтиради .	1.1.-Тинглайдилар, кўрсатмаларни бажарадилар. 2.2.Тинглайдилар ва ёзиб оладилар.

2 - Асосий босқич (12 дақиқа)	Мавзуга оид коммуникатив топшириқларни тушунтириш босқичи. 2.1 Топшириқни тушунтириш. Ўқитувчи мулоқот мавзуси асосида тузилган, грамматик материални ўз ичига олган жуфт бўлиб ишлашга мўлжалланган коммуникатив топшириқларни бажариш йўлларини, талаффуз қоидаларини кўрсатади. Топшириқ ҳар бир жуфтликка таржимасиз тушунилиши учун репликани гапириш жараёнида аудио-визуал, новнрбал ва эмоционал таъсир воситаларидан фойдаланади., ва жуфтлик аъзоларига нутқий ҳаракатларни худди ўзи каби бажаришни тушунтиради. Бир дарс жараёнида грамматик материал ва мулоқот мавзуси асосида тузилган 6 тадан 10 тагача коммуникатив топшириқ тушунтирилади ва мустаҳкамланади	2.1 Тинглайдилар ва нутқий ҳаракатларни бажаришни машқ қиладилар .
3. Мустаҳкамлаш босқичи (23 дақиқа)	3.1. Топшириқни бажариш жараёнида талаффузни, грамматик ва лексик кўникма ва малакаларни шакллантиради. Ўқитувчи ҳар бир жуфтликка грамматик материал ва мулоқот мавзусига оид коммуникатив топшириқлар ёзилган карточкаларни тарқатади ва ҳар бир топшириқни кўп марталик такрор асосида жуфтликлар аро 3 дақиқа жараёнида савол-жавоб орқали мустаҳкамлашни топширади. Бу жараёнда ўқитувчи жуфтликлар аро юриб уларни топшириқни бажаришини кузатади, лозим бўлса хато ва камчиликларни тўғрилайди, топшириқ ўзлаштирилишига ишонч ҳосил қилгач, биринчи ва иккинчи ўқувчи вазифасини бажарувчиларнинг ўрнини алмаштиради. 3.2. Грамматик қоида ни ўзлаштириш. Ўқитувчи ўқувчиларни гуруҳларга бўлиб ўзлаштирилган коммуникатив топшириқлардаги грамматик материални аниқлашни топширади Белгиланган вақт ўтгач, ҳар бир гуруҳ дан бир вакил ўзларига берилган топшириқ грамматик қоида ни изоҳлайди. Бундай тақди- мот барча гуруҳ вакиллари томонидан уюштирилади. Қоидалар бошқа гуруҳлар томонидан муҳокама қилинади, камчиликлар тўғриланиб, ўқитувчи ёрдамида ягона грамм- матик қоида ишлаб чиқилади. Ўқитувчи бу қоида ни ёздирди	3.1. Топшириқларни жуфтликларда, гуруҳларда кўп марталик такрор орқали ўзлаштирадилар. Ҳар бир жуфтлик аъзоси ўзи бажарадиган нутқий ҳаракатларни бажариш йўлларини эгаллаб олади. Ўқувчилар аввал карточкаларга қараб, кейин қарамасдан карточкада ёзилган кўрсатмани бажариб, кўп марталик такрор орқали нутқий ҳаракатларни эгаллайдилар. Ўқитувчининг кўрсатмаси асосида вазифаларини алмаштириб, топшириқ асосида савол ва жавоб беришни ўзлаштириб оладилар. Барча коммуникатив топшириқларни шу усулда бажарилиши уларни ўрганилган товушни мулоқот жараёнида

		ўзлаштиришларига олиб келади. 3.2.Ўқувчилар гуруҳларга бўлиниб ўзларига берилган (2-3) топшириқ ичидаги грамматик ходисаларни қиёслаш, таққослаш асосида изоҳлаб, ягона қоидага келишга уринадилар. Ҳар бир гуруҳ вакили ўзлари ишлаган қоидага тақдимотини ўтказди.Энг тўғри вариантни ёзиб оладилар
4.Якуний босқич (5 дақиқа)	4.1.Машғулотида эришилган натижаларни баён қилади. Энг яхши жуфтликларни ва гуруҳларни рағбатлантиради. 4.2.Ўқув лабораториясида бажариладиган мустақил иш топшириқларини ва уйда бажариладиган ёзма машқларни тушунтиради ва бажариш йўллари кўрсатади.	4.1 Тинглайдилар. 4.2.Вазифани ёзиб олади.

Маъруза машғулотини бўйича мустақил иш ташкил қилишнинг технологик харитаси

Машғулоти шакли:	Топшириқ номлари
Топшириқ номи:	1.Кўрсатилган методик адабиётлардан грамматик кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг лингво-методик асосларини конспектлаштириш. 2.Юқорида кўрсатилган усул ва принциплардан фойдаланиб биринчи гуруҳ феълларини содда келаси замонда (Futur simple) туслаш дарсининг технологик харитасини тузиш 3. Мавзу бўйича тузилган тест топшириқларини ечиб, билимнингизни текшириш
Топшириқ бажаришдан мақсад: Талабаларда грамматик кўникма ва малакаларни шакллантиришга оид кўшимча материалларни ўрганиб, билимларини чуқурлаштириш	
Педагогик вазифалар: Талабаларда грамматик кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг метод ва усуллари ҳақида қўшимча билимлар эгаллашга ўргатиш.	Топшириқ бажаришдан кутилаётган натижалар: Кўшимча адабиётларни ўрганиб, грамматик материални ўргатиш дарсни режалаштириш усулларини ўрганиб оладилар.
Топшириқни бажариш усуллари:	Конспектлаштириш, кўргазмали жадваллар тузиш, мавзу асосида ташкилий дақиқани режалаштириш .

Топшириқни бажариш шакллари:	Индивидуал, оммавий, жуфт ва гуруҳ бўлиб ўрганиш.
Топшириқни бажариш воситалари:	Кўшимча адабиётлар, ўқув қўлланма, проектор, электрон дарслик.
Таълим бериш шароити:	АРМ, интернет, ўқув зали.
Мониторинг ва баҳолаш:	Ёзма иш (реферат).

Топшириқни бажаришда қуйидаги адабиётлардан фойдаланинг:

1. Болдырев Н.Н. Лингвистические основы коммуникативных методов обучения иностранному языку. ИЯШ, 1998, №3.
2. Кўчибоев А. Хорижий тилларга ўргатишнинг коммуникатив методикаси. Самарқанд-2010. 64-69 бетлар.
3. Ж.Жалолов. Чет тили ўқитиш методикаси. Тошкент-1996. 148-170 бетлар.
4. Патрикеева Е.С. К проблеме взаимосвязанного обучения лексической и грамматической сторонам говорения. ИЯШ, 2000, №2, с. 15.
5. Пассов Е.И. Основы коммуникативной методики обучения иностранным языкам. - М: 1977.

5. МУЛОҚАТНИ ЎРГАТИШ ДАРСИНИ ТЕХНОЛОГИЯЛАШТИРИШ

Ўқитувчи мавзу бўйича мулоқат дарсини режалаштиришда дастлаб қўйидаги тайёргарлик ишларини амалга ошириш лозим:

1. Мулоқат мавзуси бўйича нотаниш сўзларни аниқлаш. Бир мавзу бўйича 6-10 та нотаниш сўзлар танлаб олинади. Уларни танлашда аввал ўрганилган лексик бирликлар билан бирикиш хусусиятлари ҳисобга олинади.

2. Мавзу бўйича коммуникатив топшириқлар тузиш ва уларни бажариш усуллари белгилаш. Жуфт ва гуруҳ бўлиб бажарилиши лозим бўлган коммуникатив топшириқлар тузиш. Бир мулоқот мавзуси учун 6-10 тагача янги лексикани қўллаб коммуникатив топшириқ тузилади. Коммуникатив топшириқларни тузишда улар ўқувчиларнинг сўзлашув эҳтиёжларига, коммуникатив вазиятларга мос келишлигига асосий эътибор қаратилади. Жуфт ва гуруҳ бўлиб ишловчи талабаларни аввалдан белгилаш.

3. Коммуникатив топшириқдаги нотаниш сўзларни тушунтиришнинг аудио-визуал, экстралингвистик, эмоционал таъсир воситаларини белгилаш ва уларни тайёрлаш; нотаниш сўзларни расмлар, предметлар, имо-ишоралар, ҳаракат, синонимлар, антонимлар, кўшимчалар, чет тилида перефраз қилиш (изоҳлаш), ўйинлар, пантомималар, ашулалар, ниҳоят юқоридаги воситаларни қўллаш имкони бўлмаса, таржима орқали тушунтириш йўллари белгилаш. Тушунтириш жараёнида сўзнинг талаффуз қоидалари ўқувчилар томонидан тақлидий ўзлаштирилиши кўзда тутилади. Бунинг учун ўқитувчи аввал нотаниш сўзни талаффуз қилади,

ўқувчилар уни бир неча бор такрорлагач, сўз ифодалаган маънони юқоридаги воситалар орқали кўрсатишни режалаштирилади.

4.Топшириқдаги янги сўзларни мустаҳкамлаш учун машқлар системасини белгилаш. Мустаҳкамлашни янги сўз орқали ясаладиган иборалар топиш, улардан жумлалар тузиб, турли шахсларда, замонларда тасдиқ, инкор, сўроқ формаларда туслаш орқали ўзлаштириш усуллари режалаштирилади.

5.Коммуникатив топшириқларни бажариш уларини тушунтиришни белгилаш Бунда жуфт бўлиб ишловчи биринчи ва иккинчи ўқувчи ўз жумласини қандай аудио-визуал, экстралингвистик ва эмоционал таъсир воситалардан фойдаланиб гапириши тушунтириш ва бундай нутқий ҳаракатларни бажариш усуллари кўрсатиш режалаштирилади.

6.Коммуникатив топшириқларни тушунтириш ва бажаришга ажратиладиган вақт меъёрлари белгиланади.

2. Амалий машғулотининг технологик харитасининг тузилиши

1 - босқич (5 дақиқагача). Ўқув машғулотига кириш.

Ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятининг мазмуни:

-Таълим берувчи мавзунинг номи, (маъруза) режаси билан, ўқув машғулотининг хусусияти билан ўқув машғулоти натижаларини баҳолаш мезонлари билан таништилади.

-Таълим олувчилар тинглайдилар, аниқлаштирадилар, саволлар берадилар, ёзиб оладилар.

2 - босқич (55 дақиқагача). Ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятининг мазмуни:

-таълим берувчи ўқув машғулотининг режасига мувофиқ тузилган таълим моделини амалга оширади, топшириқни бажаришни тушунтиради, кўзланаётган ўқув натижаларига эришиш йўллари кўрсатади.

-таълим олувчилар кўзланаётган ўқув натижаларига эришиш бўйича режалаштирилган ўқув ҳаракатини бажарадилар.

3 - босқич (10 дақиқагача).

Ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятининг мазмуни:

-ўқитувчи машғулотга якун ясайди, ўқувчилар диққат-эътиборини асосий масалаларга қаратади, бажарилган ишларни келгуси касбий иш фаолиятидаги аҳамиятини тушунтиради, гуруҳлар, алоҳида ўқувчилар фаолиятини баҳолайди ёки ўзаро баҳолашнинг якунини чиқаради;

-ўқув машғулоти мақсадига эришиш даражасини баҳолайди; мустақил иш учун топшириқ беради.

- ўқувчилар савол берадилар, топшириқни ёзиб оладилар.

Мулоқотни ўргатиш дарсини режалаштиришнинг намунавий технологик харитаси

<i>Дарс босқичлари ва вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчи</i>	<i>Ўқувчилар</i>
1. Ташкилий дақиқа (5 дақиқа)	1-2.(Ташкилий дақиқани режалаштириш босқичига қаранг). 3.Машғулот мавзусини, мақсади ва вазифаларини, машғулотидан кутиладиган натижаларни эълон қилиб, дарсда қандай лексик кўникма ва малакалар шакллантирилишини ва уларнинг оғзаки нутқда ва кундалик ҳаётдаги ўрнини тушунтиради .	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар.
2 – Янги сўзларни тушунтириш босқичи (12 дақиқа)	2.1.Ўқитувчи янги сўзни талаффуз қилади. Ўқувчилар аввал хор бўлиб, кейин занжир усулида сўзни такрорлайдилар. Шундан сўнг ўқитувчи сўзнинг график ифодаланиши кўрсатади. Ўқувчилар уни хор бўлиб такрорлайдилар. 2.2. Ўқитувчи янги сўз ифодалайдиган маънони расмлар, предметлар, орқали кўрсатади. Бу ўринда янги сўзга синонимлар, антонимлар, турли кўшимчалар қўшиб , сўз яшаш машқлари бажарилади. 2.3.Ўқитувчи янги сўзни аввал ўрганилган лексик бирликларга қўшиб, иборалар яшашни таклиф қилади . 2.4. Ўқитувчи матндан янги сўз қўлланилган жумлани топишни ва уни аввал инкор формада, кейин сўрок формада туслашни таклиф қилади. Иш аввал жуфтликлар аро, кейин гуруҳлар аро ташкил қилинади. Ўқитувчи бу жараёнда сўз ва жумлалар талаффузидаги йўл қўйилган хатоларни тўғрилайди. 2.5 Барча ўқувчилар томонидан ўргатилган лексик бирлик яхши ўзлаштирилганлигига ишонч ҳосил қилгач, навбатдаги янги сўзни тушинтиришга ўтади.	1.1Тинглайдилар ва ёзиб оладилар, бажарадилар. 2.2.Ўқийдилар ва топшириқларни бажарадилар. 2.3.Иборалар ясайдилар. 2.4.Жумлани жуфтликларда, гуруҳларда кўп марталик такрор орқали туслайдилар. 2.5. Тинглайдилар ва топшириқларни бажарадилар.
3.Мустаҳкамлаш босқичи (23 дақиқа)	3.1Коммуникатив топшириқни тушунтириш.Ўқитувчи мулоқот мавзуси асосида тузилган, янги сўзни ўз ичига олган жуфт бўлиб ишлашга мўлжалланган коммуникатив топшириқларни бажариш йўллари, талаффуз қоидаларини кўрсатади. Топшириқ ҳар бир жуфтликка таржимасиз тушунилиши учун жумлани	 Ҳар бир жуфтлик аъзоси ўзи бажарадиган нутқий ҳаракатларни бажариш йўллари - ни эгаллаб олади. 3.2.Ўқувчилар аввал карточка - ларга қараб, кейин

	гапириш жараёнида аудио-визуал, новнрбал ва эмоционал таъсир воситаларидан фойдаланади., ва жуфтлик аъзоларига нуткий ҳаракатларни худди ўзи каби бажаришни тушунтиради. 3.2. Топшириқни бажариш жараёнида талаффузни мустаҳкамлаш. Ўқитувчи ҳар бир жуфтликка коммуникатив тоашириқлар ёзилган карточкаларни таркатади ва ҳар бир топшириқни кўп марталик такрор асосида жуфтликлар аро 3 дақиқа жараёнида савол-жавоб орқали мустаҳкамлашни топширади. Бу жараёнда ўқитувчи жуфтликлар аро юриб уларни топшириқни бажаришини кузатади, лозим бўлса хато ва камчиликларни тўғрилайди, топшириқ ўзлаштирилишига ишонч ҳосил қилгач, биринчи ва иккинчи ўқувчи вазифасини бажарувчиларнинг ўрнини алмаштиради. Мустаҳкамлаш жараёнида ўқитувчи 6 тадан 10 тагача мулоқот топшириғини тушунтириб, уни жуфтликлар аро кўп марталик такрор орқали мустаҳкамлашни ташкил қилиш мумкин.	карамасдан карточ -када ёзилган кўр - сатмани бажариб, кўп марталик так- рор орқали нуткий ҳаракатларни эгал - лай-дилар. Ўқитувчининг кўрсатмаси асосида вазифаларини алмаштириб, топшириқ асосида савол ва жавоб бе- ришни ўзлаштириб оладилар. Барча коммуникатив топшириқларни шу усулда бажарили- ши уларни ўрга- нилган товушни коммуникация жараёнида ўзлаш- тиришларига олиб келади.
4.Якуний босқич (5 дақиқи)	4.1. Мавзу бўйича эришилажак натижаларни баён қилади. 4.2. Ўқув лабораториясида бажариладиган мустақил иш топшириқларини бажаришни ва уйда бажариладиган ёзма машқларни тушунтиради ва бажариш йўллари кўрсатади.	Тинглайдилар. Вазифани ёзиб олади.

Мавзу бўйича мустақил иш ташкил қилишнинг технологик харитаси

Машигулот шакли:	Мустақил иш
Топшириқ номи:	1. Мавзу бўйича кўрсатилган адабиётлардан фойдаланиб лексикага ўргатишнинг анъанавий ва замонавий усуллари ҳақида умумий маълумотларни конспектоаштиринг. Лексик кўникма ва малакаларни шакллантириш ва мустаҳкамлашдаги уч йўналиш ҳақида гапириг. Улардан қай бири устивор йўналиш ҳисобланади ва унинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат эканлигини аниқланг . 2. Бирор нутқ мавзуси асосида лексик кўникма ва малакаларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш дарсининг технологик харитасини тузинг. 3. Мавзу бўйича тузилган тест топшириқларини ечиб, билимнингизни текширинг.
Топшириқ бажаришдан мақсад: Талабаларда чет тили дарсида лексик кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг метод ва усуллари ҳақида мақсад ва вазифалари ҳақида билимларни чуқурлаштириш	
Педагогик вазифалар:	Топшириқ бажаришдан кутиладиган

Талабаларда дарсда ўқувчиларнинг лексик кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳақида кўшимча билимлар эгаллашга ўргатиш.	<i>натижалар:</i> Кўшимча адабиётларни ўрганиб, лексик малакаларни шакллантириш дарсни режалаштириш усуллари ўрганиб оладилар.
<i>Топшириқни бажариш усуллари:</i>	Конспектлаштириш, кўргазмали жадваллар тузиш, мавзу асосида ташкилий дақиқани режалаштириш.
<i>Топшириқни бажариш шакллари:</i>	Индивидуал, оммавий, жуфт ва гуруҳ бўлиб ўрганиш.
<i>Топшириқни бажариш воситалари:</i>	Кўшимча адабиётлар, ўқув қўлланма, проектор, электрон дарслик
<i>Таълим бериш шароити:</i>	АРМ, интернет, ўқув зали.
<i>Мониторинг ва баҳолаш:</i>	Ёзма иш (реферат).

Топшириқни бажаришда қуйидаги адабиётлардан фойдаланинг:

1..Колкер Я.М., Устинова Е.С. Речевые способности: как их формировать? ИЯШ, 2000, №4. с.30.

2 Кўчибоев А. Хорижий тилларга ўргатишнинг коммуникатив методикаси. Самарқанд-2010. 57-63 бетлар.

3..Пассов Е.И. Основы методики обучения иностранным языкам. Москва,1997.

4. Полат Е.С. Обучение в сотрудничестве. ИЯШ, 2000, №1. с.4.

6.ТИНГЛАБ ТУШУНИШГА ЎРГАТИШ ДАРСИНИ ТЕХНОЛОГИЯЛАШТИРИШ

Маъруза машғулотининг технологик харитаси

<i>Машғулот вақти 80 минут</i>	Талабалар сони 15 - 50 нафаргача
<i>Машғулот шакли:</i>	Ахборот бериш асосидаги кириш маърузаси
<i>Маъруза режаси:</i>	1.Тинглаб тушунишга ўргатиш дарсига қўйиладиган методик талаблар. 2. Тинглаб тушунишга ўргатиш дарсининг технологик харитаси 3. Тинглаб тушунишга ўргатиш дарсининг босқичлари.
Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларда тинглаб тушунишга ўргатиш дарсининг мақсад ва вазифалари, принциплари, йўналишлари ўргатиш, бу турдаги дарсини ташкил қилишнинг лингво методик талабларига оид билимларни шакллантириш.	
Педагогик вазифалар: -Тинглаб тушунишга ўргатиш дарсини ташкил қилишга қўйиладиган методик талаблар, бундай дарнинг мақсади ва вазифаларини, принциплари, усуллари, бундай дарсининг ташкил қилиш шакл ва усуллари ҳақида тушунтиришлар бериш.	Ўқув фаолияти натижалари: Тинглаб тушуниш дарсини ташкил қилиш принципларини, бундай кўникма ва малакани шакллантиришнинг метод ва усуллари эгаллаб олиш.
<i>Таълим бериш усуллари:</i>	Кўргазмали маъруза, суҳбат, тақдимот,

	тушунтириш.
Таълим бериш шакллари:	Оммавий, гуруҳ бўлиб ўрганиш.
Таълим бериш воситалари:	Ўқув қўлланма, проектор, электрон доска.
Таълим бериш шароити:	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш:	Оғзаки назорат: савол- жавоб.

Машғулот босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
1.Ташкилий дақиқа (5 дақиқа)	Мавзу номини, мақсади ва вазифаларини, маъруза машғулотидан кутиладиган натижаларни, мавзу бобларини эълон қилиб, уларнинг ҳар бирида қандай методик вазифалар ҳал этилишини тушунтиради.	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар.
2 - Асосий босқич (70 дақиқа)	2.1. Мавзуни ҳар бир қисмини тушунтиради. 1.Тинглаб тушунишга ўргатиш дарсига қўйиладиган методик талаблар. 2. Тинглаб тушунишга ўргатиш дарсининг технологик харитаси. 3. Тинглаб тушунишга ўргатиш дарсининг босқичлари. 2.2 Ҳар бир боб якунида блиц саволлар уюштирилади . 3.3.Ўқувчилар берган саволларга жавоб беради.	2.1Тинглайдилар ва ёзиб оладилар. 2.2Жавоб берадилар. 2.3.Савол берадилар.
3.Яқуний босқич (5 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича эришилган натижаларни баён қилади. 3.2. №6 мавзу бўйича мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар беради, уларни бажариш йўллари кўрсатади.	Тинглайдилар. Вазифани ёзиб оладилар.

Мавзу бўйича маъруза машғулотининг матни:

1.Тинглаб тушунишга ўргатиш дарсига қўйиладиган методик талаблар. Матнни тинглаб тушунишга ўргатиш дарслари мулоқотга ўргатишнинг таркибий қисми ҳисобланиб, ўқувчиларда мавзу бўйича лексик-грамматик, мулоқот кўникма ва малакалари шаклландиган сўнг ўрганилган мавзуга оид махсус матн орқали ташкил қилинадиган алоҳида машғулотдир. Бундай дарсни режалаштиришда ўқитувчи аввалдан қўйидагиларни пухта режалаштириб олади:

1.Тинглаб тушунишга мўлжалланган матннинг (аудиоматн) ўқувчиларнинг лексик-грамматик тайёргарлик даражасига, қизиқишларига, нутқ эҳтиёжларига мослигини аниқлаш;

2.Тинглаб тушунишга мўлжалланган матннинг таълим босқичига кўра ҳажми.Бунда аудио матн ҳажми босқичларга кўра 1 саҳифадан 3 саҳифагача кўпайтириб борилади.

3. Тинглаб тушунишга мўлжалланган матндаги нотаниш сўзлар миқдори 3% дан ошмаслигини таъминлаш;

4. Матндаги ўқувчилар томонидан ўзлаштириб олинган пассив лексиканинг миқдорини белгилаш;

5. Матндаги маъно ташувчи сўз ва ибораларни белгилаш;

6. Тинглаб тушунишга мўлжалланган матн мазмуни гапириб бериш учун саволлар тузиш.

7. Тинглаб тушунишни уюштириш воситасини аниқлаш (Ўқитувчи ижросида ёки фонограмма, видеограммани тинглаб тушунишга қўйиш)

8. Тинглаб тушуниланг аудиоматнни мустаҳкамлаш учун бажариладиган машқларни олдиндан режалаштириш. Бунда ўқитувчи қўйидаги машқ турларидан саралаб фойдаланиши мумкин:

Нотаниш сўзларни тушунтириш ва мустаҳкамлаш машқлари, луғат билан ишлаш машқлари, маъно ташувчи сўзлар билан жумлалар тузиш, матн парчасини қисқартириб гапириш, матндаги қизиқарли сўзларни чет тилида изоҳлаш, матн парчасига сарлавҳалар қўйиш, эшитилган ўзбекча жумлани чет тилидаги матндан топиш, жумлаларнинг ўрни алмаштирилиб қўйилган матн парчасини мантиқий тартибда жойлаштириш, эшитилган (ўқилган) матндаги воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини билдириш, матн бўйича саволлар тузиш, уларга жавоб бериш, матн мазмунини режага қараб гапириб бериш.

9 Уйга вазифани аниқлаш ва уни тушунтириб бериш йўлларини белгилаб олиш.

Қўйида матнни тинглаб тушуниш дарсини юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб тузилган намунавий технологик харитасини келтирамиз:

Тинглаб тушуниш кўникма ва малакаларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш дарсининг намунавий технологик харитаси

<i>Дарс босқичлари ва вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчи</i>	<i>Ўқувчилар</i>
<i>1 – босқич. Дарсинг кириш қисми. (3-5 мин.)</i>	1.1. Ташкилий дақиқа. 1.2. Машғулот мавзусини, тинглаб тушунишга ўрганишдан мақсадини, дарс босқичларини ва машғулотдан кутилаётган натижаларни ва унинг ўзига хос хусусиятларини баён қилади. 1.3 Ўқувчиларнинг мавзу бўйича аввал ўрганилган билимларини аниқлаш мақсадида блиц сўров уюштиради.	1.1.Тинглайдилар 1.2 Тинглайдилар ва суҳбатга киришадилар . 1.3.Саволларга жавоб берадилар.

II – Янги сўзларни тушунтириш ва мустаҳкамлаш босқичи (12 дақиқа.)	2.1. Аудиоматнидаги янги сўзларни аудио-визуал , экстралингвистик ва эмоционал таъсир воситалари орқали тушунтиради, кўрсатади. 2.2.. Янги сўзлар билан иборалар, жумлалар яшаш. Уларни турли шахсларда, замонларда, тасдиқ, сўроқ , инкор формаларда гапириш. 2.3.Янги сўзларга синонимлар, антонимлар топиш.	2.1. Тинглайдилар. 2.2.Ўқувчилар бажарадилар . 2.3.Ўқувчилар бажарадилар.
III- босқич. Аудиоматни эшиттириш босқичи (3-дақиқа)	3.1. Аудио матн ўқитувчи томонидан (магнитофондан, видеоёзувдан) ўқиб эшиттирилади. Эшиттириш жараёнида матн мазмунини ифодаловчи аудио-визуал, экстралингвистик ва эмоционал таъсир воситалари намоёни қилинади.	3.1.Ўқувчилар тинглайдилар, томоша қиладилар.
IV – босқич. Тингланган аудиоматни мустаҳкамлаш (22 дақиқа.)	4.1.Луғат билан ишлаш, маъно ташувчи сўзлар билан жумлалар тузиш, матн парчасини қисқартириб гапириш, матндаги қизиқарли сўзларни чет тилида изоҳлаш, матн парчасига сарлавҳалар қўйиш, эшитилган ўзбекча жумлани чет тилидаги матндан топиш, ўрни алмаштирилиб қўйилган матн парчасини мантикий тартибда жойлаштириш, эшитилган матндаги воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини билдириш, матн бўйича саволлар тузиш, уларга жавоб бериш, матн мазмунини режага қараб гапириб бериш., матн парчасини ўқиб аудио-визуал воситаларни намоёни қилиш .	41Тинглайдилар, топшириқларни бажарадилар
V- босқич. Дарс якуни (3 мин).	Ўқитувчи машғулотда эришилган натижаларни баён қилади ва уйга вазифани тушунтиради. Уйга вазифа: 1.Ўқув лабораториясида матнни видеотасвирини кўриш ва курсатилган саволларга паузаларда жавоб беришни ўрганиш; 2. Матн бўйича тузилган саволларга ёзма жавоблар ёзиб, мазмунини режа асосида гапириб бериш.	Тинглайдилар ва вазифани ёзиб оладилар .

3.Тинглаб тушунишга ўргатиш дарсининг мустаҳкамлаш босқичининг умумий характеристикаси. Қуйида тингланган матнни мустаҳкамлаш босқичида бажариладиган айрим машқларнинг бажарилиш тартиби ҳақида батафсил тўхталамиз.

1.Луғат билан ишлаш аввалдан белгиланган ўқувчилар гуруҳларида амалга оширилади.Ўқитувчи тингланган матнни бир неча рақамланган парчаларга бўлиб, ўқувчилар гуруҳларига тарқатади. Ҳар бир гуруҳ ўз

парчасидаги нотаниш сўзлар таржимасини ўзаро бўлиб олган ҳолда топишади. Бунда гуруҳдаги ҳар бир ўқувчига луғатдан 1-2 тадан нотаниш сўзни топиши ва умумий қоғозга ёзиши керак бўлади. Ҳар бир гуруҳ ўзларига ажратилган парчадаги нотаниш сўзларни аниқлаб олишгач, ҳамкорликда ишлаб, парчада ифодаланган мазмунни аниқлаб оладилар ва уни луғат ёзилган қоғоз остига ёзиб қўйишади. Шундан сўнг “Чархпалак” технологияси асосида варақлар гуруҳлар аро алмашинади. Ҳар бир гуруҳ бошқа гуруҳ томонидан ёзилган луғатни кўчириб оладилар ва матн мазмуни ёзилган парчани ўқиб ўз тузатишларини киритишади. Бундай фаолият биринчи гуруҳ ўзлари ёзган қоғоз қўлларига қайтиб келгунича давом эттирилади. Шундай қилиб, ўқувчиларнинг барчаси матн мазмуни бўйича дастлабки кўникмаларини шакллантирадилар.

2.Ўқитувчи томонидан айтилган маъно ташувчи сўз ва иборалар билан жумлалар тузиш. Бундай иш ҳам гуруҳ бўлиб, ҳамкорликда бажарилади. Иш якунлангач, ҳар бир гуруҳдан бир ўқувчи ўз жумласини тақдимотини қилади, барча ўқувчилар уни муҳокама қилиб, ўқитувчи бошчилигида якуний натижага келишади.Аудиоматнни мустаҳкамлаш гуруҳ бўлиб ишлаб, “Чархпалак” технологияси орқали қуйидаги усулларда ташкил қилиш мумкин:

а) матн парчасини қисқартириб гапириш; б) матндаги қизиқарли сўзларни чет тилида изоҳлаш; в)матн парчасига сарлавҳалар қўйиш; г)эшитилган ўзбекча жумлани чет тилидаги матндан топиш; д)ўрни алмаштирилиб қўйилган матн парчасини мантикий тартибда жойлаштириш; е) эшитилган матндаги воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини билдириш; ё)ўқитувчи берган саволларга жавоб тузиш; ж) матн мазмунини режага қараб гапириб бериш; з) матн парчасини ўқиб, аудио-визуал воситаларни намойиш қилиш. Бундай мустаҳкамловчи фаолият гуруҳ бўлиб, ҳамкорликда уюштирилади, натижалар муҳокама қилиниб, якуний хулосаларга келинади ва белгиланган вақтдан сўнг, оғзаки тақдимот ташкил қилинади.

Маъруза машғулоти бўйича мустақил иш ташкил қилишнинг технологик харитаси

Машғулот шакли:	Мустақил иш
Топириқ номи:	1.Мавзу бўйича адабиётлардан фойдаланиб, тинглаб тушунишга ўргатиш принципи, усуллари, воситалари ҳақидаги фикрларни конспектлаштиринг. 2. «Саёҳат» мавзусидаги аудиоматн асосида тинглаб тушунишга ўргатиш дарсининг технологи харитасини тузинг. 3. Мавзу бўйича тузилган тест топириқларини ечиб, билимнингизни текширинг.
Топириқ бажаришдан мақсад: Талабаларда тинглаб тушунишга ўргатиш дарсининг мақсад ва вазифалари, ташкил қилиш метод ва усуллари ҳақида билимларни чуқурлаштириш.	
Педагогик вазифалар:	Топириқни бажаришдан кутиладиган натижалар:
Талабаларда тинглаб тушунишга ўргатиш дарсининг мақсади ва вазифаларини, уни ташкил қилишнинг метод ва усуллари	Кўшимча адабиётларни ўрганиб, тинглаб тушунишга ўргатиш дарсни режалаштириш усулларини ўрганиб оладилар.

ҳақида кўшимча билимлар эгаллашга ўргатиш.	
Топшириқни бажариш усуллари:	Конспектлаштириш, кўргазмали жадваллар тузиш, мавзу асосида ташкилий дақиқани режалаштириш .
Топшириқни бажариш шакллари:	Индивидуал, оммавий, жуфт ва гуруҳ бўлиб ўрганиш.
Топшириқни бажариш воситалари:	Кўшимча адабиётлар,ўқув қўлланма, проектор, электрон дарслик.
Топшириқни бажариш шароити:	АРМ, интернет, ўқув зали.
Мониторинг ва баҳолаш:	Ёзма иш (реферат).

Топшириқларни бажаришда қуйидаги адабиётлардан фойдаланинг:

1. Елухина Н.В. Обучение аудированию в русле коммуникативно-ориентированной методики. \ \ Иностранные языки в школе. 1989, №2, с.28.

2.Жалолов Ж.Чет тили ўқитиш методикаси. Тошкент-1996, 190-203 бетлар.

3.Кўчибоев А.Хорижий тилларга ўргатишнинг коммуникатив методикаси. Самарқанд-2010,70-77 бетлар.

7.ЎҚИБ ТУШУНИШГА ЎРГАТИШ ДАРСНИНГ ТЕХНОЛОГИЯЛАШТИРИШ Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Машғулот вақти 80 минут	Талабалар сони 15 - 50 нафаргача
Машғулот шакли:	Ахборот бериш асосидаги кириш маърузаси
Маъруза режаси:	1.Ўқиб тушунишга ўргатиш дарсига қўйиладиган методик талаблар. 2. . Ўқиб тушунишга ўргатиш дарсининг босқичлари. 3.Ўқиб тушунишга ўргатиш дарсининг технологик харитаси.
Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларга ўқиб тушунишга ўргатиш дарсининг мақсад ва вазифалари, принциплари, йўналишлари ўргатиш, дарсини ташкил қилишнинг лингво методик талабларига оид педагогик кўникма ва малакаларни шакллантириш.	
Педагогик вазифалар: Ўқиб тушунишга ўргатишнинг мақсади ва вазифаларини, принциплари, усуллари, бундай дарсининг ташкил қилиш шакл ва усуллари ҳақида тушунтиришлар бериш.	Ўқув фаолияти натижалари: Ўқиб тушуниш дарсини ташкил қилиш принципларини, бундай кўникма ва малакани шакллантиришнинг метод ва усуллари эгаллаб олиш.
Таълим бериш усуллари:	Кўргазмали маъруза, суҳбат, тақдимот, тушунтириш.
Таълим бериш шакллари:	Оммавий, гуруҳ бўлиб ўрганиш.
Таълим бериш воситалари:	Ўқув қўлланма, проектор, электрон доска.
Таълим бериш шароити:	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган

	аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш:	Оғзаки назорат: савол- жавоб.

Машғулот босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
1.Ташкилий дақиқа (5 дақиқа)	Мавзу номини , мақсади ва вазифаларини, маъруза машғулотидан кутиладиган натижаларни, мавзу бобларини эълон қилиб, уларнинг ҳар бирида қандай методик вазифалар ҳал этилишини тушунтиради .	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар.
2 - Асосий босқич (70 дақиқа)	2.1. Мавзуни ҳар бир қисмини тушунтиради. 1.Ўқиб тушунишга ўргатиш дарсига қўйиладиган методик талаблар. 2.2. Ўқиб тушунишга ўргатиш дарсининг босқичлари. 2.3.Ўқиб тушунишга ўргатиш дарсининг технологик харитаси. 2.4 Ҳар бир боб якунида блиц саволлар уюштирилади . 2.5.Ўқувчилар берган саволларга жавоб беради.	2.1-2-3 Тинглайдилар ва ёзиб оладилар. 2.4Жавоб берадилар 2.5.Савол берадилар
3.Якуний босқич (5 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича эришилган натижаларни баён қилади. 3.2. Мавзу бўйича мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар беради, уларни бажариш йўллари кўрсатади.	Тинглайдилар. Вазифани ёзиб оладилар.

Мавзу бўйича маъруза машғулотининг матни:

1. Ўқиб тушуниш дарсини ташкил қилишга қўйиладиган методик талаблар. Ўқиб тушунишга ўргатиш дарслари муайян мавзу бўйича талаффуз, лексик, грамматик, мулоқат ва тинглаб тушуниш малакалари шаклландигандан кейин ташкил қилинадиган мулоқотга ўргатиш дарсларининг таркибий қисми ҳисобланади. Машғулотдан кутиладиган асосий мақсад ва натижа матндаги ахборотни ўқиб тушуниш ва уни оғзаки нутқ жараёнида қўллай билишга ўргатишдир. Бу ўринда ўқиб тушуниладиган матн ўрганилган лексик грамматик материални мустаҳкамловчи функцияни ҳам бажаради. Хорижий тилни мутахассислик сифатида ўрганаётган ўқувчилар учун ўқиб тушунишга ўргатиш дарслари барча ўқувчилар учун бир хил танланган бадиий матн орқали, бошқа олий юртлари ўқувчилари учун мутахассисликка доир махсус танланган матнлар орқали ташкил қилинади.

Бундай дарсни режалаштиришда ўқитувчи қўйидаги ишларини олдиндан пухта режалаштириши лозим:

1.Ўқиб тушунишга мўлжалланган матннинг ўқувчиларнинг лексик-грамматик тайёргарлик даражасига, қизиқишларига, нутқ эҳтиёжларига мослигини аниқлаш.

2. Ўқиб тушунишга мўлжалланган матннинг таълим босқичига кўра ҳажмини белгилаш. Бунда матн ҳажми таълим босқичларга ва ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаларига кўра ҳар дарсда кўпайтирилиб борилади.

3. Ўқиб тушуниладиган матндаги нотаниш сўзлар миқдори ҳаддан ташқари кўп бўлмаслиги.

4.Матндаги ўқувчилар томонидан ўзлаштириб олинган пассив лексиканинг миқдорини аниқлаш.

5. Матндаги маъно ташувчи сўз ва ибораларни белгилаб олиш.

6. Ўқиб тушунишга мўлжалланган матн мазмуни гапириб бериш учун саволлар тузиш.

8. Ўқиб тушунишни мустаҳкамлаш учун бажариладиган машқларни олдиндан режалаштириш.

9. Гуруҳ ва жуфт бўлиб ишлайдиган ўқувчиларни олдиндан белгилаб олиш .

2.Ўқиб тушунишга ўргатиш дарсининг босқичлари.Ўқиб тушунишга ўргатиш дарси қўйидаги босқичларда уюштирилади:

1.Нотаниш сўзларни тушунтириш ва мустаҳкамлаш босқичи. Ўқитувчи дарс бошида ўрганиладиган матннинг асосий мазмунини, уни ўрганишдан кутилаётган мақсадларни тушунтиради. Кейин, тушунилиши қийин бўлган лисоний бирликлар аввалдан белгиланган аудио-визуал (расмлар, предметлар, расмлар серияси), паралингвистик воситалар (ҳаракат, имо ишора) ёрдамида таржимасиз тушунтирилади. Сўнгра ҳар бир сўз ёрдамида жумлалар тузиш машқи бошланади. Ўқитувчи томонидан айtilган маъно ташувчи сўз ва иборалар ёрдамида жумлалар тузиш машқини гуруҳ бўлиб ҳамкорликда бажартириш мумкин. Бунда иш якунида ҳар бир гуруҳдан бир ўқувчи ўз жумласини тақдимотини қилади, барча ўқувчилар уни муҳокама қилиб, ўқитувчи бошчилигида якуний натижага келишади.

Машқдан сўнг матндан шу сўз ишлатилган жумла топилади ва биргаликда унинг таржимаси амалга оширилади.

2.Луғат билан ишлаш босқичи. Ўқитувчи ўқувчиларни тўрт кишилик гуруҳларга ажратилади. Гуруҳ ташкил қилишда унинг таркибида аълочи, яхши, ўрта ва қониқарсиз ўзлаштирадиган ўқувчилар бўлишлиги инобатга олинади. Ўқитувчи матнни бир неча рақамланган парчаларга бўлиб, ўқувчилар гуруҳларига тарқатади. Ҳар бир гуруҳ ўз парчасидаги нотаниш сўзлар таржимасини ўзаро бўлиб олган ҳолда топишади. Бунда гуруҳдаги ҳар бир ўқувчига луғатдан 1-2 тадан нотаниш сўзни топиши ва умумий қоғозга ёзиши керак бўлади. Ҳар бир гуруҳ ўзларига ажратилган парчадаги нотаниш сўзларни аниқлаб олишгач, ҳамкорликда ишлаб, парчада ифодаланган мазмунни аниқлаб оладилар ва уни луғат ёзилган қоғоз остига ёзиб қўйишади. Шундан сўнг варақлар “Чархпалак” технологияси асосида гуруҳлар аро алмашинади. Ҳар бир гуруҳ бошқа гуруҳ томонидан ёзилган

луғатни кўчириб оладилар ва матн мазмуни ёзилган парчани ўқиб ўз тузатишларини киритишади. Бундай фаолият биринчи гуруҳ ўзлари ёзган варақ қўлларига қайтиб келгунича давом эттирилади. Шундай қилиб, ўқувчиларнинг барчасида матн мазмуни бўйича дастлабки кўникмалар шакллантирилади.

3. Матн парчаларини ўқиб, мазмунини муҳокама қилиш босқичи. Матн бир неча парчаларга бўлиниб, гуруҳларга тарқатилади. Вазифа – белгиланган вақт ичида парча мазмунини гуруҳ ичида ўрганиб, мазмуини чет тилида қисқача гапириб бериш қилиб белгиланади. Белгиланган вақт ўтгач, ҳар бир гуруҳ вакилидан бири хорижий тилдаги жумлани ўқийди ва унинг мазмунини чет тилида айтиб беради.. Бошқа гуруҳлар аъзолари ўз тажрибаларидан келиб чиқиб, эшитилган жумла мазмунидаги айрим камчиликларни тўғрилашлари, ўз вариантларини тақдим қилишлари мумкин. Шу тариқа барча гуруҳларга тарқатилган матнларнинг мазмуни эшитилади ва муҳокама қилинади. Иш ҳар бир гуруҳ томонидан бутунлай ишлаб чиқулгунча давом эттирилади.

4. Матн мазмунини мустаҳкамлаш босқичи. Бу ўринда ўқитувчи куйидаги машқлардан саралаб фойдаланиши мумкин:

а) матн бўйича ўқитувчи тузган саволларга ўқувчилар гуруҳлари томонидан матнга қараб, кейинчалик қарамасдан жавоб бериш уюштирилади. Бунда ҳар бир гуруҳ ўз жавобларини ҳозирлайди ва гуруҳ вакиллари навбати билан ўз жавобларини айтгач, энг тўғри жавоб танланади.

б) ўқитувчи ўзбекча ўқиб берган жумлани матндаги чет тилидаги вариантини топиш машқлари. Бунда қайси гуруҳ вакиллари жумлани тез топса, қўл кўтаради ва ўша гуруҳ вакиллари билан бири жавоб беради.

в) ўқитувчи томонидан чет тилида ўқиб берилган жумлани ўзбекча таржимасини айтиш машқлари. Бунда ҳам қайси гуруҳ вакиллари ўзбекча жумлани тез топса, қўл кўтаришади ва ўша гуруҳ вакиллари билан бири жавоб беради.

г) ўқитувчи матндан чет тилида ўқиб берган жумлани тасдиқ, сўроқ, инкор формаларда айтиш машқлари. Иш юқориги тартибда уюштирилади.

д) матндаги персонаж характериға ёки воқеа ҳодисаға муносабат билдириш машқлари. Ўқитувчи бу ўринда тегишли топшириқларни аввалдан тайёрлаб келади. Гуруҳлар томонидан билдирилган муносабат бошқа гуруҳ ўқувчилари томонидан тўлдирилиши, танқид қилиниши, муҳокама қилиниши мумкин.

е) матн парчаларига сарлавҳалар қўйиш ва уни режа асосида гапириб бериш машқлари. Бунда ҳар бир гуруҳ ўзларига топширилган парчаға сарлавҳа топишади ва муҳокама қилиниб энг маъкул вариант танланади.

5. Ўқиб тушуниш бўйича ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолаш босқичи. Бу босқич одатда навбатдаги дарсда уюштирилади. Бунда ўқитувчи ҳар бир ўқувчини эмас, гуруҳнинг ўқиб тушунишини текширади ва баҳолайди. Текшириш ва баҳолаш мустаҳкамлаш босқичида ўрганилган топшириқлар ёки тестлар ёрдамида ташкил қилинади. Гуруҳ аъзоларининг

билими текширилиши ва баҳо гуруҳ учун қўйилиши гуруҳ аъзоларининг ўқув материални яхшироқ ўзлаштиришга бўлган интилишларини, гуруҳ обрўси учун фаолроқ ўрганишга бўлган иштиёқини кучайтиради.

Шундай қилиб, дарснинг бундай ташкил қилиниши ўқувчиларнинг ўқилган материалдан кўпроқ ахборот олишга, бу орқали олдин ўрганилган лексик грамматик материални мустаҳкамлашга хизмат қилиб хорижий тилда ўқиб тушунишларига бўлган қизиқишларини янада оширади.

Бажариладиган машқлар барча ўқувчиларни бир тизимга солинган фаол ўқув фаолиятига, изланишга, мулоқотга, яъни фикр билдиришга йўналтирилганлиги билан коммуникатив ҳарактер касб қилади. Бундай дарсларда ўқувчилар зерикиб қолишмайди.

Дарс якунида ўқитувчи машғулотда эришилган натижаларни баён қилади ва ўйга вазифани тушунтиради.

Ўқиб тушуниш ва мустаҳкамлаш дарсининг ташкил қилишнинг намунавий технологик харитаси

<i>Дарс босқичлари ва вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчи</i>	<i>Ўқувчилар</i>
<i>I – босқич. Ташкилий дақиқа. (3-дақ.)</i>	1.1. Ташкилий дақиқа. 1.2. Машғулот мавзусини, тинглаб тушунишга ўрганишдан мақсадини, дарс босқичларини ва машғулотдан кутилаётган натижаларни ва унинг ўзига хос хусусиятларини баён қилади. 1.2. Ўқувчиларнинг мавзу бўйича аввал ўрганилган билимларини аниқлаш мақсадида блиц сўров уюштилади.	1.1. Тинглайди ва ёзади 1.2. Тинглайди ва суҳбатга киришади
<i>II – Янги сўзларни тушунтириш ва мустаҳкамлаш босқичи (10- дақ.)</i>	2. Матнидаги янги сўзларни аудио-визуал , экстралингвистик ва эмоционал таъсир воиталари орқали тушунтиради, кўрсатади. 2.2. Янги сўзлар билан иборалар, жумлалар яшаш. Уларни турли шахсларда, замонларда, тасдиқ, сўроқ , инкор формаларда гапириш. 2.3. Янги сўзларга синонимлар, антонимлар топиш. 2.4. Янги сўз ишлатилган жумлани матндан топиш ва ва ўқиб тушуниш. 2.5. Ўқилган жумлага савол тузиш ва белгиланган жуфтликлар орасида кўп марталик такрор асосида мустаҳкамлаш. (Бундай иш барча янги сўзлар асосида ташкил қилинади).	2.1. Ўқувчилар тинглайди 2.2. Ўқувчилар бажаради 2.3. Ўқувчилар бажаради 2.4. Ўқувчилар бажаради 2.5. Ўқувчилар бажаради

III –босқич Луғат билан ишлаш (10-дақ.)	3.1 Ўқувчиларни гуруҳларга ажратади 3.2 Матн парчаларини гуруҳларга бўлиб беради ва нотаниш сўзларни топишни, матн мазмунини аниқлаб гуруҳ қоғозига ёзишни топширади. 3.3. Матн парчасидан топилган нотаниш сўзлар ва унинг мазмуни бўйича «Чархпалак» технологияси асосида муҳокама уюштиради.	3.1. Гуруҳ бўлиб нотаниш сўзларни топадилар. 3.2. Матн парчасининг махмунини ёзадилар 3.3. «Чархпалак» технологиясида иштирок этишади.
IV-босқич Матн мазмунини мустаҳкамлаш (14 дақ.)	4.1. Саволларга гуруҳлар томонидан матнга қараб, кейинчалик қарамасдан жавоб беришни уюштириш. 4.2. Ўзбекча ўқиб берган жумлани матндаги чет тилидаги вариантини гуруҳ бўлиб топишни уюштириш. 4.3. Чет тилида ўқиган жумлани тасдиқ, сўроқ, инкор формаларда айтиш машқлари. Бир гуруҳ навбат билан ўқийди, иккинчи гуруҳ бажаради. 4.4. Матндаги персонаж ҳарактерига ёки воқеа-ҳодисага муносабат билдириш машқлари. Ҳар бир гуруҳ алоҳида бажаради.	Барча топшириқларни гуруҳ бўлиб бажарадилар.
V-босқич. Ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолаш (4 дақ.)	Бу босқич навбатдаги дарсда уюштирилиши мумкин. Текшириш ва баҳолаш юқлидаги усуллар билан гуруҳларни текшириш ва баҳолаш орқали уюштирилади.	Гуруҳ бўлиб жавоб берадилар.
VI-босқич. Дарс якуни (4 дақ.)	Эришилган натижаларни эълон қилади ва уйга вазифаларни баён қилади ва уйга вазифаларни тушунтиради.	Ўқувчилар ёзиб оладилар.

Мавзу бўйича мустақил иш ташкил қилишнинг технологик харитаси

Машғулот шакли:	Мустақил иш
Топшириқ номи:	1. Кўрсатилган адабиётлардан фойдаланиб, ўқиб тушунишга ўргатиш дарсини ташкил қилишнинг лингво-методик асосларини баён қилинг. 2. Ўзингиз танлаган аудиоматн мавзусида ўқиб тушунишга ўргатиш дарсининг технологик харитасини тузинг. 3. Мавзу бўйича тузилган тест топшириқларини ечиб, билимнингизни текширинг.
Топшириқ бажаришдан мақсад: Талабаларда ўқиб тушунишга ўргатиш дарсининг мақсад ва вазифалари, ўқиб тушуниш дарсининг ташкил қилиш метод ва усулларига	

оид билимларни чуқурлаштириш	
Педагогик вазифалар: Талабалардаўқиб тушунишга ўргатиш дарсинг мақсади ва вазифаларини, уни ташкил қилишнинг метод ва усуллари ҳақида қўшимча билимлар эгаллашга ўргатиш.	Топшириқ бажаришдан кутиладиган натижалар: Қўшимча адабиётларни ўрганиб, ўқиб тушунишга ўргатиш дарсни режалаштириш усуллари ўрганиб оладилар.
Топшириқни бажариш усуллари:	Конспектлаштириш, кўргазмали жадваллар тузиш, мавзу асосида ташкилий дақиқани режалаштириш .
Топшириқни бажариш шакллари:	Индивидуал, оммавий, жуфт ва гуруҳ бўлиб ўрганиш.
Топшириқни бажариш воситалари:	Қўшимча адабиётлар,ўқув қўлланма, проектор, электрон дарслик.
Топшириқни бажариш шароити:	АРМ, интернет, ўқув зали.
Мониторинг ва баҳолаш:	Ёзма иш (реферат).

Топшириқларни бажаришда қуйидаги адабиётлардан фойдаланинг:

1.Вейсбурд М.Л. Обучение пониманию иноязычного текста при чтении как поисковой деятельности. //Журнал «Иностранные языки в школе» М., 1997, №1-2, с. 19, 33.

2 .Жалолов Ж.Ж. Чет тили ўқитиш методикаси, Тошкент-1996.218-233 бетлар.

3.Қўчибоев А. Хорижий тилда мулоқотга ўргатишнинг коммуникатив методикаси. Самарқанд, 2010, 88-99 бетлар.

7.ФИКРНИ ЁЗМА БАЁН ҚИЛИШГА ЎРГАТИШ ДАРСИНИ ТЕХНОЛОГИЯЛАШТИРИШ

Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Машғулот вақти 80 минут	Талабалар сони 15 - 50 нафаргача
Машғулот шакли:	Ахборот бериш асосидаги кириш маърузаси
Маъруза режаси:	1. Ёзишга ва ёзма нутқ ўргатиш нутқ фаолиятининг тури сифатида. 2.Ёзиш техникасига ўргатиш. 3.Ёзишга ўргатувчи машқлар. 4.Фикрни ёзма баён қилишга ўргатувчи машқлар. 5.Фикрни ёзма баён қилишга ўргатувчи дарсинг технологик харитаси.
Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларда ёзишга ва фикрни ёзма баён қилишга ўргатиш дарсини ташкил қилишнинг лингво методик талабларига оид педагогик кўникма ва малакаларни шакллантириш	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:

Ўзишга, фикри ёзма баён қилишга ўргатиш дарсининг мақсади ва вазифаларини, принциплари, усуллари, бундай дарсининг ташкил қилиш шакли ва усуллари ҳақида тушунтиришлар бериш.		Ўзиш техникасига ва фикри ёзма баён қилиш дарсини ташкил қилиш принципларини, бундай кўникма ва малакани шакллантиришнинг метод ва усуллари эгаллаб олиш.	
Таълим бериш усуллари:		Кўргазмали маъруза, суҳбат, тақдирот, тушунтириш.	
Таълим бериш шакллари:		Оммавий, гуруҳ бўлиб ўрганиш.	
Таълим бериш воситалари:		Ўқув қўлланма, проектор, электрон доска.	
Таълим бериш шароити:		ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория.	
Мониторинг ва баҳолаш:		Оғзаки назорат: савол жавоб.	
Машғулот босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни		
	Ўқитувчи		Талабалар
1.Ташкилий дақиқа (5 дақиқа)	Мавзу номини , мақсади ва вазифаларини, маъруза машғулотидан кутиладиган натижаларни, мавзу бобларини эълон қилиб, уларнинг ҳар бирида қандай методик вазифалар ҳал этилишини тушунтиради .		Тинглайдилар ва ёзиб оладилар.
2 - Асосий босқич (70 дақиқа)	2.1. Мавзуни ҳар бир қисмини тушунтиради. 1. Ўзишга ва ёзма нутқа ўргатиш нутқ фаолиятининг тури сифатида. 2.Ўзиш техникасига ўргатиш. 3.Ўзишга ўргатувчи машқлар. 4.Фикри ёзма баён қилишга ўргатувчи машқлар. 5.Фикри ёзма баён қилишга ўргатувчи дарсининг технологик харитаси. 2.2 Ҳар бир боб якунида блиц саволлар уюштирилади . 3.3.Ўқувчилар берган саволларга жавоб беради.		2.1Тинглайдилар ва ёзиб оладилар. 2.2Жавоб берадилар. 2.3.Савол берадилар.
3.Якуний босқич (5 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича эришилган натижаларни баён қилади. 3.2. Мавзу бўйича мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар беради, уларни бажариш йўллари кўрсатади.		Тинглайдилар. Вазифани ёзиб олади.

Мавзу бўйича маъруза машғулотининг матни:

1.Ўзишга ва ёзма нутқа ўргатиш нутқ фаолиятининг тури сифатида. Ўзишга ўргатиш чет тили алфавитидаги товушларнинг график тимсолларини ўзлаштиришни, ҳарфларни товушларга, сўзларга, гапларга айлантириб, уларни имло жиҳатдан тўғри ёзишни ва улар ёрдамида фикри ёзма баён қилишни кўзда тутди. Шундай қилиб, ёзишга ўргатишда товуш,

харф, буғин сингари фонетик бирликларни, сўз, сўз бирикмаси, гап, абзац, матн сингари лексик бирликларни ўзлаштириш, ўқиш ва ёзиш, ёзма ахборот тайёрлашга оид кўникма ва малакаларни шакллантириш тушунилади.

Методикада ёзишга ва фикрни ёзма баён қилишга ўргатиш алоҳида босқичлар сифатида ўргатилади. Ёзишга ўргатиш мураккаб психофизиологик жараён бўлиб, унда нутқ анализаторларининг барчаси иштирок этади ва ҳарфлардан сўз, сўзлардан сўз бирикмалари ва гаплар ясаб ёзишга, ўқишга, тушунишга ва ўрганилган материални мустаҳкамлашда асосий восита вазифасини бажаради. Гапириш механизмлари ёзувда ҳам иштирок этади. Ёзувда маъно, товуш тимсоллари график тимсоллар (ҳарфлар) билан ўзаро боғланади, яъни гапиришда амал қилинадиган маъно ва товуш тимсолига ҳарфий тимсол ҳам қўшилади. График тимсол ўқиш ва ёзишда ўзлаштирила бориб, ёзма нутқ анализаторлари назоратига ўтади.

Ёзишга ва ёзма нутққа ўргатиш нутқ фаолиятининг гапиришга, тинглаб тушунишга, ўқиб тушунишга ўргатиш турлари билан ана шу жиҳатлари билан боғлиқдир. Шу сабабли нутқ фаолиятига ўргатишда дастлаб гапиришга, тинглаб тушунишга, ўқишга ва ниҳоят ёзма нутққа ўргатилади. Бошланғич синфларда гапириш жараёнида ишлатиладиган товушларнинг график тимсоллари, яъни имлога ўргатилса, ўрта ва юқори босқичларда фикрни ёзма баён қилишга ўргатиш устивор бўлади.

2. Ёзиш техникасига ўргатиш. Ёзиш техникасига ўргатиш товушларнинг талаффузи ва уларнинг график тимсолларини тўғри ёзиш, ҳуснихат ва имлони ўзлаштиришга қаратилади. Ёзиш техникасига ўргатишда ўқитувчи ҳарф ва ҳарф бирикмаларининг талаффуз ва ёзилиш қоидаларини тушунтиради, кўрсатади, ёздирadi, ўқиб беради ва мустақил ўқиттириб ёздирadi. Ёзув техникасига ўргатиш чет тили ва ўзбек тилидаги товуш-ҳарф системасидаги мувофиқликлар ва фарқлар асосида ташкил қилинади. Товуш-ҳарф муносабатларини ўргатишда товушни идрок этиш, кўриш тасаввури ва ундан сўнг ёзув ҳаракати содир бўлади. Бунда она тилидан ўзлаштирилган кўникмаларга таянилади. Чет тили ва ўзбек тиллари лотин графикасидаги алфавитга асосланган бўлса-да, товуш ва ҳарфлар миқдори мос келмаслиги, ҳарфларнинг турли ҳолатларда турлича ўқилиши, бир неча ҳарф бир товушни ифодалаш, айрим ҳарфларнинг ўқилмаслик каби ёзишга ўргатишга ҳалал берадиган номувофиқларга эга. Бундай қийинчиликларни олдини олиш учун махсус машқлар бажарилади. Товуш-ҳарф муносабатларидаги қийинчиликларнинг даражаларига қараб уларни ёзувда ва ўқишда ўзлаштириш тартиби белгиланади. Масалан, товуш ва ҳарф мувофиқ келса, эшитув-товуш идроки, кўрув тасаввури ва ёзиш орқали графика осон ўзлаштирилишига эришилади. Бир товуш бир неча ҳарфлар орқали ифодаланса ёки бир ҳарф ҳолатига кўра бир неча товушларни ифодаласа, улар товуш-ҳарф, ёки буғин таҳлили орқали ўзлаштирилади. Ҳарфларнинг алфавитдаги номи ва ўрнини ўрганилиши сўзларни оғзаки ҳарфлаб айтиш ва ёзиш машқларини бажаришга ёрдам беради.

Ўқувчиларнинг тил тажрибалари ҳисобга олиниб чет тилида ҳуснихат

ўргатилади. Бу ўринда ҳам она тилидан ўзлаштирилган кўникмаларга таянилади. Қийин ўзлаштириладиган ҳарфлар синф доқасига ва ўқувчилар дафтарларига ёзиб кўрсатилади. Имлони ўргатиш оғзаки нутқда ўзлаштирилган сўзларни ва гапларни ёзишга ўргатишнинг орфографик минимумини ташкил қилади. Имлони ўзлаштиришда ўқувчиларнинг кўриш ва эслаб қолиш қобилиятларини ривожлантирувчи ёзма машқлардан фойдаланилади.

Ёзма нутққа ўргатиш (фикрни ёзма баён қилишга ўргатиш) ўқувчиларнинг ўзлаштирган тил материали асосида ташкил қилинади. Ёзма нутққа ўргатиш тил материални пухта ўзлаштириш, оғзаки ва ёзма нутқ малакаларини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг ўзлаштириш натижаларини текшириш ва баҳолаш воситаси бўлиб ҳам хизмат қилади.

3. Ёзишга ўргатувчи машқлар. Ҳар қандай товуш ва унинг ёзилишини ўргатиш унинг график тимсолини (ҳарфни) кўрсатиш, уни талаффуз қилиш ва ёзиш машқлари орқали ўргатилади. Ёзишга ўргатувчи машқлар методик адабиётларда қуйидагича тасниф қилинади:

1. Товуш- ҳарф таҳлили машқлари;
2. Кўчириш машқлари;
3. Эшитиб ёзиш (имло диктантлар) машқлари;
4. Эркин ва ижодий ёзма ишлар (фикрни ёзма ифодалаш);
5. Чинаккам ёзув машқлари (хат, мақола, воқеа-ҳодисаларни тасвирлаш);
6. Ёзишга ўргатувчи ўйин машқлари (кроссворд, чайнворд, топишмоқлар);
7. Ҳикоя (матн) режасини ёзиш;
8. Ўқилган матнга аннотация ёзиш машқлари.

Бундай машқлар ёзишга (имлога) ўргатувчи ва ёзма нутққа ўргатувчи (фикрни ёзма баён қилишга) ўргатувчи машқлар сифатида талқин қилинади.

4. Ёзишга (имлога) ўргатувчи машқлар:

1. Муайян товушни ифодаловчи ҳарфларни ёзиш;
2. Матндан муайян товуш-ҳарф муносабатларини ифодаловчи сўзларни топиб кўчириш;
3. Матнни кўчириб, ундаги товуш-ҳарф миқдори мос келмайдиган сўзларни топиб, тагига чизиш;
4. Матндан ўқилмайдиган ҳарфлар мавжуд сўзларни топиб ёзиш, ёки тагига чизиш;
5. Матндан ҳарф бирикмали сўзларни топиб кўчириш;
6. Матндан бир товуш бир неча ҳарф бирикмалари билан ифодаланган сўзларни топиб кўчириб ёзиш;
7. Муайян товушни ўз ичига олган сўзларни гуруҳларга ажратиб ёзиш;
8. Эшитилган сўзлардан қирқма алфавитдан фойдаланиб сўзлар яшаш;
9. Диктант ёзиш (эшитиб, кўриб-эшитиб ёзиладиган бир соатлик, 5 дақиқалик диктантлар);
10. Ёд олинган материални мустақил ёзиш.
11. Беш минутлик диктантлар ва ўзаро текширув машқлари;

12. Нуқталар ўрнига керакли ҳарф ва ҳарф бирикмалари қўйиб кўчириш машқлари;

13. Сўз тартибини ўзгартириб саволга жавоб ёзиш машқлари;

14. Матннинг шахс ва замонларини ўзгартириб кўчириб ёзиш машқлари;

15. Кўрсатилган сўзларни синонимлари, антонимларини қўйиб кўчириб ёзиш машқлари;

16. Нуқталар ўрнига керакли сўзларни қўйиб, кўчириб ёзиш машқлари;

17. Берилган сўзлардан гап ясаш машқлари;

18. Содда гапларни қўшма гапларга айлантириб ёзиш машқлари .

Ёзишга ўргатишда уйга бериладиган ёзма машқлар муҳим аҳамиятга эга. Улар ўрганилган материални хотирлашга, мустаҳкамлашга ёрдам беради.

5. Фикрни ёзма баён қилишга (ёзма нутққа) ўргатувчи машқлар. Ёзма нутққа ўргатувчи машқлар баён, ҳикоя, тасвир, иншо, хат ёзиш каби шаклларда ташкил қилинади. Аввал тингланган, ўқилган, ёд олинган жумлалар ёки матнни ёзма баён қилиш бундай машқларнинг асосини ташкил қилади. Улар қуйидаги кетма-кетликда ташкил қилинади:

1. Ўқилган ёки тингланган матнни таянч сўзларга қараб ва қарамасдан қисқартириб ёзиш;

2. Матн мазмунига мос ҳолда уни бошқа сўзлар билан ёзиш;

3. Зарур нутқ намуналарини танлаб, матн мазмунини қисмларга ажратиб ёзиш;

4. Ўқилган ёки тингланган матн мазмунига таяниб баён, хат, мақола ёзиш;

5. Юқори синфларда муайян мавзу бўйича ўз фикрини ёзма ифодалаб, иншо ёзиш.

Синфлар бўйича бундай машқлар қуйидаги кетма-кетликда ташкил қилинади:

Бошлагич босқичларда:

1. Намунага қараб воқеа ёки ҳодисани тасвирлаб ёзиш;

2. Ўрни алмаштирилиб юборилган гаплардан мантиқли матн тузиб ёзиш;

3. Матнга режа тузиб, мазмунини ёзиш;

4. Маъно ташувчи сўзларга таяниб матн мазмунини ёзиш;

5. Матнни кенгайтириш ва қисқартириш.

7-8 синфларда:

1. Намунага қараб воқеа ёки ҳодисани тасвирлаб ёзиш;

2. Ўқилган ёки эшитилган (ўрганилган) матн мазмунини режа тузиб ёзиш;

3. Режага биноан ҳикоя ёки баён ёзиш;

4. Воқеа ёки ҳодисани бошқа шахс тилидан ҳикоя қилиб ёзиш;

5. Диалогни монологга айлантириб ёзиш; 6 . Деворий газетага мақола ёзиш;

Юқори босқичларда:

1. Матн мазмунини ёзиш; 2. Матнга аннотация ёзиш; 3. Матн персонажларига характеристика ёзиш.

Ёзма нутққа ўргатишда чет эллик дўстга почта ёки интернет орқали хат ёзиш амали кенг қўлланилади. Хат оғзаки нутқ жараёнида ўзлаштирилган мавзулар доирасида ёзма фикр баёни бўлиб, ўқувчилар намунага қараб лексик бирликларни танлайдилар, ўзи, мактаби, оиласи, шаҳри (қишлоғи), ватани ҳақида хат ёзиб, уни тўғри расмийлаштиришга ўрганадилар. Бу ўринда ёзувга хос муомила сўзлар, табриклар, миннатдорчилик билдириш, хат якуни, унинг ёзилган куни, манзилгоҳни ёзиш сингари жиҳатларига алоҳида эътибор берилади.

Ёзма нутққа ўргатишда ҳар бир синфда ўқувчиларнинг кўникма ва малакаларининг шаклланиш даражасига қараб ёзишга, ёзма нутқни ўстиришга йўналтирилган машқларнинг хусусий тартиби белгиланади.

Ёзма ишларни текширишда хатолар тўғрилиланмайди, балки кўрсатилади. Остига чизиб қўйиладиган бу хатоларни ўқувчиларнинг ўзлари мустақил равишда онгли тўғрилашлари лозим. Бу иш хатолар устида ишлаш сифатида синфда, ёки ўйда бажарилиши мумкин. Одатда хатолар устида ишлашда хато ёзилган сўзларни тўғрилаб, бир нача бор ёзиш талаб қилинади. Ёзма ишларни текширишда асосий эътибор ёзма нутқнинг тўғрилигига, фикрни тўғри баён қилинганига ва ахборот ҳажмига қаратилади. Бунда бошланғич босқичларда 5-6 гап, юқори босқичларда 10-12 гапли баёнлар ёзиш меъёри қабул қилинган. Кейинги синфларда гаплар миқдори чегараланмайди. Ёзма ишларни текширишда қуйидаги баҳолаш мезонлари белгиланган: бошланғич босқичларда 20 та сўзли диктантда иккитагача хатога –«аъло», 3-6 тагача хатога- «яхши», 7-9 тагача хатога- «қониқарли» баҳо қўйилади. Бқори босқичларда 100 сўзли ва ундан ортиқ диктантлар ва баёнлар ўтказиш тавсия қилинади. Бунда 86-100 фоиз тўғри ёзилган ишларга- «аъло», 71-85 фоизга- «яхши», 56-70 фоизга -«қониқарли» баҳо қўйилади.

Фикрни ёзма баён қилишга ўргатиш дарсининг намунавий технологик харитаси

<i>Дарс босқичлари ва вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>
---	------------------------

	<i>Ўқитувчи</i>	<i>Ўқувчилар</i>
<i>I – босқич. Дарсининг кириш қисми. (3-5 дақиқа)</i>	1.1. Ташкилий дақиқа. Машғулот мавзусини, фикрни ёзма баён қилишни ўрганишдан мақсадини, машғулотдан кутилаётган натижаларни ва унинг ўзига хос хусусиятларини баён қилади. 1.2. Ўқувчиларнинг мавзу бўйича аввал ўрганилган билимларини аниқлаш мақсадида блиц сўров уюштилади.	1.1. Тинглайди ва ёзадилар 1.2 Тинглайдилар ва суҳбатга киришадилар .

II – Асосий босқич. Ўрганилган нутқ мавзуси асосида фикрни ёзма баён қилишга ўргатиш босқичи (35 мин.)	2.1.Ўрганилган матн бўйича саволларга ёзма жавоблар тайёрлаш.Иш гуруҳлараро ташкил қилинади.Ҳар бир гуруҳга саволлар бўлиб берилади ва иш якунида натижалар «Чархпалак» технологияси асосида текширилиб, энг маъқул жавоблар танлаб олинади. 2.2.Ўрганилган нутқ мавзуси асосида таянч сўзлардан(режадан) фойдаланиб матн(жумлалар) ёзиш. Иш яна гуруҳ бўлиб ишлаш оқали ташкил қилинади. Режа ёки таянч сўзлар аввалдан ёзиб келиниб, доскага осиб қўйилади.Натижалар «Чархпалак» технологияси асосида текширилади, муҳокама қилиниб, энг тўғри вариант танлаб олинади. 2.3.Берилган матн парчасини шахсини ва замонларини ўзгартириб ёзиш. Иш гуруҳлар аро ташкил қилинади.Натижалар «Чархпалак» технологияси асосида текширилиб муҳокама қилиниб, якуний хулосаларга келинади. 2.3. Ўрганилган нутқ мавзуси асосида 5 дақиқалик диктант уюштирилади. Ўқитувчи кичик матнни бир марта ўқиб беради, шундан сўнг диктовка қилиб матнни ёздирди.Диктантлар гуруҳлар аро текширилади ва энг яхши ёзган гуруҳ аниқланади.	2.1. Гуруҳлар жавоб ёзадилар, бошқаларнинг жавобларини текшириб, хатоларини тўғрилайдилар 2.2.Ўқувчилар бажарадилар, ўзаро текширишда, муҳокамада қаташадилар. 2.3.Ўқувчилар бажарадилар, ўзаро текширишда, муҳокамада қаташадилар. 2.4.Ўқувчилар бажарадилар, ўзаро текширишда, муҳокамада қаташадилар.
III-босқич. Дарс якуни (5 дақиқа)	Эришилган натижаларни эълон қилади ва уйга вазифаларни тушунтиради	Ўқувчилар ёзиб оладилар.

Мавзу бўйича мустақил иш ташкил қилишнинг технологик харитаси

Машғулот шакли:		Мустақил иш	
Топшириқ номи:		1.Мавзу бўйича кўрсатилган адабиётлардан фойдаланиб ёзиш техникасига, фикрни ёзма баён қилишга ўргатишнинг принциплари, метод ва усуллари ва воситалари ҳақидаги маълумотларни конспектлаштиринг. 2.Ўзингиз танлаган мавзу асосида фикрни ёзма баён қилиш дарсининг технологик харитасини тузинг. 3. Мавзу бўйича тузилган тест топшириқларини ечиб, билимнингизни текширинг.	
Топшириқ бажаришдан мақсад: Талабаларда фикрни ёзма баён қилишга ўргатиш тили дарсининг мақсад ва вазифалари, уни ташкил қилишнинг метод ва усуллари ҳақида билимларни чуқурлаштириш			
Педагогик вазифалар: Талабаларда фикрни ёзма баён қилишга ўргатиш дарсининг мақсади ва вазифаларини, уни ташкил қилишнинг метод ва усуллари ҳақида қўшимча		Топшириқ бажаришдан кутиладиган натижалар: Қўшимча адабиётларни ўрганиб, талабалар фикрни ёзма баён қилиш дарсини режалаштириш малакаларини эгаллаб оладилар.	

билимлар эгаллашга ўргатиш.	
Топшириқни бажариш усуллари:	Конспектлаштириш, кўргазмали жадваллар тузиш, мавзу асосида ташкилий дақиқани режалаштириш .
Топшириқни бажариш шакллари:	Индивидуал, оммавий, жуфт ва гуруҳ бўлиб ўрганиш.
Топшириқни бажариш воситалари:	Кўшимча адабиётлар, ўқув қўлланма, проектор, электрон дарслик.
Топшириқни бажариш шароити:	АРМ, интернет, ўқув зали.
Мониторинг ва баҳолаш:	Ёзма иш (реферат).

Топшириқларни бажаришда қуйидаги адабиётлардан фойдаланинг:

1 Жалолов Ж. Чет тили ўқитиш методикаси. Тошкент-1996.243-253 бетлар.

2.Иванова А.М. Обучение письменной речи на французском языке.- М:1981.

3.Мильруд Р.П. Методика обучения иноязычной письменной речи.ИЯШ. 1997, №2. с. 5.

4. Пассов. Е. И. Обучение письму. В кн. « Основы методике обучения иностранным языкам » -М: 1977.

9. ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Амалий ва семинар машғулотларида талаба (ўқувчи)лар билимини текшириш ва баҳолаш қуйидаги мақсадларда уюштирилади:

-таълим олувчиларни билим, кўникма, малакаларини аниқлаш,ўлчаш ва баҳолаш;

талабаларнинг мулоқот материални ўзлаштириш даражаси тўғрисидаги ҳаққоний маълумотни олиш, бу жараёнда эришилган ютуқ ва камчиликларни аниқлаш.

Қуйида назорат ва баҳолашни уюштириш усуллари ҳақида алоҳида тўхталамиз:

1.Жуфт бўлиб ишлаш орқали билимларни текшириш ва баҳолаш.

Бундай текшириш ва баҳолаш жорий назорат сифатида ўзлаштирилган мулоқот мавзуси бўйича карточкалар ёрдамида жуфт бўлиб ишлаш орқали уюштирилади. Бунда ҳар бир жуфтликка 6 тадан 10 тагача коммуникатив топшириқни бажариш топширилади. Биринчи босқичда савол берувчи ўқувчи карточка орқали, жавоб берувчи ўқувчи карточкасиз ишлайди.Иккинчи босқичда уларнинг вазифалари алмаштирилиб назорат қилинади. Назорат ўқитувчи тамонидан амалга оширилиши бироз мураккаблиги туфайли, ҳар бир жуфтликка баҳоловчи экспертлар тайинланиши мумкин. Бундай усулда 10 дақиқа ичида гуруҳдаги барча ўқувчиларнинг билимларини текшириш ва баҳолашга эришиш мумкин.

Бунда эксперт вазифасидаги ўқувчига билимларни адолат билан баҳолаш муҳимлиги ўқдирилади. Бундай вазифага одил ва аълочи ўқувчилардан тайинланади. Ўқитувчи иш якунида экспертлардан баҳолаш натижаларини йиғиб олади ва уларни журналга қайд қилади.

2.Гуруҳ бўлиб ишлаш орқали ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолаш. Бундай назорат ҳам жорий назорат сифатидаўзлаштирилган нутқ мавзуси бўйичаташкил қилинади. Синф аввалдан белгиланган гуруҳларга ажратилади. Ҳар бир гуруҳ учун текширувчи, баҳоловчи экспертлар тайинланиши мумкин.Бунинг учун гуруҳларгаб тадан ўтнагача мавзу бўйича тузилган саволлар топширилади ва уларга оғзаки ёки ёзма жавоб тайёрлаш учун муайян вақт белгиланади. Бу вақт тугагач ҳар бир гуруҳдаги ўқитувчи танлаган ўқувчи саволларга оғзаеи жавоб беради, бошқа гуруҳ ўқувчилари берган эътироз ва саволларга жавоб айтади. Гуруҳ вакили бнрган жавоб орқали барча гуруҳ аъзолари баҳоланади. Гуруҳ бўлиб ишлашни мавзу бўйича бирор лойиҳани ишлаш орқали ҳам уюштириб гуруҳ фаолиятини баҳолаш мумкин.Одатда бундай назорат ёзма шаклда уюштирилади, муҳокама қилинади ва баҳоланади.

3.Ўзлаштирилган нутқ мавзусини индивидуал текшириш ва баҳолаш. Бундай шекшириш ва баҳолаш лингофон синфида ёки компьютер синифида уюштирилади. Ҳар бир ўқувчи магнитофондан эшитилган саволларга муайян паузаларда оғзаки равишда тўлиқ жавоб бера олиши лозим. Унинг жавобини магнит лентасига ёзиб олиб, текшириш ва баҳолашни дарсдан кейин ташкил қилиш мумкин. Бундай текшириш ва баҳолашни ҳар бир ўқувчининг муайян белгиланган вақтда компьютердаги саволларга ёзма жавоб бериши орқали ҳам ташкил қилиш мумкин. Жавобларнинг тўғри ва нотўғрилигини программалаштириш орқали уюштириш мумкин.

4.Нутқ мавзуси бўйича тузилган тестлар орқали билимларни текшириш ва баҳолаш оралик ёки якуний назорат сифатида ташкил қилинади. Бунда асосий вазифа нотўғри жавоблар ичидан энг тўғри ва мантиқий жавобни топишга қаратилади. Тест саволларининг миқдори оралик ёки якуний назорат учун белгиланган нутқ материали миқдорига тенг бўлиши лозим. Тест саволлари босма шрифтда ёзилган алоҳида қоғозларда турли вариантларда тайёрланади, ёки барча ўқувчилар учун умумий тайёрланган тестларни экран орқали намоиш қилиш жараёнида бажарилади. Бунда ҳар бир тест топшириғи намоишига муайян вақт ажратилиб кейин навбатдаги тест топшириғи намоиш қилинади. Тест топшириқларини компютерга киритиб, назоратни программалаштириш ҳам мумкин.

5.Ёзма назорат ва баҳолаш. Ёзма назорат нутқ мавзуси якунида, оралик ва якуний назоратларда индивидуал ташкил қилинади. Бундай назорат бир ўқув мавзусига белгиланган соатларда ўтказилади ва ўзлаштирилган фонетик, лексик, грамматик материаллар , матнни ўқиб тушуниш, фикрни ёзма баён қилиш аспектларида ташкил қилинади.

Назорат ва баҳолашга ажратиладиган вақт ва топшириқлар сони куйидагича белгиланади шу асосда рейтинг назоратнинг технолоқ харитаси тузилади:

<i>Назорат тури:</i>	<i>Ўтказиш вақти (дақиқа):</i>	<i>Топшириқлар сони:</i>
Жорий	10-12	6-10 тагача
Оралиқ	30-40	25тагача
Якуний	1- 1,5 соатгача	50 ва ундан кўп

“Чет тили ўқитиш методикаси” фанидан талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг технологик ХАРИТАСИ (Намуна)

Таълим йўналиши: Француз тили, бакалавриат.

Ўқув шакли: Кундузги

Курс: III

Семестр: V.

Жами ўқув юкламаси: 70 соат

Жумладан:

Маъруза машғулоти: 20 соат

Амалий: 20 соат

Мустақил таълим: 30 соат

Т/г	<i>Ўқув юкламаси</i>			Баҳолаш тури	Баҳолаш шакли	Балл		Муддати
	маърузалар	амалий	жами			Юқори балл	Саралаш бали	
1.	1-26 соат			ЖН	Оғзаки сўроаш			Декабр
2.	1-28	1-28	28	ОН	Мустақил топшириқлар			Январ
3.	1-26	1-26	54	ЯН	Ёзма			Феврал

10.ИЛОВАЛАР

1.Суҳбат машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва мазмуни	Фаолият	
	таълим берувчи	таълим олувчи
1-босқич. Тайёргарлик	Суҳбатнинг мавзуси, унинг мақсади, вазифа ва натижаларини аниқлайди, асосий ва ёрдамчи саволларни шакллантиради, уни ташкиллаштириш ва олиб боришни ўйлаб чиқади: саволларни бериш тартиби, қандай боғлиқ ҳолатлар бўйича умумлаштириш ва хулосалар қилиш лозимлиги ва бошқ.	
2-босқич. Суҳбатга кириш	Қисқа шаклда ўқув суҳбатининг мавзуси, унинг вазифаларини эшиттиради, ушбу мавзу бўйича эга бўлган билим ва малакаларни эслатади. Суҳбат давомида таълим олувчиларнинг алоҳида мулоҳазаларини умумлаш-тиради. Суҳбатда ҳамма таълим олувчилар фаол иштирок этишларига ҳаракат қилади.	
3-босқич. Суҳбат	Тўғри жавобларни маъқуллайди, нотўғри ёки тўлиқ бўлмаганларни шарҳлайди, аниқлайди. Нотўғри жавоб берган таълим олувчининг ўзига хатосини топишни таклиф қилади. Агар у бунни қила олмаса, бошқа таълим олувчиларни ёрдамга чақиради	Саволларни диққат билан тинглайдилар, жавоб берадилар, ўзгалар жавобларини таҳлил қиладилар, ўзларининг шахсий мулоҳазарини айтадилар
4-босқич. Хулоса	Усуллардан бирини танлаб, суҳбат натижаларини умумлаштиради: ўзи яқун ясайди; йўналтирувчи саволлар ёрдамида суҳбат натижаларини "йиғади"	
5-босқич. Яқунлаш	Яқун ясайди: таълим олувчиларнинг фаолиятини таҳлил қилади ва баҳолайди	Ўз-ўзларини баҳолайдилар

2.Ақлий ҳужум усули қўлланилган ўқув машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва мазмуни	Фаолият	
	Ўқитувчи	Талабалар
1-босқич. Тайёргарлик	Ўқув машғулотида “ақлий ҳужум” ўрнини аниқлайди, унинг мақсадини шакллантиради, муаммони ва уни ечиш бўйича таклиф этилаётган ғояларни баҳолаш мезонларини аниқлайди	
2-босқич. Кириш	Мавзуни эълон қилади, муаммо билан таништиради, уни ечишнинг йўллари ва баҳолаш мезонини тушунтиради Гуруҳ бўлиб ишлаш шароити ва бунда ахлоқ	Гуруҳ аъзолари

	маданияти қоидаларини эслатади. Ҳар бир гуруҳ фаолиятини баҳолаш ва мақбул ғояларни қайд этиб бориши учун экспертлар тайинлайди. Талабаларни аввалдан белгиланган кичик гуруҳларга ажратади Талабалар билан руҳий қийинчилик ва кўркувлардан ҳалос бўлиш учун мавзудан олинган кутилмаган, қизиқарли саволларга тез жавоблар излаш машқини ўтказади. Берилган муаммони эслатади ва бошлашга рухсат беради	тинглайдилар, ҳамкорликда ишлаш-лари мумкин бўлган ҳолда ўтирадилар
3-босқич. Асосий қисм	Кузатади, йўллайди, рағбатлантиради. Ўзини тортишувга аралашувдан, ўз нуқтаи-назарини айтишдан тияди. Керак бўлганда, гуруҳни хайрихоҳлик билан иш ҳолатига қайтаради	Муаммони ечиш бўйича ғоя ва таклифларни айтадилар, экспертлар эса уларни ёзадилар
	1-вариант. Айтилган ғояларни эксперт-лар билан муҳокама қилишни, уларни таклиф этилган мезонларга мос ҳолда баҳолаш ва танлашни ташкиллаштиради. Муаммони ечиш учун танланган ғояларни экспертлар гуруҳи тақдимотини ва уларнинг муҳокамасини ташкиллаштиради.	Экспертлар ишлаётган пайтда, бошқа барча иштирокчилар мавзулар босқичи бўйича кроссворд ечадилар, ўқув ҳолатини муҳокама қиладилар. Экспертлар танланган ғояларни тақдим этадилар. Ҳар бир фикр муаллифлари ўз фикрларини ҳимоя қиладилар
	2-вариант. Ғояни алоҳида баҳолаш ва энг яхшиларини жамоавий танлашни ташкиллаштиради	
4-босқич. Яқун яшаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш	Натижаларни умумлаштиради, гуруҳлар ишини таҳлил қиладди ва баҳолайди: ижобий, ижодкорликнинг юқори даражасини кўрсатган ҳолатлари, жамоавий фаолият муваффақиятларини кўрсатади	Ўз-ўзларини баҳолайдилар

3.Инсерт усули қўлланилган ўқув машғулотининг технологик харитаси

Ишлар босқичи ва мазмуни	Ф а о л и я т м а з м у н и	
	Ўқитувчи	Талабалар
1-босқич. Тайёргарлик	Ўқув машғулоти мақсадини аниқлайди, унинг натижалари, таълим олувчилар фаолиятини баҳолаш мезонларини шакллантиради, керакли ўқув материалларини тайёрлайди	
2-босқич.	Ўқув машғулотининг мақсади, вазифалари унинг натижалари, таълим олувчилар фаолиятини баҳолаш	Ёзиб оладилар

Кириш	мезонлари билан таништилади.	
3-босқич Асосий қисм	Мавзу бўйича мавжуд ахборотларни фаоллаштириш учун: Ақлий ҳужум усулида бир неча саволлар беради. Матнни таркатади, уни ўқиб чиқишни ва инсерт усулидан фойдаланиб матн четида белгилар қўйишни таклиф этади. Ишнинг боришини кузатади. Ишнинг ўзаро текширувини ўтказиш ва ўқиш пайтида пайдо бўлган саволларга жавоб беришни таклиф этади. Ихтиёрий белги бўйича гуруҳларга бўлади ва гуруҳли Инсерт жадвалларини тузишни ва уларга олинган ахборотларни киритишни таклиф этади. Натижалар тақдироти бошланишини эълон қилади	Саволларга жавоб берадилар Бунда улар эътиборни асосий ахборотга қаратадилар, ўқиш давомида пайдо бўлган саволларни айтадилар
4-босқич. Яқун яшаш	Олинган ахборотни умумлаштиради ва шарҳлайди. Пайдо бўлган саволларга жавоб беради, муҳим қўшимча ахборотни беради. Мақсадга эришиш муваффақиятини таҳлил қилади ва баҳолайди. Кейинги иш истиқболларини аниқлайди.	Тинглайдилар

4.Пинборд технологияси қўлланилган ўқув машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва мазмуни	<i>Ф а о л и я т</i>	
	Ўқитувчи	Талабалар
1-босқич. Тайёргарлик	Ўқув машғулотида пинборд усулининг ўрнини аниқлайди, унинг мақсадини шакллантиради, муаммони ва уни ечиш бўйича таклиф этилаётган ғояларни баҳолаш мезонларини аниқлайди.	
2-босқич. Мавзуни ўргатиш	Мавзу тузилмасини аниқлайди. Пинборд усулини тушунтиради. Муаммо бўйича ўз фикрларини айтади ва талабаларга фикр билдиришни таклиф қилади. Мунозара бошланишини тезлатиш учун бир қатор саволлар беради. Ҳар бир гуруҳ фаолиятини баҳолаш учун экспертлар тайинлайди. Кузатади. Берилган муаммони эслатади ва бошлашга рухсат беради.	Гуруҳ аъзолари ҳамкорликда ишлашлари мумкин бўлган ҳолда ўтирадилар ва тинглайдилар.

3-босқич. Якуний хулосани ёзма баён этиш	Гуруҳлар аро юриб маслаҳатлар, тавсиялар беради.	Гуруҳ аъзолари ўзаро маслаҳатлашиб ўз фикрларини, асосий якуний хулосадек, кичик қоғозларга ёзадилар ва ёзув тахтасига бириктирадилар. Шундан сўнг ҳар бир гуруҳдан бир вакил ёзув тахтасига чиқиб қоғозга ёзилган маълумотларни тизимлаштирадилар ва мазмунига кўра гуруҳлайдилар. Кўрсатувчи чизиқлар ёки бошқа белгилар ёрдамида уларнинг мосликларини кўрсатадилар
4 – босқич Яқун яшаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш	Натижаларни умумлаштиради, гуруҳлар ишини таҳлил қилади ва баҳолайди: ижодкорликнинг юқори даражали ҳолатлари кўрсатиб, гуруҳлар фаолиятигаги ютуқ ва камчиликларни изоҳлайди.	Ўз-ўзларини баҳолайдилар.

5.Муаммоли вазият усули қўлланилган ўқув машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва мазмун	Ф а о л и я т	
	таълим берувчи	таълим олувчи
Тайёргарлик	Мавзу, муаммоли вазиятни танлайди, мақсад, натижалар ва баҳолаш мезонларини ифодалайди, технологик харитани, талабалар билан муаммоли вазиятларни белгилаш ва ечишни ишлаб чиқади.	
1-босқич. Муаммога кириш	Муаммоли вазиятни (муаммони баён этади) яратади, талабаларни уларни ечишга йўналтиради; шу билан бирга уларни иш натижаларини баҳолаш мезонлари билан таништиради	Гуруҳларга бўлинадилар; муаммоли вазиятлар баён қилинган материаллар билан танишадилар
2-босқич. Муаммога кириш	Муаммони тўғри тушунганликларига ишонч ҳосил қилиш учун, бир гуруҳдан иккинчи гуруҳга ўтиб, мунозарани фаоллаштиради ва зарур бўлганда мақсадга йўналтиради. Талабаларга муаммоларни турлича мажмуали ҳал этиш мумкин эканлигини тушунтиради	Ушбу муаммони ҳал этишнинг турли имко- ниятларини гуруҳларда муҳокама қиладилар,

3-босқич. Натижаларни тақдим этиш	Диққат билан тинглайди, саволлар беради, фаолиятни боғқаради.	уларни таҳлил қилади-лар, энг мақбулларини топадилар, ягона фикрни ифодалайдилар. Натижаларни маълум қилади, бошқа гуруҳ вариантларини муҳо-кама қиладилар
4-босқич . Умумлаштириш, якун ясаш	Баҳоламасдан қисқача муаммони ечишнинг асосий ва ҳал этиш йўлларини санаб ўтади. Муаммоли вазиятни ечиш жараёнида қилинган хулосаларга эътибор қаратади	Энг мақбулларини аниқлайдилар

6. Кейс-стади ўсули қўлланилган ўқув машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичи ва мазмун	Ф а о л и я т	
	Таълим берувчи	Таълим олувчи
Тайёргарлик	Танишиш учун талабаларга кейс материалларини тайёрлайди ва аввалги машғулотларда тарқатади.	Кейс мазмуни билан танишадилар
1-босқич. Ўқув машғулоти кириш (5 дақ.)	1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси, мақсади, кутилаётган натижалар ва уни олиб бориш режаси билан таништиради. Кейс аҳамиятини ва уни касбий билимларни ривожланишига таъсирини тушунтиради.	Диққат билан тинглайдилар.
2-босқич. Билимларни фаоллаштириш (10 дақ.)	2.1. Талабалар билимини фаоллаштириш мақсадида мавзунинг асосий тушунчалари бўйича тезкор-сўров ўтказилади . 2.2. Машғулотда ишлаш тартиби, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради .	Саволларга жавоб берадилар. Муҳокама қиладилар, аниқлаштирувчи саволлар берадилар.
3-босқич. Алоҳида ишлаш (20 дақ.)	3.1. Кейс материалларини муҳокама қилишни ташкиллаштиради, ишлаш қонидаси, вазиятларни таҳлил қилиш чизмаси, муаммоларни ифодаланишига эътибор беришларига қаратади. 3.2. Вазиятни мустақил таҳлил қилишни, муаммони ифодалашни, ечиш йўлларини	Кейс материалларини муҳокама қиладилар, аниқлайдилар, саволлар

	аниқлашни, сўнгра уни ечиш топшириғини беради.	берадилар. Мустақил равишда таҳлил қилиш варағини тўлдирадилар, муаммони ечадилар.
4-босқич. Кичик гуруҳларда ишлаш (20 дақ.)	4.1. Талабаларни кичик гуруҳларга бўлади ва топшириқ беради: вазиятни муҳокама қилиш ва таҳлил қилиб кўриш, гуруҳ учун вазиятни таҳлил қилиш варағини тўлдириш, ечиш тартибини ишлаб чиқиш, топшириқни ечиш, тақдимотга тайёрланиш.	Кейсни ечиш ва тақдимот варағини тайёрлаш бўйича ҳаракатлар қиладилар
5-босқич. Тақдимот (20 дақ.)	5.1. Тақдимот, муҳокама ва гуруҳлар тақдимотини ўзаро баҳолашни ташкиллаштиради. Жавобларни шарҳлайди, таҳлил қилиш ва муаммоли вазиятни ечиш жараёнида қилинган хулосаларга эътибор қаратади. Кейс бўйича ўзининг жавобини ҳавола қилади.	Гуруҳлар тақдимот қиладилар Бошқа талабалар мунозарада иштирок этадилар, саволлар берадилар

ТАВСИЯ ҚИЛИНАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар и педагогик маҳорат - Т.: ТДПУ, 2003.
2. Андреевская-Ливенстерн Л.С. Методика преподавания французского языка в средней школе. Москва, 1983, 272 с.
3. Ахунова Г.Н. Образовательная технология по курсу “Маркетинг в сфере образования” // Из серии “Технологии обучения в экономическом образовании”.- Т.: ТГЭУ, 2005
4. Бекмуродов А.Ш., Голиш Л.В., Пулатов М.Э., Хажиева К.Н. Проектная технология обучения в вузе: Методическое пособие. - Т.: ТГЭУ, 2009.
5. Бим И.Л. Методика обучения иностранному языку в школе: Учебное пособие. –М.: Просвещение, 2003. -156 с.
6. Гальскова Н.Д. Современная методика обучения иностранным языкам: Пособие для учителя. -2-е изд. –М.: АРКТИ, 2003. -162 с.
7. Голиш Л.В. Технологии обучения на лекциях и семинарах: Учебное пособие. //Под общ. ред. акад. С.С.Гулямова. - Т.: ТГЭУ, 2005.
8. Дженни Стил, Керт Мередис, Чарльз Темпл. Обучение сообща: чтение и письмо для развития критического мышления. Учебная программа.- Бишкек: Фонд Сороса, 1999.
9. Джалалов Д.Д. Проблемы содержания обучения иностранному языку. –Т.: Фан, 1987. -110 с.
10. Жалолов Ж.Ж. Чет тил ўқитиш методикаси: Чет тиллар олий ўқув юртлиари (факультетлари) ўқувчилари учун дарслик. –Т.: Ўқитувчи, 1996. -368 б.
11. Зимняя И.А. Психология обучения иностранным языкам в школе. –М.: Просвещение, 1991. -221с.
12. Инглиз тили ўқитиш методикаси фанидан дастур/Бакалаврият йўналиши: проф.Ж.Ж.Жалолов, Ҳ.Ғаниева, С.А.Мисиров. -Т.: ТДПУ, 2003. .
13. Ёўлдошев Ж., Усмонов С. Педагогик технология асослари. -Т.: Ўқитувчи, 2004.
14. Конышева А.В. Современные методы обучения английскому языку. –М.: Тетра Системе, 2003. -176 с.
15. Кўчибоев А., Э.Искандаров.Хорижий тилларда мулоқотга ўргатишда Янги педагогик технологиялар. Самарқанд, 2001. 60 б
16. Кўчибоев А. Хорижий тилларга ўргатишнинг коммуникатив методикаси. Самарқанд, 2010, 143 б..
17. Кўчибоев А.Хорижий тилларни ўргатишнинг коммуникатив асослари. Самарқанд, 2007.
18. Мильруд Р.П., Максимова И.Р. Современные концептуальные принципы коммуникативного обучения иностранным языкам. Журнал ИЯШ, 2000, №4-5, с17-21.
19. Новые педагогические информационные технологии в системе образования: Учебное пособие. – М.: Академия, 2000.
20. Новые педагогические и информационные технологии. Под ред. Е.С.Полат.М.1999.
21. Основные направления в методике преподавания иностранных языков в XIX-XX в.в. / Под ред. И.В. Рахманова. (Авт.И.В.Рахманов, Н.И.Гез, И.А.Зимняя, С.К. Фоломкина, А.Я. Шайкевич.). –М.: Педагогика, 1972, -320 с.
22. Пассов Е.И. Основы методики обучения иностранным языкам. -М.: Русский язык, 1977.-216 с.
23. Первые шаги в профессию учителя иностранного языка: Пособие для студентов (К.И.Саломатов, Т.А. Волкова, Т.Н.Добронравова и др.) Л.: Просвещение, 1979.-175с.
24. Пидкасистый П.И. Организация учебно-познавательной деятельности студентов. – М.: Педагогическое общество России, 2005.

25. Подласый М.Л. Педагогика. Новый курс. Учебник для студентов пед. вузов: В 2 кн. к.1: Общие основы процесса обучения.- М.: ВЛАДОС, 1999.
- 26.Полат Е.С. Обучение в сотрудничестве. ИЯШ, 2000№1 с.4.
- 27.Практический курс методики преподавания иностранных языков: английский, немецкий, французский: Учебное пособие / П.К. Бабанская, Т.П.Леонтьева, И.М. Андреасян, А.Ф.Будько, И.В. Чепик – Изд. 2-е., -М.: Тетра Системе, 2003. -288 с.
- 28.Рогова Г.Б., Рабинович Ф.М., Сахарова Т.Е. Методика обучения иностранным языкам в средней школе. –М.: Просвещение, 1991. -287 с.
- 29.Саидахмедов Н.С. Педагогик амалиётда янги педагогик технологияларни қўллаш намуналари. - Т.: РТМ, 2000.
- 30.Сайдалиев С.С. Чет тил ўқитиш методикасидан очерклар: Ўқитувчи ва ўқувчилар учун қўлланма. -Наманган, НамДУ. 2004. -204 б.
- 31.Сатторов Т. Қ. Бўлажак чет тили ўқитувчисининг услубий омилкорлигини шакллантириш технологияси.-Т: ТДЮИ, 2003. -192 б.
- 32.Соловова Е. Н. Методика обучения иностранным языкам. Базовый курс лекций: Пособие для студентов пед.вузов и учителей -М.: Просвещение, 2003. -235 с.
- 33 Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г. и др. Инструменты развития критического мышления. - Т.: Минвуз, 2002.
- 34.Ўзбекистон Республикаси таълим тўғрисидаги Қонуни. 1997 й. 29 август Олий таълим меъёрий ҳужжатлар тўплами. “Шарқ” нашриёт – матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. –Т.: 2001. -3 б.
- 35.Ўзбекистон Республикаси кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. 1997 й. 29 август. Олий таълим меъёрий ҳужжатлар тўплами. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. –Т.: 2001. -17 б.
36. Харламов И.Д. Педагогика: Учебное пособие. 2-е изд.- М.: Высшая школа, 1990.
37. Ходиев Б.Ю., Голиш Л.В., Рихсимбоев О.К. Кейс-стади – иқтисодий олий ўқув юртидаги замонавий таълим технологиялари: Илмий-услубий қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2009.
- 38.Ходиев Б.Ю, Голиш Л.В. Способы и средства организации самостоятельной учебной деятельности студентов: Учебно-методическое пособие для студентов. – Т.: ТГЭУ, 2006.
39. Ҳошимов Ў. Ҳ., Ёкубов И.Я. Инглиз тили ўқитиш методикаси. -Т.: Шарқ, 2003. -302

М У Н Д А Р И Ж А

I-қисм.ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР ВА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАТИШНИНГ КОММУНИКАТИВ ТАМОЙИЛЛАРИ.....	3
--	----------

II-қисм.ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИДА ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ УСУЛЛАРИ	
---	--

1.Замонавий таълим усуллари ҳақида умумий тушунчалар.....	6
2. Биринчи-гуруҳ усуллари.....	7
3. Иккинчи гуруҳ усуллари	9
4.Учинчи гуруҳ усуллари..	11
5. Тўртинчи гуруҳ усуллари.....	26

III-қисм.ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ КУРСИДА ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТЕХНОЛОГИЯЛАШТИРИШГА ЎРГАТИШ.	
--	--

1.Чет тили дарсининг мақсад ва вазифаларини белгилаш,машғулотнинг ташкилий ва якуний босқичларини технологиялаштириш	37
--	----

2.Талаффузга ўргатиш дарсини технологиялаштириш.....	
3.Лексик материални тушунтириш ва мустаҳкамлаш дарсини технологиялаштириш	
4.Грамматик материални тушунтириш ва мустаҳкамлаш дарсини технологиялаштириш	
5.Мулоқотни ўргатиш дарсини технологиялаштириш	
6.Тинглаб тушунишга ўргатиш дарсини технологиялаштириш.....	
7.Ўқиб тушунишга ўргатиш дарсини технологиялаштириш	
8.Фикрни ёзма баён қилишга ўргатиш дарсини технологиялаштириш ...	
9 Ўқувчилар билиминини назорат қилиш ва баҳолаш технологиялари.....	
10.Иловалар.....	
11.Фойдаланилган ва тавсия қилинадиган адабиётлар рўйхати.....	